

ЎЗБЕКИСТОН

ISSN 2181-0028

QISHLOQ XO'JALIGI

№1. 2018

2018 йили, Фаол тадбиркорлик,
инновациялар ва таълимияларни
қўллаб қувватлаш йили

Халқимизни, барча қишлоқ
хўжалик меҳнатқошларини
ЯНГИ 2018 йилда

билан сийқатиш
жубдоракбод этамиз.

Жорий йилда деҳқончилигини
жмало ҳуни он баракати,
тастурланларини
тўқин-сечин бўласин!

Ўзбекистон жмалоқ ва суи
хўжалиги вазирлиги



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Қадрли дўстлар!

Жонажон Ватанимизга Янги – 2018 йил кириб келмоқда.

Сиз азизларни, мўтабар нурунийлар, меҳрибон опа-сингилларимизни, азму шижоатли ёшларимизни, кўп миллатли бутун халқимизни ушбу қутлуғ айём билан самимий табриклайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, бахту саодат ва фаровонлик тилайман.

Минг шукри, турли муаммо ва қийинчиликларга қарамасдан, 2017 йил мамлакатимиз учун тинч, ҳар томонлама омадли ва баркали бўлди.

Биз тараққиётимизнинг янги даври, янги босқичига қадам қўйдик. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида белгиланган вазифаларни бажаришга бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этдик.

Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан 2017 йилни барча соҳаларда ёруғ юз билан яқунлашга эришдик.

Энг муҳими, давлатнинг халққа муносабати ўзгармоқда. Халқ деган тушунчанинг қадрли юксалмоқда. Эл-юртга хизмат қилиш ҳаёти-миз мазмунига айланмоқда.

Буларнинг барчаси одамларимизнинг кундалик ҳаётида ўз амалий ифодасини топмоқда. Уларнинг эртанги кунга ишончи янада мустаҳкам бўлмоқда.

Ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятимиз ҳам, айтиш мумкинки, ғоятда самарали бўлди. Айниқса, қўшни давлатлар билан муносабатларимиз янгича руҳ ва мазмун касб этмоқда.

Бу эса минтақамизда ўзаро ишонч, дўстлик ва ҳамкорлик муҳитини янада кучайтириш учун мустаҳкам замин бўлмоқда. Биз бу стратегик йўлни 2018 йилда ҳам изчил ва фаол давом эттирамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, узоқ ва яқин барча мамлакатлар халқларини ҳам Янги йил

байрами билан табриклаб, уларга тинчлик ва равнақ тилаймиз.

Азиз юртдошлар!

Биз Янги – 2018 йилга Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили, деб ном бердик.

Биз буюк келажагимизни айнан мана шундай юксак мақсад ва ғоялар асосида барпо этамиз.

Халқаро майдонда кескин рақобат кучайиб бораётган ҳозирги вақтда бу энг тўғри ва самарали йўлдир.

Шу маънода, 2018 йил Ўзбекистон тараққиётида ҳал қилувчи йил бўлади, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Янги йилда ҳам халқимиз ҳаёт даражаси ва сифатини, барча тоифадаги аҳолимиз дарамадларини оширишга алоҳида аҳамият берамиз.

Юртимизда тинчлик ва барқарорлик, миллатлар ва элатлар ўртасидаги тотувлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш асосий вазифамиз бўлиб қолади.

Чет эллардаги ватандошларимиз билан алоқаларни кенгайтиришга янада катта эътибор қаратамиз.

Ишонаман, 2018 йилда барчамиз биргаликда, ўзимизни аямасдан меҳнат қилиб, ўз олдимизга қўйган вазифаларни бажаришга албатта эришамиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Мана шу нурафшон дақиқаларда ҳаммамиз эзгу орзу-умидлар билан Янги – 2018 йилга қадам қўймоқдамиз.

Менинг ниятим, тилагим шуки, ҳар бир оила, ҳар бир инсон мурод-мақсадига етсин!

Барчангизга дунёдаги энг катта бахт – оилавий хотиржамлик, фарзандлар, набиралар бахту камолини кўриш насиб этсин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

НАТИЖАДОРЛИК — БОШ МЕЗОН

Мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан биринчи марта аграр соҳа меҳнаткашлари декабрь ойининг иккинчи якшанбасини Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни сифатида катта шодиёналар билан нишонлади. Пойтахтимизда ва ўлкамизнинг ҳамма ҳудудларида ниҳоятда кўтаринкилик билан Ҳосил байрами бўлиб ўтди. Соҳанинг барча тармоқларида фидокорона меҳнат қилиб келаётган инсонларга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди. Бундан ҳаммамизнинг кўнглимиз тоғдек юксалди.

Бугун эса диёримизда янги йил байрами шукуҳи кезиб юрибди. Шу кунларда барчамиз ўтган бир йилда амалга оширган ишларимиз, эришган натижаларимизни сарҳисоб қилиб оламиз. Янги йил остонасидан туриб, келгуси режаларимизни ишлаб чиқамиз ва эзгу ниятлар билан иш бошлаймиз.

Айтиш мумкинки, ўтган 2017 йилни мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари катта меҳнат ютуқлари билан якунладилар. 2017 йил аграр соҳа ходимлари учун нафақат ишлаб чиқаришда, балки ташкилий-маънавий жиҳатдан ҳам юксалиш пиллапояси бўлиб тарихга кирди.

Президентимиз бошчилигида иқтисодиёт, жумладан, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам замон талабларига жавоб берадиган янгича маъно-мазмундаги самарали ислохотларни жадал амалга ошириш янги босқичга кўтарилди. Соҳани модернизация ва диверсификация қилиш бўйича қатор фармон ва қарорлар, пухта ўйланган дастурлар қабул қилиниб, улар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Амалиётда илм-фан ютуқлари, замонавий технологиялар тобора кўпроқ қўлланилаётир.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2017 йилда амалга оширилган кенг кўламли ишлар натижасида мамлакатимизда 49 трлн. 130 млрд. сўмлик ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилди. Бу 2016 йилга нисбатан 103,5 фоизни ташкил қилди. Жумладан, 8 млн. 377 минг тонна ғалла, 2 млн. 930 минг тонна пахта хирмони бунёд этилди.

Шунингдек, 22,6 млн. тонна мева-сабзавот маҳсулотлари, шундан, 12,1 млн. тонна сабзавот, 2,3 млн. тонна полиз, 3,1 млн. тонна картошка, 3,3 млн. тонна мева, 1,8 млн. тонна узум, 318 минг тонна шоли етиштирилди ҳамда 2,3 млн. тонна гўшт, 10,4 млн. тонна сут, 7,0 млрд. тона тухум ва 15,4 минг тонна асал ишлаб чиқаришга эришилди.

Шу ўринда, ҳаҳон миқёсида башариятнинг турмуш-тарзига назар ташлайлик. ФАО маълум



мотларга кўра, дунё аҳолисининг 840 млн. нафардан ортиги тўйиб овқатланмай, оч-наҳор ҳаёт кечирмоқда. Сайёрамизнинг турли бурчакларида бўлаётган ўзаро урушлар, юз бераётган табиий офатлар сабабли ҳам минг-минглаб одамлар қисмати фожиаи ҳолга келмоқда. Ана шулар ҳақида ўйласак, ҳар биримизнинг қалбимизда шукроналик туйғулари кечади.

Байрамларимиз байрамларга уланмоқда, ҳаётимиз тинч ва осуда, турмушимиз фаровон. Шундай саодатли замоннинг қадрига етиб, ғайрат ва шижоат кўрсатаётган қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари, деҳқон ва фермер-

лар бозорларимизни турли ноз-неъматлар билан тўлдириб, элимиз дастурхонини тўкин-сочин қилиб келаётир. Улар ички бозорни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш баробарида, ўтган 2017 йилда 902,8 минг тонна ёки 653,8 млн. долларлик мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорга экспорт қилдилар.

Мазкур жараёнда, аввало, аграр соҳа ходимларининг, деҳқону чорвадорларимизнинг фидокорона меҳнати ва ҳукуматимизнинг уларга бераётган имтиёзлари ҳамда яратаётган имкониятлари асосий омил бўлмоқда.

Қолаверса, давлатимиз раҳбарияти томонидан мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни мунтазам кўпайтириб бориш мақсадида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ҳам ўз самарасини бермоқда.

Масалан, кейинги бир йилнинг ўзида республика бўйича 83,9 минг гектар паст ҳосилли пахта ва ғалла майдонлари қисқартирилди ва ўрнига 13,2 минг гектар картошка, 33,9 минг гектар сабзавот, 17,7 минг гектар озуқа ва 5,8 минг гектар мойли экинлар экилди ҳамда 8,5 минг гектар интенсив боғ ва 4,4 минг гектар тоқзорлар барпо этилди. 23 мингдан ортиқ сабзавот-полизчилик, боғдорчилик ва узумчилик ҳамда 1 минг 400 дан ортиқ чорвачилик йўналишидаги фермер хўжаликлари, 309 гектар майдонда иссиқхоналар, 179 минг тоннали музлаткичли омборхоналар ташкил қилинди.

Мамлакатимиз бўйича 2017 йилда эрта баҳорда 396 минг гектар асосий майдонларга ва тарихда биринчи марта кенг миқёсда ғалладан бўшаган 879 минг гектар майдонга такрорий сабзавот, полиз, картошка, дуккакли, мойли ва бошқа экинлар экилди ва 5,5 миллион тоннадан ортиқ маҳсулот етиштирилди.

Бундан ташқари, Юртбошимиз ташаббуси билан аҳоли томорқаларидан фойдаланиш самара-

дорлигини ошириш мақсадида томорқачиларга етарлича имконият ва имтиёзлар берилмоқда. Масалан, ўтган йили 92 минг хонадонга 1,3 млн. дона лимон кўчатлари, 55 минг хонадонга 558 минг дона унаби ва 66 минг хонадонга 610 минг дона грек ёнғоғи кўчатлари етказиб берилди. Шунингдек, уларга паррандачилик ва асаларичиликни ривожлантириш, иссиқхоналар қуриш каби жараёнларда ҳам давлатимизнинг имтиёзли кредитлари, малакали мутахассисларнинг тавсия ва маслаҳатлари бериб берилмоқда. Эндиликда, айтиш мумкинки, қадимдан деҳқончилик ҳадисини олган халқимиз кичик томорқанинг катта имкониятларини намоён этиб, қўшимча мўмай даромад олаётир. Пировардида, улар ҳам озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Шунингдек, қиш ва баҳор ойларида ҳам халқимизни сархил сабзавот маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш мақсадида ўтган йил август ойида пиёз ва саримсоқпиёз ҳамда бошқа сабзавотларни “тўқсонбости” усулида экишни ташкил қилиш бўйича Президентимизнинг махсус қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга асосан, 2018 йил ҳосили учун жами 218 минг гектар, шундан, август-сентябрь ойида 47 минг гектар саримсоқпиёз ва пиёз, ноябрь-декабрь ойида “тўқсонбости” усулида 171 минг гектар майдонга сабзавот экинлари экилди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида эришаётган ютуқ ва натижаларимиз ҳақида яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Лекин ютуқларга маҳлиё бўлиб ўтириш, хотиржамликка берилиш бизга ярашмайди. Чунки қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳали ишга солинмаган имкониятларимиз, ўз ечимини кутаётган муаммо ва камчиликлар етарли. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш бўйича комплекс дастур ишлаб чиқилмоқда.

Барчамиз ҳозирданоқ ўз фаолиятимизни танқидий-таҳлилий қайта кўриб чиқиб, янги йилда амалга оширажак ишларимизни пухта режалаштириб, ҳар бир тармоқлар бўйича ишлаб чиқилган дастурлар ижросини сўзсиз таъминлаш талаб этилади.

Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 9 декабрь куни «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқини барчамиз ўзимиз учун дастуруламал қилиб олиб, унда баён этилган улкан режалар, яқин келажақдаги вазифа ва топшириқларни амалга оширишни фаолиятимизнинг асоси қилиб белгилаб олмоғимиз зарур.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг тегишли бўғинларида ушбу топшириқ асосида ҳар бир соҳанинг етакчи олим ва мутахас-



сислари иштирокида 2018-2021 йилларда Республикада пахтачилик, галлачилик, сабзавотчилик, картошкачилик, боғдорчилик, чорвачилик, пиллачилик каби тармоқларни ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди.

Ўтган йилда қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилаётган барча ходимларга, мутахассисларга ва раҳбарларга муносиб шарт-шароитлар яратиб берилди ва берилмоқда. Биргина мисол, Президентимиз Фармони билан вилоят ҳокимининг ўринбосари – қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи, туман ҳокимининг ўринбосари – қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи лавозимлари жорий этилди. Натижада, вилоят ва туманларда аграр тармоқнинг ягона горизонтал бошқарув тизимини шакллантиришга эришилди. Бу албатта, соҳанинг жадал ривожланишида асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилаётир.

Эндиликда, қайси вазифа ва лавозимда бўлмайлик, ҳар биримиз иш фаолиятимизга ўта масъулият билан ёндашган ҳолда, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиб, агротехнологик тадбирларни ўз вақтида сифатли қилиб ўтказиб, табиат билан тиллашиб, омилкорлик билан иш юритсак, меҳнатимиз маҳсули ҳам самарали бўлади.

Бунинг учун эса, ҳозирданоқ жорий йил ҳосили учун ҳаммамиз яқдил бўлиб, тегишли чоратадбирларни ишлаб чиқиб, соҳанинг етук мутахассислари ва олимлари тавсия ҳамда маслаҳатларига қатъий риоя қилиб меҳнат қилсак, илғор технологияларни амалиётга жадал жорий этсак, ишлаб чиқарадиган маҳсулотимиз сифат ва миқдорининг ўсишига эришамиз.

Қолаверса, Юртбошимиз таклифи билан 2018 йил — Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили деб эълон қилинди. Бунда чуқур маъно бор, албатта. Мазмун-моҳиятан соҳамизнинг барча тармоқларига бевосита қаратилган мазкур шиор ҳаммамиздан фаол ва ташаббускор бўлишимизни, замон билан ҳамнафас қадам ташлашимизни, илғор фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий қилишимизни тақозо этади.

Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, энди сердаромад экинлар, серҳосил навлар, энг илғор инновацион ғоялар эътиборимиз марказида бўлмоғи лозим. Мақсад қандай янги экин ёки навни экмайлик, қандай замонавий технологияни қўлламайлик, пировардида натижадорлик бош мезон бўлиши шарт.

Бугунги байрам шукуҳи билан эзгу ниятларни юрагимизга жо қилиб, олдимизда турган улкан вазифаларни бажаришга киришар эканмиз, бу йўлда қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари ходимларига, деҳқон ва фермерларимизга, томорқаларида турли ноз-неъматлар етиштиратган инсонларга ҳамиша ғайрат, шижоат йўлдош бўлишини тилаб қоламан.

Аброл ВАХАБОВ,

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари.

ЮРТ РАВНАҚИ, ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШАЙЛИК

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги ходимлари
кунига бағишланган тантанали маросимда иштирок этган
аграр соҳа вакилларининг республикаимиз миришкор
деҳқонлари, фермерлари ва соҳа ходимларига**

МУРОЖААТИ

**Қадрли ҳамкасблар, қишлоқ хўжалиги
соҳасида меҳнат қилаётган миришкорлар!**

Мамлакатимиз тарихида илк бор Президентимизнинг шахсан ташаббуси билан барчамиз Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини катта тантаналар ва кўтаринкилик билан нишонладик. Пойтахтимиздан бошлаб, мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларигача шоду хуррамлик билан «Ҳосил байрами» бўлиб ўтди. Деҳқону боғбонлар, чорвадору мироблар, хуллас, аграр соҳанинг барча меҳнаткашларига юксак иззат-икромлар кўрсатилди. Бундай шараф ҳаммамизнинг кўнглимизга фахр-ифтихор бағишлайди, албатта.

Зеро, тинч-осуда юртга, дастурхони тўкин-сочин элга байрамлар, шодиёналар ярашади. Ҳолбуки, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти – ФАО маълумотларига кўра, дунё аҳолисининг 800 миллион нафардан кўпроғи тўйиб овқатланмай, оч-наҳор ҳаёт кечирмоқда. Сайёрамизнинг турли бурчакларида бўлаётган ўзаро урушлар, юз бераётган табиий офатлар ҳам минг-минглаб одамлар қисматини аянчли аҳволга солмоқда. Ана шулар ҳақида ўйлар эканмиз, фаровон юртда яшаётганимизга шукроналар қиламиз, эл-юрт равнақи йўлидаги камтарона меҳнатимиздан фахрланамиз.

Қишлоқ хўжалиги ходимларини, айниқса, фермерлик ҳаракатини Президентимиз ҳамisha қўллаб-қувватлаб келганлар. Бир пайтлар бу соҳанинг келажагига шубҳа билан қараган айрим одамларнинг фикрига қарамасдан, қатъий туриб, қанчалик қийин бўлмасин, фермерлик фаолиятини ҳимоя қилиб, уларга ишонч билдирганлигининг меваси сифатида фермерлик ҳаракати иқтисодиётнинг етакчи бўғинига айланди.

Азиз дўстлар!

Давлатимиз раҳбари Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида «Бу соҳанинг меҳнати қанчалик шарафли, нони эса, қанчалик

тотли ва ширин эканлигини барчамиз яхши биламиз. Деҳқон бу – ҳаётнинг бақувват устуни, тирикликнинг мустаҳкам таянчи десак ҳеч қандай муболаға бўлмайди», деган сўзлари орқали бизга нисбатан ўзининг чексиз ҳурмат ва эҳтироми билан кўнглимизни тоғ қадар юксалтирган бўлса, келгусида олдимизда турган долзарб вазифалар ва уларни амалга ошириш йўллари, фаолиятимиздаги хато ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари хусусидаги дастурий топшириқлари эса биз, соҳа ходимларини янги марраларга ундовчи даъват бўлди.

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, бизнинг муаммоларимизни ҳеч ким четдан келиб ҳал қилиб бермайди, хато ва камчиликларимизни кўрсатмайди.

Шунинг учун ўз фаолиятимизни танқидий-тахлилий равишда қайта кўриб чиқиб, нуқсон ва камчиликларни аниқлаб, уларни бартараф этиш, ишга солинмаган имкониятлардан самарали фойдаланиш чора-тадбирларини кўрмоғимиз керак.

Азалдан ота-боболаримиз ерни, сувни қадрлаб келганки, бу хислат халқимиз қон-қонига сингиб, миллий қадрият даражасига кўтарилган. Лекин аждодларимиз йиллар давомида иззат-икром кўрмай, юрагида армон ва ситамлар билан яшаб ўтдилар. Чунки асл деҳқон бўлса-да, уларга ерга эгалик қилиш ҳуқуқи берилмай келди.

Ўтмишга назар ташлайдиган бўлсак, ота-боболаримиз йил давомида заҳмат чекиб, ҳосил етиштириб, косаси оқармаган. Истиқлолгача деҳқонларимиз асосан пахта етиштиришга мажбур этилди. Кечаю кундуз меҳнат қилиб, рағбат ўрнига тўхматга қолиб, «пахта иши» деган сохта айблов билан қийноққа солинган ва жазоланган.

Пахта ва ғалла асосий экин сифатида қолаверди. Уларнинг ўрнида қисман бўлса-да сердаромад экинлар экишга жазм этмадик. Бу ҳол бугун ўтмишга айланди.

Эндиликда давлатимиз раҳбари унумсиз, паст ҳосилли ерларда пахта ва ғалла ўрнига тупроқ-иқлим шароитига мос келувчи сердаромад, серҳосил, дунё тажрибасида синовдан ўтган экин ва мева-сабзавотларни жойлаштириш, ғалладан бўшаган майдонларда хоҳлаганча бозорбоп, экспортбоп такрорий экинлар экишга даъват қилиб турган бир пайтда, иқрор бўлайлик, биз бу имкониятлардан фойдаланмай ўта сусткашликка йўл қўймоқдамиз.

Ҳар бир фасл ўз муддатида келадиган диёримизда бор-йўғи бир марта ҳосил олиш, бу – ўзбек деҳқонига хос эмас. Шу боис, олтинга тенг ер майдонларимизда йилига 2-3 марта ҳосил олиш ҳар бир деҳқоннинг халқимиз олдидаги бурчига айланмоғи даркор.

Бу борадаги фаолиятимизга ҳолисона назар ташласак, ерларимиз унумдорлигини ошириш, ундан самарали фойдаланиш, ҳар қаричини асраб-авайлашга панжа орасидан қараб келаётганимиз ҳам айна ҳақиқат.

Ҳурматли соҳа фидойилари!

Тириклик манбаи бўлган ер умумхалқ бойлигидир. У халққа хизмат қилиши керак. Уни ўз манфаати йўлида сотишга, талон-тарож қилишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ.

Сафимизда ерларни сотаётган ҳамкасбларимизнинг борлиги биз учун иснод эканлигини афсус билан тан олмағимиз лозим. Ерни қадрламаган, унга меҳри бўлмаган фермернинг қандай қилиб ишида унум, ҳосилида барака бўлиши мумкин?

Президентимиз таъкидлаганидек, ерни эъзозлайдиган, сувнинг қадрига етадиган, ўз техникаси, иш қуроллари бўлган, натижадорликни мақсад қилиб олиб, фақат даромадга ишлайдиган инсонгина келажак фермери бўла олади. Биз бу жараёнда фермерлик ҳаракати қонунларига ўзгартириш киритилиши тарафдоримиз.

Маълумки, ҳар юртнинг ўз рамзий дарахтлари бор. Тарихдан маълумки, тут оғир даврларда ота-боболаримизга егулик бўлган. Барги эса Буюк ипак йўлининг шаклланишига асос яратган ипакчиликнинг озуқа манбаи бўлиб хизмат қилган.

Лекин кейинги йилларда тутларни беаёв кесиб, ўтин қилиб ёқдик. Оқибатда жабрини ўзимиз кўряпмиз. Шунинг учун ота-боболаримиздан қолган меросни тиклаб, экин майдонларимиз четларига тутлар экайлик. Токи далаларимизни тут дарахтлари ўраб турсин. Зараркунанда ҳашаротларни чақирадиган асосий ерларимизга соя берадиган дарахт-

ларни экиш ҳар жиҳатдан зарарли эканлигини тарғибот қилайлик.

«Фермерликни касб қилдингми, даромад олишинг шарт!», деган шиорни иш жараёнимиз мезонига айлантириб меҳнат қилишимиз учун барча имкониятлар етарли.

Таассуфки, бугунги кунда табаррук тупроқни сақлаш, унинг унумдорлигини ошириш борасида маҳаллий ўғит, турли озуқага бой чиқиндилардан фойдаланиш, «шарбат» усулида суғориш каби оддий, бажарса бўладиган агротехник тадбирларга риоя қилмаяпмиз. Ариқлар ва зовурларни тозалаш ишларида фақат техникага суяниб қолганмиз. Қўлда ариқ ва зовурларни тозалаш мутлақо эътибордан четда қолмоқда. Натижада ерларимизнинг мелiorатив ҳолати ёмонлашишига ўзимиз сабабчи бўляпмиз.

Тасаввур қилинг-а, ота-боболаримиз ариқ-зовурларнинг ёни ва тагини қандоқ кесиб-тарашлаб, сип-силлиқ қилиб тозалашарди. Ундан оққан сув ҳам яйраб оқарди, исроф бўлмай, деярли тўлалигича далага тараларди. Бу йўл билан экин майдонига ариқ-зовурда қолиб кетган ҳар хил чиқинди-ю кучсизланган, зарарланган тупроқ етиб бормайди. Аксинча, бундай тозаланган ариқ-зовур орқали ерни унумдор тупроқ билан тўйдириш мумкин бўлади. Асл деҳқон дала четидан, фойдаланилмаётган жой ҳисобидан ерга ер қўшади.

Олимлар, зиёлилар билан ҳамкорлик йўлга қўйилмаганлиги, таваккалчилик асосида деҳқончилик қилиш пировардида ўз чўнтагимизга зарар бўлаётганини ҳам инкор эта олмаймиз. Энди фермерми, сувчими, ирригаторми ёки шу соҳанинг олими бўладими, замон билан ҳамнафас қадам ташлаши учун ўз устида тинимсиз ишлаб, касбий малакасини ошириб бориши, энг асосийси, соҳага оид китобларни ўқиб, ўрганиб боришини замоннинг ўзи тақозо этмоқда.

Ҳолисона иқрор бўлайлик, қайси фермер илм ва амални уйғунлаштириш мақсадида олимлар билан ҳамкорлик қилмоқда ёки хорижнинг қандай илғор тажрибасини қўллаяпти? Ваҳоланки, Хитой, Жанубий Корея, Индонезия, Вьетнам каби кўплаб давлатларда шаклланган ибратли тажрибалар, ўзини оқлаётган, сердаромад тармоқлар жуда кўп. Биз мавжуд имконият ва салоҳият нуқтаи назаридан улардан каммизми?

Тўғриси айтганда, олимларимизнинг аксарият тадқиқотлари, яратган янгиликлари, агротехникага оид билимлари ё бизнинг, ё олимларимизнинг ташаббуссизлиги боис далагача етиб келмаяпти ва ўз фойдасини бермаяпти.

Қадрли касбдошлар!

Мамлакатимизда сув миқдори чекланганлиги, айти шу сабабли ерларни кенгайтириш имконияти йўқлигини Президентимиз алоҳида таъкидлаб, барчамизни ерни севишга, уни эъзозлашга, сувнинг ҳар томчисини қадрлашга даъват қилди. Ҳаммамизга маълумки, юртимизда суғориладиган ерларнинг 45 фоизи оқар сув манбаларидан, 55 фоизи эса насослар ва тик қудуқлар орқали сув билан таъминланади. Бугун Ўзбекистонда бир метр куб сувнинг таннари 40,3 сўмга тушмоқда. Қолаверса, ҳар йили давлатимиз томонидан ирригация ва мелиорация тадбирлари учун ўртача 2,3 триллион сўм маблағ сарфланмоқда. Энди айтинг-чи, қай биримиз сувдан фойдаланганлик учун неча сўм тўладик?

Давлатимиз раҳбари келгусида бу тадбирлар учун маблағни икки баробар оширамиз, деб таъкидлади. Биз эса бунга жавобан етиштираётган ҳосилимизни, ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз ҳажмини камида икки баробар оширишимиз керак. Бунинг учун эса, аввало, сув ва ресурс тежовчи, интенсив технологияларни иш жараёнимизга жадал жорий қилишимиз талаб этилади.

Бугун замон шиддат билан ўзгармоқда. Агар Юртбошимиз томонидан олдимизга қўйилган вазифаларни бугун биз уддаламасак, эртага навқирон ёшларимиз, албатта, уддалайди.

Токи тажрибамиз бой, малакамиз юқори бўлса ҳам, замон билан ҳамнафас бўла олмасак, замонавий фикрлайдиган, ишлайдиган ёшларга ўрнимизни вақти-соатидан олдинроқ бўшатиб беришга мажбур бўламиз. Зотан, Президентимиз «Келажак бугундан бошланади» дея айтганларида, халқимизнинг яхши ҳаётни кутиб эмас, яхши ҳаётнинг ўзида яшаш истагини назарда тутмоқда.

Чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик тармоқлари ривожини хусусида ҳам эътиборга молик ютуқларимиз билан мақтана олмаймиз. Бу тармоқлар равнақи йўлидаги ишларимизни тизимли равишда юқори суръатларда йўлга қўймоғимиз замон талабидир.

Илғор технологияларни қўллаган ҳолда, тармоқни ривожлантиришимиздан ташқари, ҳар бир фермернинг даласи бошида кичик бўлса-да балиқчиликка мос сув ҳавзаси, камида эллик бош товуғи, ўзига мос иссиқхонаси, ҳеч бўлмаганда беш қути асалариси, ишчи-хизматчилар учун шинамгина дала шийпони, ҳатто, у ерда ўзбекона тандири бўлиши, аввало, моддий, қолаверса, маънавий жиҳатдан ҳам кони фойда эмасми?

Эндиликда ҳаммамиз ўз далаларимиз этагига бориб, дала четларига эътибор берайлик, мавжуд ҳолатни синчиклаб кўздан кечириб, қайта ўрганайлик. Наҳотки, ўзимиз, оиламиз, ишчи-хизматчиларимиз учун керак бўлган бундай ишларни давлатимиз раҳбари белгилаб берса-ю, ижроси фақат бизнинг манфаатимизга хизмат қилишини тушунмасак.

Тан олайлик, орамиздаги боқиманда фермерларга бефарқ қараймиз, уларнинг салбий ишларидан кўз юзамиз, уларга амалий ёрдам кўрсатмаймиз. Шунингдек, тажрибали, омилкор бўла туриб, тажрибаси камроқ бўлган фермерларни қўллаб-қувватламаймиз. Ахир, сафимизда 12 мингдан ортиқ ёш фермерларимиз мавжуд, улар сафи йил сайин кенгаймоқда.

Барча камчиликларимиз – нуқсонларимиз, бефарқлигимиз, сусткашлигимиз, эътиборсизлигимиз хусусида Юртбошимизнинг фаолиятимиз ривожини кўзлаб берган топшириқлари замирида яна ва яна фақат ўзимизнинг манфаатимиз мужассам эканлигини юракдан ҳис қилайлик.

Қадимдан деҳқон аҳли элда эъзозланиб, ижодкорлар асарларида олқишланиб, мадҳ этиб келинган. Ҳозир ҳам шоир-ёзувчиларимиз шеър дostonларида, ҳикоя ва қиссаларида бу касб соҳиблари юксак даражада тарафдор этилади. Мана шу ҳурмат-эътиборга лойиқ бўлиш учун ўз соҳамизда ташаббус ва интилишларимиз, натижадор ишларимиз билан шахдам ҳаракат қилмоғимиз керак.

Президентимизнинг мазкур нутқи ҳар биримиз учун дастуриламал бўлиб, унда белгилаб берилган вазифаларни сидқидилдан адо этсак, ғайрат кўрсатсак эзгу ишларимизда унум, ҳосилимизда барака бўлади.

Бунинг учун эса ҳозирданоқ кейинги йил ҳосили учун ҳар биримиз ишимизни пухта режалаштирайлик. Соҳа олимлари фикри, тавсияларига қатъий риоя қилган ҳолда, илғор технологияларни жорий қилиб, ишлаб чиқарадиган маҳсулотимиз сифат ва миқдори ўсишини таъминлайлик. Ушбу улуғвор ишларни амалга оширишда фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига, қишлоқ хўжалигининг барча ходимларига куч-қувват, шижоат, сиҳат-саломатлик ва омадлар тилаймиз.

**Қишлоқ хўжалиги ходимлари
кунига бағишланган тантанали
маросим иштирокчилари**

ЕРНИ ҚАДРЛАГАННИ ЭЛ ҚАДРЛАЙДИ

Маълумки, 2017 йил 9 декабрь куни пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари барча йиғилганларни юртимизда биринчи марта нишонланаётган Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини байрами билан муборакбод этиб, бир гуруҳ юртдошларимизга давлатимизнинг юксак унвон, орден ва медалларини топширди. Махсус мухбиримиз анжуман иштирокчиларининг айримлари билан суҳбатда бўлиб, уларнинг дил сўзларини ёзиб олди.

ҚУВОНЧИМНИНГ ЧЕКИ ЙЎҚ

Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев Самарқанд вилояти ҳокими бўлган пайтда хўжалигимизда бўлиб, ишчиларимиз билан суҳбатлашганди. Сўнг пахтазорларимизни ора-лаб, менга, "Опа, тракторингиз эски экан, янгисини уч кунда оласиз", деб ваъда бериб, айтилган муддатда яп-янги трактор етказиб бергандилар. Бундан жамоамиз роса қувонган эди. Аллоҳга минг қатла шукрки, бугун шу инсон мамлакатимизга раҳбарлик қиляптилар. Арзимаган меҳнатларим эвазига берилган юксак мукофотни Юртбошимизнинг қўлларидан олганим учун ниҳоятда хурсандман, қувончимнинг чеки йўқ.

Мен собиқ шўролар даврида 8 йил пахтачилик бригадаси бошлиғи бўлганман. Чигитни бир ойда экиб, пахтани уч ой давомида териб, кечалари соат 3-4 гача варақадан пахта ўтказиб, кейин заводга элтардик. Киприкларимни қиров босиб, музлаб қоларди. Ушанда ҳам ҳосилдорлик зўрға 30 центнердан ошарди. Лекин ун-

дан келаётган даромад қаргга кетарди, нимага сарфланарди, билмасдик. Фақат ойликка ишлар эдик.

Бугун бутунлай бошқача ҳолат. Даромадларимизни ўзимиз харж қиламиз, ҳосилдорлигимиз ғалладан 70 центнергача, пахтадан 42-45 центнергача етди. Улардан олинадиган даромад ҳисобига ҳамма турдаги техникаларни сотиб олдик. Хўжалигимиз дашт ҳудудида жойлашган, ишчиларимизни олиб-бориб келиш учун Исузу автобусимиз ҳам бор.

Хўжалигимизда чорвачиликни ҳам йўлга қўйиб, хориждан 25 бош зотли қорамоллар олиб келдик. Ҳар ойда улардан 6-7 тонна сут соғиб оляпмиз.

Мана шундай жаннатмакон, тинч, осуда юртда яшаётганимдан бахтиёрман. Юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида қилаётган ишларимизда Аллоҳим доимо мададкор бўлсин.

Зайнаб ҲАЙДАРОВА,

Нарпай туманидаги "Меҳнат-роҳат" фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор.

СУВ КЕЛТИРГАН ЭЛДА АЗИЗ

Халқимизда "Сув келтирган элда азий", деган гап бор. Бу гап бугун яна ҳам қадрлироқ аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Давлатимиз раҳбари биз каби ирригаторлар ва мелиораторларнинг меҳнатини қадрлаб, уларни юксак унвон, орден ва медаллар билан тақдирлаётгани гапимнинг исботидир. Менга берилган юксак унвонни бутун жамоамиз фаолиятига берилган юксак баҳо, деб биламан.

Қашқадарёлик мироблар давлатимиз раҳбарининг ғамхўрлигини доимо ҳис этиб, яшамоқдалар, ишламоқдалар. Қисқа муддатда Чимкўрғон сув омбори, яна қўшимча 100 млн/м³ сел-тошқин сувларини йиғадиган иншоотлар реконструкция қилинди.

Қарши шаҳридаги Амир Темур кўприги ёнида минглаб одамлар ҳордиқ чиқарадиган сайилгоҳ вужудга кел-

ди. Қарши ва Шаҳрисабз шаҳри маҳаллалари оқар сув билан таъминланди.

Президентимизнинг Қарши магистрал канали насос станциялари каскадини тубдан таъмирлаш тўғрисидаги қарори асосида хизмат муддатини ўтаб бўлган каскад тубдан янгиланмоқда. Ушбу лойиҳага 115,9 млн. доллар маблағ ажратилган. Бу иш амалга ошгач, 335 минг гектар суғориладиган майдон ва 1,8 млн. аҳоли тоза сув билан таъминланади.

Вилоятда ирригация ва мелиорация соҳасида амалга ошириляётган бу каби ишлар биз миробларни янада ғайрат билан ишлашга ундамоқда.

Ботир РАХИМОВ,

"Аму-Қашқадарё" ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор.

ЭЪТИБОР, ЭЪТИРОФ ВА ИШОНЧ

Яқинда муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда биринчи марта ўтказилган ва бундан кейин ҳар йили нишонланадиган қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига иштирок этиб, бу ҳақиқатга яна бир бор амин бўлдим. Деҳқону чорвадорлар, соҳада узоқ йиллар меҳнат қилган ҳар бир фидойи мутахассиснинг юз-кўзида мамнунлик, юртга, ватанга садоқат билан хизмат қилишдек олийжаноб ҳислар уфуриб турибди. Чунки соҳа ходимлари йиллар давомида кутган онлар келди. Энди қишлоқ хўжалиги соҳаси ходимларининг ўз касб байрами бор.

Юртимизда давлатимиз томонидан яратиб берилган қулайлик ва имкониятлар натижасида кўплаб

йўналишларда намунали фермер хўжаликлари самарали фаолият юритмоқда. Натижада қишлоқларда етарлича иш ўринлари яратилмоқда.

Биргина ўзим раҳбарлик қиляётган фермер хўжалиги томонидан эришиляётган ютуқлар бунга ёрқин мисолдир. Фермер хўжалигимиз 2006 йилда ташкил этилган бўлиб, ўшандан бери ҳар йили гектарига 45 центнердан пахта йиғиштириб оляпмиз. Пиллачилик, ғаллачиликда ҳам юқори натижаларга эришиб келаётганимиз боис хўжалигимизда замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари сотиб олдик, 26 нафар сувчи, механизатор ва ишчиларнинг моддий манфаатдорлигини оширдик. Қолаверса, давлатимиз томонидан фермерлик ҳаракати ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани ҳам бунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

2017 йил биз учун ҳар доимгидан кўра анча омадли

келди. 38 гектар ерга пахта уруғини қўшқатор усулда экиб, ҳар гектар ердан 45 центнердан мўл ҳосил олишга эришдик.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, ғалладан бўшаган ерларга такрорий экин эканимиз иқтисодий имкониятларимизни янада кенгайтирди. 1,5 гектар ерга экилган картошканинг ҳар гектаридан 18 тонна, 6 гектар шолидан 40 тоннага яқин ҳосил олдик. Бу 80 миллион сўмдан ортиқ қўшимча даромад дегани.

Албатта, эришилган бу ютуқлардан мағрурланиб, изланиш ва интилишдан тўхтаб қолмаслигимизни бугунги шиддаткор замон талаб этмоқда. Соҳада илмий асосланган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, сувдан оқилона фойдаланиш, ер умрини зое

кетказмаслик, пировардида халқимиз дастурхонини янада тўкин этишдек эзгу ишларни амалга оширишимиз зарур.

Муҳтарам Президентимиз Фармонига асосан юртимизда илк бор нишонланган Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни "Меҳнат шуҳрати" ордени билан мукофотланганим бутун жамоамизга куч-ғайрат бағишлади. Бу ишонч, эътибор ва эътироф бизга жуда катта масъулият юклайди. Шу масъулиятни дилдан ҳис қилган ҳолда меҳнат қилиб, билдирилган ишончини, албатта, оқлаймиз.

Қўчқор КАРИМОВ,

Қизилтепа туманидаги "Қўчқор Каримов" фермер хўжалиги бошлиғи, "Меҳнат шуҳрати" ордени соҳиби.

ИМКОНИЯТЛАРИМИЗ КЕНГАЙДИ

Қарийб 40 йилдан буён анорчилик билан шуғулланиб келаман. Шу давр мобайнида вилоятимизнинг ўрта-шўр ер шароитига мос, юқори ҳосил берувчи "Қора марварид" анор навини яратдим.

Бу нав серсув, сақлаш, узоқ масофаларга етказиш учун чидамли, қулай, яъни экспортга чиқариш учун жуда мос. 2017 йилда уч гектар ерга шу навдаги анор экиб, 20 тонна ҳосил олдим. Анорчилик бўйича ҳаётий тажрибаларим асосида ёзилган "Анорчилик сирлари" номли китобим нашрдан чиқди.

Президентимизнинг Сирдарё вилоятига ташрифи чоғида 4 минг гектар анорзор ташкил этиш тўғрисидаги таклифи бизларни ниҳоятда тўлқинлантирди. Вилоятимизда анор етиштириш бўйича мутахассислар кўп. Улар ёрдамида четдан кўчат олиб келишга хожат қолмаяпти. Ҳозир менинг ўзимда 20 минг туп анор кўчати бор. Агар кўпроқ керак бўлса, уларнинг миқдорини янада кўпайтиришга тайёрман.

Муҳтарам Юртбошимизнинг фермерликни кўп тармоқлига айлантириш ҳақидаги фикрларидан руҳланиб,

бу йил анор маҳсулотларни қайта ишлаш корхонасини ишга туширмоқчимиз. Ҳозирги кунда Австриядан қиймати 180 минг евролик ускуна сотиб олдик. Мирзаобод тумани ҳокимлиги томонидан ноль қийматда эски омборхона биносининг берилиши эса корхонани ишга тушириш йўлидаги ишларимизни янада енгиллаштирди. Яқинда корхонамиз иш бошлайди ва 10 нафардан ортиқ маҳалилий ёш доимий ишли бўлади.

2019 йилга бориб, анор пўстлогидан қурилиш учун бўёқ маҳсулотлари олишни режалаштирганмиз. Шунингдек, анор данагининг мойидан фармацевтика ва косметик маҳсулотлари тайёрлаш учун хомашё етказиб бериш ҳам истиқбол режамизга киритилган.

Бизга мана шундай эркин фаолият юритишимизга яратиб берилган имкониятлар учун давлатимиз раҳбарига барча деҳқон фермер ва томорқа хўжалиги аъзолари номидан миннатдорлик билдираман.

Исроил НЕМАТОВ,

Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги "Қора қайин анор шарбати" фермер хўжалиги раҳбари, "Дўстлик" ордени соҳиби.

МАҚСАДИМИЗ — ДАСТУРХОНЛАРИМИЗ ТЎКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

2017 йил апрель-май ойларида Вьетнам Республикасида хизмат сафарида бўлдим. Сафар давомида Вьетнам балиқчилик институти ва интенсив усулда балиқ етиштирадиган хўжаликлар иш фаолияти билан яқиндан танишдим. Бу мамлакатда балиқчилик хўжаликларини ҳар хил турдаги балиқларни 6х6 ўлчамли садокда боқиб, 5 тоннагача ҳосил олишга эришишар экан.

Юқоридаги тажрибаларни Фарғона вилоятида татбиқ этиш мақсадида Вьетнам балиқчилик институти ва "Фарғонабалиқсаноат" МЧЖ ўртасида келишув имзоланди. Ушбу келишувга асосан вилоятимизда садок усулида балиқ боқишни бошладик.

Ўтган йилнинг октябрь ойи охирига келиб 200 та садокка ташланган балиқлар 300 тоннага етказилди. Ҳозирги кунда ушбу балиқ маҳсулотларини Фарғона, Қўқон, Марғилон шаҳарларидаги марказий бозорларда арзон нархларда сотаяпмиз. Бундан ташқари, маҳсулотни республикаимиз вилоятларидан келатган хари-

дорларга улгуржи нархларга сотишни ҳам йўлга қўйдик.

Президентимизнинг 2017 йилнинг 1 майдаги "Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида 2018 йилда Ёзёвон сув омбори ҳудудига қўшимча яна 100 та садок мосламаси ўрнатамиз. Қўшни ҳудудларда садок усулида балиқ боқатган корхоналарга ёрдам кўрсатиш, Ёзёвон туманида фаолиятини бошлаётган Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорликда ташкил этилган "Hualong Siliao" корхонаси билан алоқаларни мустақамлаш ҳам асосий мақсадимиз. Шунинг таъкидлаш лозимки, бу корхонада соатига 8 тоннагача юқори протеинли гранулаланган балиқ эми ишлаб чиқаради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсам, мақсадимиз 2018 йилда 500 тонна балиқ етиштириб, халқимиз дастурхонини луқмаи ҳалол билан тўлдиришидир.

Баҳодир ТЕШАБАЕВ,

"Фарғонабалиқсаноат" МЧЖ раҳбари, "Дўстлик" ордени соҳиби.



**“Ўздонмахсулот” АК
жамоаси
Барча ватандошларимизни**

ЯНГИ 2018 ЙИЛ

**билан самимий
муборакбод этади**

*Обод турмуш,
фаровон ҳаёт, ҳақиқий
демократик Ҷамият
қуриш йўлида олиб
борилаётган
иелохотлар, шунингдек,
халқимизнинг
эзгу савъ-ҳаракатлари
бароридан келеин!*

КАСБИДАН ШУХРАТ ТОПИБ



Сувчилик азал-азалдан халқимиз орасида ардоқли касб сифатида эъзозланиб келган. Ер эгалари ҳисобланмиш фермер ва деҳқон хўжаликларининг залворли ютуқларида ҳам ушбу соҳа вакиллариининг ҳиссаси катта.

— "Қийналиб ариқ қазисанг, ўйнаб сув ичасан", дейди халқимиз, — дея сўз бошлади Данғарадавсув-махсуспудрат давлат унитар корхонаси раҳбари Сирожиiddин Нуриддинов. — Кейинги йилларда давлатимиз томонидан ирригация ва мелиорация тармоқларини янада ривожлантириш ва илғор замонавий технологияларни татбиқ этиш учун старли маблағлар ажратилмоқда. Бизнинг корхонамиз Фурқат, Ёзёвон, Бешариқ ва Данғара туманлари ҳудудларида 2017 йилнинг 30 но-

ябрь ҳолатига кўра қарийб 10 млд. сўмлик ишларни бажари. Натижада 424 км. масофадаги ариқ ва зовурлар фойдаланиш учун яроқли ҳолга келди. Корхонамизда узоқ йиллардан буён устоз-шогирд анъаналари давом этиб келмоқда. Экскаваторчи Розикжон Марасулов мана шундай устозлардан бири.

— 1979 йил устоз экскаваторчи Раҳмаджон Ризаевга шогирд бўлиб иш бошлаганман, — дейди Розикжон ака. — У пайтлар тросли экскаваторлар бўларди. Бир кун ишласак, икки кун, таъмирлардик. Ёқилги сарфи юқори, тезлик ҳам ўзига яраша. Қиш кунлари совуқда музқотиб, ишлардик. Устоз "Техникага чиройли муомала қил, у билан гаплаш, агар унинг тилини тушунсанг, у ҳам

сенга дардини айтади", дердилар. Ҳозирги кунга келиб 10 дан зиёд шогирдлар тарбияладим. Жорий йилда 50,3 км. ариқ ва зовурларда таъмирлаш-тиклаш ишларини олиб бордик. Бу масофани босиб ўтишда замонавий юқори унумли экскаваторим ҳамдам бўлди. Уларнинг қулайликлари мўл. Ёзда салқин, қишда иссиқ. Тезкорлик ва тежамкорликни айтмайсизми, ишлаб чарчамайсан. Мана шу касб орқасидан корхонада ва халқимиз орасида обрў-эътибор топдим. Оилам Дилоромхон Кўрчиева билан 3 нафар фарзандларимизни уйли-жойли қилдик. Икки ўғлим: Лазизжон ва Азизжонлар ҳам экскаваторчилик касбини танлашди. Ушбу йил мен ва оиламиз ҳамда корхонамиз учун омадли келди. Сабаби менинг камтарона меҳнатимни қадрлаб ҳурмати Президентимиз "Шуҳрат" медали билан тақдирладилар. Бу мукофот нафақат менга, балки корхонамиз ишчилари учун ҳам берилган, деб ўйлайман. Сабаби, давлатимизнинг қўллаб-қувватлашлари бўлмаганда, биз юқори натижаларни қўлга кирита олмаган бўлар эдик. 2018 йил янги куч, янги қувват билан бизга билдирилган ишончни яна бир бор оқлаймиз, деб ният қиламан.

К. ЭРГАШЕВ,

Суратда: Розикжон Марасулов.

Мамлакатимиз аҳолисини янги 2018 йил байрами билан самимий муборакбод этамиз. Серқуёш Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнаш, тараққиёт пиллапояларидан тобора юксалиб, дунёдаги энг ривожланган давлатлар қаторидан мустаҳкам жой эгаллаш иўлғуда амалга оширилаётган эзгу ишлари янада раванқ топишини тилаймиз.

Чортоқ тумани, "Шербулоқ юксалиши" фермер хўжалиги жамоаси

СОЯ ЕТИШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Яқинда Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази, Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти, ТошДАУ ва "Ўзпахтаёғ" АЖ ҳамкорлигида "Ўзбекистонда соя етиштириш агротехнологияси ва қайта ишлашни янада ривожлантириш истиқболлари" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Конференция Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги "2017-2021 йилларда республикада соя экини екишни ва соя дони етиштиришни қўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2017 йил 1 июндаги "Бошоқли дон экинларидан бўшайдиган майдонларга такрорий экинларни жойлаштириш, экиш учун талаб этиладиган моддий-техника ресурсларини ўз муддатида етказиб бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларининг ижроси доирасида республикада амалга оширилган тадбирлар натижаларини умумлаштириш, жаҳон олимлари ва амалиётчиларининг соя етиштириш борасидаги тажрибаларини ўрганишга бағишланди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги олий ва илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси ФА институтлари, Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ учун Қуруқ минтақаларда изланиш олиб боровчи Халқаро қишлоқ хўжалиги маркази "ИКАР-ДА" ташкилоти, В.С.Пустовойта номидаги Бутун Россия мойли экинлар илмий-тадқиқот институти, Россиянинг "СОКО" "Соевый комплекс" компанияси, Соя, маккажўхори ва кунгабоқар уруғларини ишлаб чиқариш миллий ассоциацияси, Сербия дала ва сабзаёт экинлари институти, ФАО ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, фермер хўжаликлари раҳбарлари, олим ва мутахассислар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази Бош директори Ш.Ж.Тешаев маърузасида республикада соя етиштириш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида қўйидагиларга тўхталди.

Мамлакатимизнинг тупроқ-иқлим шароити сояни асосий экин сифатида ҳам, такрорий экин сифатида экиб ҳам етиштириш имконини беради. Республикада

риш учун ўртача 40-50 млрд. сўм харажат қилган ҳолда, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш ҳисобига умумий даромад 200-250 млрд, соф даромад 150-160 млрд. сўмни ташкил этади.

Республикада 2017 йил ҳосили учун 8000 гектар майдонга асосий, 19000 гектар майдонга такрорий экин, жами 27000 гектар майдонга соя экиш режалаштирилди. Соя асосий экин сифатида 100 та туманда, 2207 та фермер хўжаликларининг 6333 гектар майдонида экилиб, 10116 тонна ҳосил етиштирилди, ҳосилдорлик гектаридан 16,0 центнерни ташкил этган бўлса, 127




та туманда, 3518 та фермер хўжаликларининг 5968 гектар майдонида такрорий экин сифатида экилган соядан 3527 тонна ҳосил етиштирилди.

Соя етиштиришда агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказган фермер хўжаликлари ҳар бир гектар ҳисобига 20 центнердан 35 центнергача ҳосил олишга эришди. Жумладан, Бухоро вилояти Бухоро туманидаги "Арбоб Ботир" ва "Саидмуҳаммадали" фермер хўжаликлари ҳар гектар майдондан 23 центнердан, Вобкент туманидаги "Бодомча ИРР" фермер хўжалиги 22 центнердан, Когон туманидаги "Абдуқодиробод" фермер хўжалиги такрорий экин сифатида экилган соя майдонидан 17-18 центнердан, Наманган вилояти Тўрақўргон туманидаги "Маҳмуджон" фермер хўжалиги 33 центнердан, Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманидаги "Шонли шараф" фермер хўжалиги 35 центнердан, Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги "Хоразм фахри" фермер хўжалигида 32 центнердан ҳосил олишга эришилди.

Икки кун мобайнида иштирокчилар республикада фермер хўжаликларида соя селекцияси ва уруғчилиги, ўсимликлар генофондидан фойдаланиш, соя етиштириш жараёнидаги агротадбирларни такомиллаштириш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, янги турдаги ўғитларни ишлаб чиқариш ва амалиётда қўллаш, касаллик ва зараркундаларига қарши уйғунлашган кураш чоралари, соя ҳосили ўрими-йигими ташкил этиш, маҳсулотларни қайта ишлаш технологиялари ва уни такомиллаштириш истиқболлари бўйича илмий-тадқиқотлар натижаларини агрофлича муҳокама қилдилар ва соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича келгусидаги вазифаларни белгилаб олишди.

М.КОМИЛОВ,
ўз мухбиримиз.



20 минг гектарга соя экилиб, ўртача бир гектардан 2,0-2,5 тонна дон олинганда, жами 40-50 минг тонна соя дон ҳосили олиш имконияти мавжуд. Бундан эса ўрта ҳисобда 14-18 минг тонна истеъмол мойи ёки 12-14 минг тонна таркибида оқсил, углевод ва бошқа витаминлар бўлган бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва паррандачилик учун жами 28 миллион озуқа бирлигига эга бўлган шрот ва бошқа оқсилга бой, тўйимли ва арзон озуқалар ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Бунда 20 минг гектардан соя ишлаб чиқа-

ҚУТЛУҒҚАДАМ ИНСОН ЭДИ

Тарих учун жуда қисқа, бироқ мазмунан асрларга тенг истиқлол йилларида халқимиз ўз миллий тараққиёт йўлидан изчил ва қатъият билан бориб, барча синов ва қийинчиликларни енгиб ўтди. Бугун мамлакатимизда дунёнинг манаман деган иқтисодчилари тан олаётган катта ютуқларга эришилмоқда.

— Биринчи Президентимиз Ислом Каримов Қашқадарё вилоятидаги фаолиятини йиллар давомида бошқарувда йўл қўйилган хато ва камчиликлар, иқтисодиётдаги беқарорликларнинг илдинини, келиб чиқиш сабабларини соҳаларда ишлаб турган раҳбарлар билан атрофлича суҳбатлашиб, ҳужжатларга таяниб ўрганишдан бошлаганди, — дейди 23 йил давомида хўжалик раҳбари бўлиб ишлаган яккабўғлик уста деҳқон Зиёдулла ота Бекназаров. — У киши қутлуғқадам инсон эди. 1987 йил баҳорининг серёгин келиши вилоятда қишлоқ хўжалигининг, айниқса, чорвачиликнинг жадал ривожланишига имкон яратди. Ислом ака билан бир неча марта мулоқотда бўлганман. Мен ўша изтиробли кунларда "пахта иши" зулмидан азият чекардим. "Сизнинг фаолиятингизни ўрганиб чиқдим. Дадил бўлинг, ҳали халқимизга кўп нафингиз тегади, ишонаман", деган эди шунда менга у киши. Ислом аканинг саъйи-ҳаракатлари билан тез орада хўжалик раислигига тайинландим. Чексиз шижоат ила халқимиз билан ёнма-ён туриб ишладик. Яратган баракасини берди. Менинг раҳбарлигимда хўжалик 2005 йилга қадар ҳар доим қишлоқ хўжалик экинларидан мўл хирмон кўтариб, пешқадамлар сафида бўлди.

— Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари иккинчи ярмида вилоятнинг биринчи раҳбарига вазиятни ўнглаш жуда қийин кечди. Барча соҳаларда беқарорлик, биргина пахтачиликда кейинги 3 йил ичида давлатга 700 минг тонна пахта кам топширилган ёки мавжуд 143 та хўжаликнинг 136 таси, пахтачилик бригадаларининг 82 фоизи қарздорлик ботқоғига ботган эди. Сўнгги йилда ўртача ҳосилдорлик вилоят бўйича атиги 14 центнерни ташкил этганди. 50 минг гектар ерни қамиш босган, 60 минг гектар ер кучли шўрланган эди. Сўнгги уч йил ичи-



да раҳбарларнинг 900 нафари ишдан бўшатилган. Афсуски, уларнинг барчасини ҳам ишда хато ва камчиликларга йўл қўйганликлари учун жазога тортилган деб бўлмасди, — дея аччиқ хотираларни эсга олар экан, чуқур хўрсиниб қўйди Зиёдулла ота.

Ислом Абдуганиевичнинг "Раҳбарнинг одамийлиги, ишнинг кўзини билиши, ташаббускорлиги ва тадбиркорлиги доимо муҳим аҳамият касб этади" деган сўзларга қатъий амал қилишлари воҳани қолоқлик, қашшоқлик гирдобидан олиб чиқди.

У киши вилоятда иш бошлагач кўп ўтмай заҳматли меҳнат ўз меvasини бера бошлади. "Ажойиб ва меҳнатсевар халқимиз бор, — деган эди Ислом Абдуганиевич 1987 йилнинг 25 июлида. — Қашқадарёнинг фахри, таянчи бўлган фидойилар меҳнати ўз натижасини бермоқда. Ҳозир асосий вазифа — кишиларда пайдо бўла бошлаган кўтаринки кайфиятни пасайтирмаслик, аксинча, уни янада ўстириш, ташаббускорлик ва ижодкорликка кенг

йўл очиб беришдан иборат".

Таъкидлаш жоизки, Ислом Каримовнинг Қашқадарё вилоятидаги самарали фаолияти нафақат Қашқадарё элининг, қолаверса, у кишининг ҳаётида ҳам бир умрга унутилмайдиган ўчмас хотира бўлиб қолди. "Мен ҳаётимнинг унутилмас давлари билан узвий боғланган мана шу мўътабар Қашқадарё заминини, мана шу воҳани менинг она юртим, деб умримнинг охиригача гурурланаман, фахрланаман", деган эдилар Биринчи Президентимиз воҳада бўлган учрашувларнинг бирида. — Бу юрт меҳрини қалбим тўрида доим сақлаб юраман".

"Ўзбекистон Қаҳрамони" Абдулла Орипов у киши ҳақида эътироф этиб, шундай ёзганди:

Ўзбекнинг бошидан зар сочган дунё —

Топди у ризқини заҳмати билан.

Қашқадарё халқи фахр этар доим

Исломи яратган шавкати билан.

Танти халқимиз бошига бахт қуши қўнди. 1989 йилда Ислом Каримов юртимизнинг биринчи раҳбари бўлди. У кишининг саъй-ҳаракатлари эвазига 1991 йилнинг 31 августиди ўзбек элининг асрий орзуси ушалиб, халқимиз Истиқлолга эришди.

— Мустақиллик шарофати билан ўғлим Шухратжон бошчилигидаги "Бекназаров Шухрат Зиёдуллаевич" фермер хўжалигини туздик. Эришаётган ютуқларимизнинг бош омили қишлоқ хўжалигининг илмий асосларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этишда, деб биламан, — дейди нуроний деҳқон.

Юқорида таъкидланганимиздек, халқимиз босиб ўтган мустақиллик йўли кўҳна тарих олдида бир лаҳза холос. Аммо шу лаҳзада биз оламшумул галабаларга эришдик, тинчлик ҳукмрон юртимиз гуллаб-яшнади, халқимиз турмуши фаравон бўлди. Энг муҳими, юртдошларимиз онгу-шуурида Ватанидан фахрланиш, керак бўлса шу юрт учун жонини фидо қилишга ҳам тайёрлик ҳисси пайдо бўлди. Бу оламшумул ишларнинг, ўзгаришларнинг ташаббускори, сабабчиси Ислом Каримов эканлиги эса қалбимизни фахру гурурга тўлдиради.

М.ФАЙЗУЛЛО,
ўз мухбиримиз.

СУВ ТАЪМИНОТИНИ ЯХШИЛАШ УЧУН МАСЪУЛМИЗ

Азал-азалдан Хоразм деҳқонлари шўр ва қумлоқ ерларда табиат инжиқликларини енгиб, ер билан тиллашиб, матонат билан меҳнат қилиб, элга ризқу рўз улашишдек муқаддас вазифани бажариб келмоқдалар.

Республиканинг бошқа ҳудудларига нисбатан ерларнинг шўрланиш миқдори юқориликдан вилоятда йилда икки ёки уч марта шўр ювиш ишлари олиб борилади. Қумнинг ўртасида, тоғ йўқ жойда тошдан шаҳар барпо қилган, ўтмиши буюк бу юртнинг Огаҳий, Нажмиддин Кубро, Замахшарий, Жалолиддин Мангуберди каби буюклар юрган кенгликлар бугун боғу-бўстонга айланди.

— Тошсоқа магистрал суғориш каналлари тизимини реконструкция қилиш лойиҳасини амалга ошириш жадал олиб борилмоқда. Мақсадимиз деҳқон ва фермер хўжаликларини узлуксиз сув билан таъминлашдир, — дейди бош муҳандис Сирожиддин Юлдашев. — Лойиҳага Президентимизнинг эътибори тушгани ва янги таклифлар билан бойитганликдан хурсандмиз.

Умумий қиймати 145,47 млн. долларлик лойиҳани бажариш ишларининг 90,37 млн. доллари, ёки 62,1 фоизи Ислом тараққиёт банки кре-

ўтказилади ва сув билан барқарор таъминланади. Жами 6880 та фермер хўжаликда тегишли майдонлардаги экинларнинг ҳосилдорлиги ва сув таъминоти самарадорлиги оша-



ди. Канал ва насосларни ишлатиш туфайли йиллик эксплуатация ва иссиқлик энергияси харажатлари бир неча миллион доллар камайишига эришилади.

Тошсоқа тизими бўйича фойдали иш коэффициентини 0,54 дан 0,62 га, яъни 15 фоизга ошириб, йилига 700-860 млн. м³ сув тежалади. Бу миқдордаги сув иқтисоди 900 млн. м³ ҳажмидаги сув омбори қурилиши харажатларига тенг келади.

Л о й и ҳ а н и амалга ошириш муддати 2018 йил декабрь ойига белгиланган. 2017 йилда лойиҳа бўйича 304,7 км. узунликдаги каналларни қайта тиклаш ишлари режалаштирилган бўлиб, шундан октябрь ойигача 120,0 км. узунликдаги каналлар қайта тикланди, 683 та қурилиши белгиланган гидроиншоотдан 318 таси битказилиб, 248 минг м³ бетон ишла-

ридан 83 минг м³ бетон ишлари, 12 742 минг м³ тупроқ ишларидан 6 300 минг м³ лик иш бажарилди.

Бу ишларни амалга оширишда Бахтиёр Юсупов раҳбарлигидаги воҳа гидромелиораторлари, "Араб мувофиқлаштириш гуруҳининг лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳи" меҳнат қилмоқда. Биз гуруҳининг ирригация ва дренаж муҳан-



дит маблағлари ва 55,10 млн. доллари ёки 37,9 фоизи Ўзбекистон Республикаси бюджетини ҳисобидан амалга оширилади. Лойиҳани тўлиқ бажариш эвазига катта иқтисодий самарадорликка эришилади. Жумладан, вилоят бўйича жами 279 та насос агрегати тўхтатилиб, 191,3 минг гектар суғориладиган майдон оқар сувдан фойдаланиш тизимига

диси Ибодулло Саъдуллаев билан биргаликда "Ҳисорак гидроқурилиш" МЧЖ томонидан Шовот ва Газовот каналларида 38 км масофада олиб борилаётган ишлар билан танишдик.

Бўлим бошлиғи Алижон Маликов, иш юритувчи Ортиқ Холиқовлар ўз ишларига масъулият билан ёндашганликлари боисидан ҳам қурилиш-монтаж ишлари муддатидан илгари 116 фоизга уудаланди. Бунда МЧЖ ходимларидан Ориф Тўраев, Муродилла Эшбобоев каби тажрибали шофёрларнинг ҳам ҳиссаси катта. Янги йилни муносиб кутиб олган жамоамиз ҳар бир куннинг қадрига етади. Хоразм деҳқонининг оғирини енгил қилиб, келгусида вилоятда сув танқислигини бартараф қилиш, шу билан бирга, тежамкорликка, иш сифатини оширишга бел боғлаган бу инсонларнинг меҳнати эътирофга лойиқдир.

Ш.ЖАББАРОВА,

ўз мухбиримиз.

Суратларда: Тошсоқа магистрал суғориш каналлари тизими ҳаётдан лавҳалар.

БОҒБОНГА ҲАМ, ДЕҲҚОНГА ҲАМ СУВЧИ МАДАДКОР

Сув — бебаҳо неъмат. Ундан оқилона фойдаланиш ва уни самарали бошқаришни таъминлаш давлатимиз раҳбариятининг доимий диққат-эътиборида. Буни кейинги йилларда соҳада изчил иқтисодий ислохотлар амалга оширилаётганлиги ҳам исботлаб турибди. Жумладан, магистрал каналлар, ариқ ва зовурларни замонавий техникалар ёрдамида реконструкция қилиш ва тиклаш ишларининг жадаллик билан амалга оширилиши натижасида суғориладиган майдонларга сарфланадиган сувнинг йиллик умумий миқдори мустақилликдан аввалги даврга нисбатан 20 фоизга камайтирилишга эришилди.

— Фермер хўжаликлари ва аҳолига сувнинг ўз вақтида ва йўқотишларсиз етиб боришини таъминлаш йўлида меҳнат қиламиз, — дейди **Норин-Қорадарё ирригация ҳавза бошқармаси "Андижондавсуммахсуспудрат" Давлат унитар корхонаси раҳбари Иқболжон Жўраев**. — 2012 йил ушбу корхонага раҳбар бўлиб келганимдаёқ ишчиларда келажақ сари интилиш руҳини синдиришга ҳаракат қилдим. Чунки лоқайд инсон Эрнест Хемингуэй айтгандай, жамиятдаги энг хавфли инсон. Ишчилар билан ҳамфикр бўлиш раҳбарнинг энг олий фазилати. Мана шу ҳамфикрлилик натижасида корхонамиз қисқа вақт оралиғида ўз қаддини тиклаб, вилоятимиздаги таниқли корхоналардан бирига айланди. Жорий 2017 йил давомида Андижон, Бўз, Олтинқўл ва Шаҳрихон туманларининг мелиорация объектларида тизимли таъмирлаш ва тиклаш, реконструкция қилиш ва қуриш ишларини амалга оширдик. Қўрғонтепа туманидаги мелиорация объектларидаги 2485 метр коллектор таъмирланиб, гидротехник иншоотлар қурилди ва қирғоқлар харсанг тошлар билан мустаҳкамланди. 2017 йил учун 10 610 384 000 сўмлик иш белгиланган эди. Ишчиларимизнинг ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришлари туфайли режани муддатидан бир ой аввал бажаришга эришдик. Ушбу кенг қўламли ишларни бажаришда замонамизнинг олд техникалари бўлмиш 15 та экскаватор, 3 та бульдозер, 2 та автокран, 3 та автосамосвал, 1 та тез техник хизмат кўрсатиш машинаси, 1 та "К-704" ва 1 та "МАН" юк ташувчи ҳамда 15 та яшаш учун барча қулайликларга эга бўлган вагон-уйчалар қўл келди. Жалолиддин Тўхтаев, Шокиржон Маматалиев ва Ғофуржон Сирожиiddинов каби малакали экскаваторчиларимиз 100 нафар ишчиларимизга бош бўлиб, иш суръатининг жадаллик билан ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшишди.

— Корхонамизда ишчилар учун барча шароитлар муҳайё қилинган, — дейди **ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Олимжон Муратов**. — Авваллари ишчилар билан тушлик қилиш учун қаерга боришимизни билмасдик. Ҳозирда корхона ошхонаси замонавий жиҳозланиб, ҳар кун икки маҳал қозон қайнайди. Бундан ишчилар ҳам хурсанд, иш унумдорлиги ҳам ошиб бормоқда. Корхона ҳудудида 6 сотих иссиқхона, тикув цехи ҳамда 30 бош қўй, 100 бош парранда ва 40 бош қўён боқишни йўлга қўйганмиз.

Корхона ҳовлисини кўздан кечирар эканмиз, бир хонада чилангарлар, бир хонада токарлар, бир хонада таъмирловчи усталарнинг қизгин иш устида эканликларининг гувоҳи бўлдик. Олимжон яқинда Олтинқўл туманидаги гидроузелда реконструкциялаш

якунланганлиги ва 714 млн 237 минг сўмлик иш бажарилганлиги ҳақида сўзлаб, яна қўшимча Пахтабод туманидаги Майлисойда Бараж иншооти реконструкция ишлари олиб борилаётганлиги ва у ерга бориб кўришимиз мумкинлиги ҳақида айтиб қолди. Биз Пахтабод тумани томон йўлга чиқдик.

Объектга яқинлашар эканмиз, Норин-Қорадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи ўринбосари Шухратжон Эргашев, корхона раҳбари Иқболжон Жўраев ва Андижон сувқурилишинвест ДУК бош мутахассиси Акрамжон Қудратовлар бажарилаётган ишларни кузатиб, ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашишгаётган экан. Майлисойнинг эни 100, айрим жойлари 150 метр, чуқурлиги эса 25-30 метр бўлиб, бу сой орқали катта ҳажмдаги сув оқиб ўтар экан.

— Сойда ёз, куз ва қиш ойлари сув деярли бўлмасада, баҳорда катта миқдорда сел келади, — **дея сўз бошлади Шухратжон ака**. — Бундай сел келишлари сойнинг этак қисмидаги қишлоқлар учун офатнинг ўзи. Шунинг учун сойнинг ПК-123+00 ДА барраж иншоотини реконструкциялаш ишлари бошлаб юборилди. Бунинг учун 1 млрд. 300 млн сўм ажратилди. Ушбу иншоотимиз қуриб битирилса, юқори тезликда келаётган сув барражда тўпланиб тинади ва уни бошқариш



осонлашади. Қисқа қилиб айтганда, сувнинг тезлиги синдирилади.

— Ушбу объектни тез ва сифатли қилиб бажариш бизнинг бурчимиздир, — **дейди участка раҳбари Раҳмонали Расулов**. — Ҳозирда корхонамизга қарашли 3 та экскаватор, 3 та самосвал ва 1 та бетон тайёрловчи автомашина тиним билмай моқда. 30 нафар ишчиларимиз симтўрлар тўқиш ва бетон қуйиш ишларини бажаришмоқда. Ушбу объектимизда ишчиларимиз учун барча шароитлар муҳайё қилинган.

Мазкур корхонанинг бажарган ишлари замирида жуда катта маъно мужассам. Олиб борилган ушбу сай-ҳаракатлар натижасида Андижон, Бўз, Олтинқўл, Шаҳрихон ва Пахтабод туманларида янги 2018 йилда минглаб гектар экин майдонларига йўқотишларсиз керакли миқдорда сув етказиб берилади. Натижада фермер, ва деҳқон хўжаликлари янада мўл ҳамда сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш имконига эга бўлишади.

Ўз мухбири.

Сурапта: Норин-Қорадарё ИТХБ ўринбосари Шухратжон Эргашев, Андижондавсуммахсуспудрат ДУК раҳбари Иқболжон Жўраев ва Андижон Сувқурилишинвест ДУК бош мутахассиси Акрамжон Қудратов.

— Мамлакатимизда 2009 йил ўртача 6-9 минг тонна балиқ етиштирилган бўлса, ушбу тармоққа қаратилган эътибор туфайли 2016 йилга келиб етиштирилган балиқ маҳсулотлари 70 000 тоннадан ошди, — дейди Наманган вилояти Поп тумани ҳокимлиги томонидан балиқчиликни ривожлантириш бўйича вакили Музаффаржон ака Комилов. — Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги "Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарори ушбу соҳа вакиллари янада катта куч ва ишонч билан меҳнат қилишга чорлади. Туманимизда ҳозирги кунга келиб жами 46 та балиқчилик билан шуғулланадиган хўжалик ташкил қилинган бўлиб, бундан 2 таси масъулияти чекланган жамият, 4 таси кўп тармоқли фермер хўжаликлари таркибидан, 40 таси балиқчилик фермер хўжаликлари шаклида иш олиб боришади. Фаолият юритаётган хўжаликлар жами 1216,4 гектар майдонни қамраб олган. 2016 йилда халқимиз дастурхонига 1216,4 тонна балиқ маҳсулоти етказиб берилган бўлса, 2017 йилда 2217,0 тонна маҳсулот олдик. Бу, албатта, ўтган йилга нисбатан 1000,6 тонна кўп демакдир. Балиқларнинг озуқаси бўлган омукта ем ва минерал ўғит маҳсулотларини ўз вақтида етказиб беришни йўлга қўйганмиз. Жорий йилда балиқлар 924 тонна минерал ўғит, 3774 тон-

— Бу экин майдонлари Поп тумани ҳудудига жойлашган бўлса-да, унда қўшни Фарғона вилоятининг Бувайда туманида истиқомат қилувчи фуқаролар меҳнат қилишади, — дейди Олимжон ака. — Отам Амурмухаммад ота ва онам Ибодатхон аялар Алқор қишлоғидан келишиб, узоқ йиллар шу ерларда меҳнат қилишди, 4 ўғил ва 2 қизни вояга етказишди, уйли жойли қилишди. Мен ҳам 1985 йилдан собиқ "Навбахор" ширкат хўжалигида ҳисобчи бўлиб ишладим. 2002 йил фермерлик ҳаракатининг ривожланиши туфайли деярли қаровсиз қолган 503 гектар майдонда "Амур ота" фермер хўжалигини ташкил қилдик. Экин майдонларимиз захкаш ва қумлоқ ерлардан иборат эди, оила аъзоларимиз бир ёқадан бош чиқариб, ҳосилдорликни ошириш учун меҳнат қилдик. 2013 йил балиқчиликни йўлга қўйиш мақсадида захкаш ерлардан 217 гектар майдонни туман ҳокимлиги мутахассислари билан кенгашиган ҳолда ажратиб, "Навбахор ФИШ" балиқчилик хўжалигини ташкил қилдик. Аввалига 15 гектар майдонда балиқ маҳсулотлари етиштириш бошладик. Олиб борган ҳаракатларимиз ва изланишларимиз натижасида ҳозирги кунга келиб жами 110 гектарлик 12 та қўлга кенгайди.

Жорий йилда 12 нафар доимий ишчиларимиз билан оқ дўнпешона, сазан, оқ амур, илонбош ва лаққа балиқларини етиштиряпмиз. Мақсадимиз халқимиз дастурхонига



АЧЧИҚҚҮЛНИНГ ШИРИН БАЛИҚЛАРИ

Балиқни етти хазинанинг бири, дейишади. Албатта, бу иборани халқимиз бежиз айтмаган. Қолаверса, "луқмаи ҳалол" нинг инсон саломатлиги учун ҳам ўрни беқиёс. Шу босидан мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини янада ошириш, дастурхон тўкинлигини таъминлаш, фуқаролар саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида балиқ ва балиқ маҳсулотларини янада кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

на омукта ем ва дон маҳсулотлари билан озиқлантирилди. Шунингдек, Жийдалисой сув омборида 10 дан ортиқ кафас (садок) мосламалари ўрнатилиб, балиқ етиштиришнинг замонавий технологиялари жорий этилди. Албатта, бу хўжаликлар орасида "Навбахор ФИШ" балиқчилик хўжалигининг ўрни алоҳида сезилиб туради.

Музаффар аканинг сўзларини тинглар эканман, хўжаликни бориб кўриш истаги туғилди. Биз қўҳна Поп шаҳрини ортда қолдириб, туманнинг чўл ҳудуди сари йўл олдик. Қўш учса қаноти, одам юрса оёғи куяди, деб таърифланган масканлар таниб бўлмас даражада ўзгариб кетибди. "Одамнинг қўли гул" деб шунга айтишса керак-да. Биз тумандан 25-26 километрлар чамаси юрганимиздан сўнг йўл чети қуюқ тўранғиллар билан қопланган Марказий Фарғона чўлининг Аччиққўл массивига кириб келдик.

— Бу хўжаликнинг алоҳида жиҳати шундаки, — деб гап бошлади Музаффар ака. — Қўм барханлари сурилиб, экин майдонлари очилгандан сўнг ҳам бу ерларнинг флора ва фаунаси қандай бўлса, шундайича сақланиб қолган. Чўл дарахтлари ва ҳайвонларининг барча турларини учратиш мумкин. Хўжалик раҳбарлари уларни бир неча йиллар давомида сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун ҳаракат қилишади.

Биз қўл бўйидаги яшаш учун барча жиҳозлар билан таъминланган вагон-уйча ёнида тўхтадик. Бизни хўжалик раҳбари Олимжон ака Сарбоев кутиб олдилар. Салом-аликдан сўнг улар билан суҳбатни давом эттирдик.

120-130 тонна сифатли ва арзон балиқ маҳсулотлари етказиб бериш. Биз эришган натижаларимиз билан чекланиб қолмоқчи эмасмиз, чунки янги қўллар барпо этиш ишлари давом этмоқда. Айни кунларда яна иккита қўл тайёрланиб, эрта баҳордан фойдаланишга шай ҳолга келтириш учун ҳаракат қилинмоқда. Бунинг учун бизда барча имкониятлар етарли. Албатта, ушбу ишларни ўз вақтида амалга оширишда иш юритувчимиз моҳир балиқчи Муҳиддин Умрзоқов, рафиқам Любов Сарбоева, 4 нафар фарзандларим ҳамда укам Икромжон Сарбоевларнинг ҳиссалари катта бўлмоқда. Икромжон қўшни "Аччиққўл ишончи" фермер хўжалигининг раҳбари, 160 гектар майдонда пахта ва ғалла етиштиради. Шундай бўлса-да, ҳар куни мендан ва хўжаликдан хабар олиб, ёрдами аямайди. Фурсатдан фойдаланиб, яна бир нарсани таъкидламоқчи эдим. Мамлакатимизда балиқчиликни ривожлантириш учун барча имкониятлар яратилган. Фақат белни боғлаб ишлаш ва яна ишлаш керак. Янги йил янги режалар ва ислохотлар йили бўлсин, юртимизнинг барча меҳнаткашларини янги йил билан табриклайман. Янги омад, янги зафарлар ёр бўлсин!

Олимжон аканинг гапларини тинглаб, унинг жўшиб турган ғайрати ва шижоатига тасанно айтиб, меҳнат қилган ҳеч қачон кам бўлмаслигига яна бир бор амин бўлдик.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: Олимжон Сарбоев балиқчилик хўжалигида.

ЮТУҚЛАР — ЖАМОАМИЗ ҲАМЖИҲАТЛИГИДАН

Ватан — туғилиб ўсган замининг, киндик қонинг тўкилган ер, болалигинг ўтган маскан. Бугун биз фермерлар учун у бепоён ва бебаҳо дала. Ватанга хизмат ҳар бир шахснинг ифтихори. Янги йилни халқимиз муносиб равишда кутиб олмоқда.



Мамлакатимизда олиб борилаётган ҳар бир соҳадаги ислохотлар замирида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, жамият ва жамоатчилик олдигаги нуфузини эъзозлаш ва юрт тинчлиги, саодати, фаровонлиги йўлидаги меҳнат ва шижоатини ҳимоялаш, кадрлаш каби қатор манфаатлар мужассам.

Хоразм вилояти, Гурлан туманидаги Шолкор қишлоғида зиёли ўқитувчилар оиласида туғилиб ўсдим. Отам Собир Ҳасанов ва онам Зевар Худойбергеновалар кўп йиллар мактабда ўқувчиларга математика фанидан сабоқ бериб, бугун кексалик нафақасида бахтли яшамоқдалар. Улар биз беш нафар фарзандини оқ юиб, оқ тараб ўстириш билан бирга, Конституциямиз моҳиятини ҳам тўла тушунириб, болалигимиздан ҳуқуқимизни танишга ва меҳнатга ўргатдилар. Қишлоқ шароитида эшигингиз олдида, боғингизга гуллар ва ҳар хил экин-тикинлар экиб етиштириб олсангиз, хўжалигингизда етишмовчилик бўлмаслиги аён.

Ер — инсонни боқади, кийинтиради, тўйинтиради, аммо унга ҳам қаров керак. “Ер инсоннинг мулки, масканидир, ерни сев, қара, биринг икки бўлади”, дейди отам гоҳо ишларимизга назар солиб. Опам Шахло ўз хонадонида экин экиб етиштиришни яхши кўради, мен ва укаларим фермерлик қиляпмиз. Тараққий этган Ватанимиз бор экан, қатордан кам бўлмаймиз.

Ўрта мактаб таҳсилидан кейин 8 йил Янгиобод хўжалигида ишчи бўлиб ишладим. Қишлоқ хўжалигига бўлган эътибор бизнинг оилани ҳам қамраб олди. Оилавий фермерликка ихлос қўйиб, 2015 йилда “Севинчбек Ихлосбек” фермер хўжалигимиз ташкил топди. Умумий ер майдонимиз 56,5 гектар бўлиб, 2016 йили 31 гектар ерга пахта экдик. Режадаги 47,5 тонна ўрнига 73,1 тонна, яъни режага нисбатан 154 фоиз юқори ҳосил олдик.

2017 йил ҳам биз қишлоқ аҳли учун яхши

келди. 10,1 гектар ерга экилган буғдойдан режадаги 24,6 центнер ўрнига 78,8 центнердан ғалла етиштирдик. Ғаллани йиғиб олгач, шу ерларга иккинчи экин экдик. 0,7 гектарга сабзавот, 2,1 гектарига мош, 0,5 гектарига картошка, 7,3 гектар ерга шоли экиб, қутилган ҳосилни ёғин-сочиндан олдин йиғиб териб олдик. Доимий ишлаётган 11 нафар ишчининг оилаларида камчиликсиз яшашлари учун вақтида, тўй-ҳашамларида ёрдам бериб турибмиз. Бу эса ишимиз самарадорлигини оширади. Ахир манфаат топгандан кейин аъзолар яна яхшироқ ишлашга ҳаракат қилади-да! Тракторчи Қадамбой Нурметов, сувчилар Камоладдин Қўзибаев, Отабек Нурметовлар қишин-ёзин ҳар бир ишда бош бўлмоқдалар.

2016 йилги умумий даромадимиз 150 млн сўм, соф фойдамиз 47 млн. сўмни ташкил этди. Бу тушумни керакли техникага сарфладик. 2017 йилги фойдамизни балиқчилик ва паррандачиликни ривожлантиришга сарфламоқчимиз. Етти хазинанинг бири бўлган бу маҳсулотларни халқимиз севиб истеъмол қилади. Изласак имкон топамиз, албатта. Укам Расулбек “Ихлосбек” фермер хўжалиги раҳбари, Муҳиддин “Рисолат Дилнур” фермер хўжалиги раҳбари, кичик укам Нураддин тракторчиликни касб қилди. Бир-биримизга ва атрофимиздаги хўжаликларга ҳам доимо ёрдамга шаймиз.

Хуллас, ака-укаларим ва жамоамиз билан янги йилни катта зафарлар билан қарши олаёймиз.

Келаётган 2018 йилда халқимизга, аграр соҳа ходимларига улкан ютуқлар тилайман. Саодатли Ватанда мустақиллигимизнинг қадрига етиб ишламоқ ва яшамоқ, юрт равнақида хисса қўшмоқ ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Мансур ҲАСАНОВ,

Хоразм вилоят, Гурлан туманидаги “Севинчбек Ихлосбек” фермер хўжалиги раҳбари.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоларини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармонига биноан ЎзФА Ҳайъати ва тегишли фан ихтисосликлари бўйича фаолият кўрсатаётган ҳақиқий аъзоларининг тавсиясига асосан бир гуруҳ олимлар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари этиб тасдиқланди.

Улар орасида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти кафедра муdiri Мирзиёд Мирsaidов, Тошкент давлат аграр университети ректори Ботиржон Сулаймонов ҳам бор.

Кўп минг сонли аграр соҳа ходимлари ва олимлари номидан уларни самимий табриклаймиз ва келгуси фаолиятларида муваффақиятлар тилаймиз.



ОМИЛКОР ФЕРМЕРНИНГ ПАРВОЗИ

Истиқлол туфайли деҳқоннинг пешонасига офтоб тегиб, косаси оқарди. Эҳтимол, ёшларимиз бу гапдан яқин ўтмишнинг аччиқ ситамларини ҳис қила олмас. Бироқ инсонларни хўрлаш, эзиш ҳисобига "кун кўрган" собиқ тузум даврида қора меҳнатдан боши чиқмаган деҳқонларимизнинг бири икки бўлмагани айни ҳақиқат.

— Яхши эслайман, — дейди Жондор туманидаги "Очил Неъмат Бобур" фермер хўжалиги бошлиғи Ҳимматилло ака Жумаев, — ўша оғир дамларда, асосан, пахта етиштириш бўйича кўр-қўрона тузилган режалар ортидан қувиш оқибатининг асосий жабрдийдаси деҳқон эди. Тонг отмасдан бола-чақаси билан далага йўл олган, қора қозони кўпинча ёвгон шўрвадан бош-қасини кўрмаган, бироқ "боқиманда", "қолоқ" дея камситиб келинган деҳқон ризқу-рўз яратардию, аммо ўзининг насибаси асло бутун бўлмасди.

"Очил Неъмат Бобур" фермер хўжалиги 2006 йилда ташкил этилган. Ҳимматилло ака отаси — умр бўйи хўжаликда кичик жамоага бошчилик қилган Неъмат бобо ортидан юриб, деҳқончиликка — тракторчиликка меҳр қўйди. Шу даврда махсус билим юртида ўқиб, механизаторлик касбини эгаллади. Дастлаб хўжаликда, кейинчалик фермер хўжаликда трактор ҳайдади.

Деҳқонга ерга эгалик қилиш имконияти берилиши туфайли давр ҳақиқий деҳқонни саралаб, уни эл ардоғидаги инсонга айлантирди. Йиллар давомида аграр соҳада тобланган Ҳимматилло ака ҳам тезда эл орасида уста деҳқон сифатида танилди. Биргина ўтган деҳқончилик йилида буғдойнинг "Краснодар-99" навини экиб, давлатга уруғлик дон сотиш режаси 105 фоизга удалади. Бошқа экинлардан ҳам юқори ҳосил олди. Хўжаликда давр талаби бўлган кўптармоқчиликка ўтиш бўйича дастлабки қадам қўйилди.

— Қишлоқ хўжалигининг, хусусан, деҳқончиликни ривожлантиришни техникасиз тасаввур этиб бўлмайди. Замонавий фермер хўжалигида барча турдаги техника ҳамда қишлоқ хўжалиги машиналари мавжуд бўлиши шарт. Бу белгиланган агротехник тадбирларнинг ўз вақтида сифатли ўтказилишини таъминлайди, — дейди Ҳимматилло ака. — Техникадан, асосийси қишлоқ хўжалиги машиналаридан фойдаланганда тадбирларни уйғунлаштирилган ҳолда ўтказиш ер зичлашиб кетишининг олдини олиш билан бир қаторда, ёқилғи-мойлаш материалларини тежашга имкон яратади. Масалан, ғўза қатор ораларига ишлов бериш билан пахтани зарарқунанда, касаллик ва бегона

ўтларга қарши кураш ишларини ва ҳатто мавсумда 4-5 марта ўтказиладиган суспензиялаш ишларини бирга олиб бориш мумкин.

Хўжаликда экин экишдан тортиб ҳосилни йиғиштириб олгунчага ўтказиладиган тадбирларнинг барчасини омилкорлик билан олиб бориш бўйича катта тажриба тўпланган. Экинлар қатор орасини ишлашда 40-42 тагача ишчи органлардан мақсадли фойдаланилади.

Шу нарсани таъкидлаш лозимки, рационализаторлик ишларидан ёш фермерлар кенг қўламда фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир фермернинг ер текислашдан тортиб, ҳосилни йиққунга қадар мукамал, сифатли техника базаси бўлиши шарт. Айрим ҳолатларда биргина мола ёки чизел ахтариб, экиш муддатларининг кечиктириб юборилиши қанчадан-қанча кутилмаган муаммоларни келтириб чиқаради. Пировардида мўл ҳосил етиштиришга путур етади.

— Фермер хўжалигини мукамал механизациялаш-тирмасдан туриб, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди, — дейди фермер. — Зеро, қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олиш учун ҳар бир белгиланган агротехник тадбир ўз вақтида, талаблар даражасида ўтказилиши лозим.

Таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалигида сервис хизмати кўрсатиш тизимини ривожлантириш ер, сув, ишчи кучидан фойдаланиш самарадорлигини, меҳнат унумдорлигини ошириш, илғор технологияларни жорий қилиш, уруғчилик ва наслчилик ишларини тубдан яхшилаш, пировардида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишга олиб келади.

Бугун дастурхонимиздаги, бозорларимиздаги файзу баракада ерга меҳр бериб, заҳматли меҳнат эвазига ризқ ундираётган деҳқон-фермерларимизнинг ҳиссаси нечоғли салмоқли экани барчамизга яхши маълум.

Фермер хўжалигидан қайтар эканмиз, Ҳимматилло ака каби деҳқонлар бор экан, халқимиз дастурхони турли озиқ-овқат маҳсулотлар, мева ва сабзавотларга мўл-кўл бўлаверади деган гаплар ўтди ҳаёлимиздан.

Ўз мухбиримиз.



ТРАКТОРВОР.UZ

МТЗ ВА БЛЮМИНГ КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ

Қуёшли Ўзбекистонимизга тўқинлик, улуғворлик олиб келаётган 2018 йил
— Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-
қувватлаш йили билан республикамиз аграр соҳа вакиллари, барча
юртдошларимизни чин дилдан табриклайди.
Байрам шукуҳи кўнгилларни асло тарк этмасин!

Қуйидаги русумдаги

Беларус 80.1
Беларус 892
Беларус 920
Беларус 1025

Беларус 82.1
Беларус 952
Беларус 80X
Беларус 1221



тракторларини таклиф этади

(+998 98) 125-7-125
(+998 98) 125-8-125

Тўловлар нақд ва пул ўтказиш
йўли билан амалга оширилади.
Хизматлар лицензияланган

Маҳсулотлар сертификатланган

ҚОРАҚЎЛЧИЛИКДА БОШҚАРУВНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИ

сифатли маҳсулот етиштиришга хизмат қилмоқда

Қорақўлчилик сермахсул соҳа. Кейинги йилларда мамлакатимизда соҳани ривожлантириш ва шу орқали олис овул, қишлоқларда яшайдиган аҳолини иш билан таъминлашга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Конимех тумани ҳудудининг катта қисми Қизилқум саҳросида жойлашган. Бу ерда яшайдиган аҳоли асосан чорвачилик ва қорақўлчилик билан шуғулланади.



Туман марказидан олис овулларда яшайдиган аҳоли қорақўлчилик, туячилик, йилқичилик ва чорвачилик орқасидан ҳаёт кечиради. Улар бахтини ҳам, омадини ҳам шу оддий чўпон таёғи орқасидан топмоқда. Мустақиллик йилларида олиб борилган кенг қамровли ислохотлар туфайли соҳада янгидан-янги муваффақиятларга эришиляпти.

Президентимизнинг 2017 йил 16 мартдаги "Чорвачиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" қарори бу борада олиб борилаётган ишларни ривожлантиришга катта туртки бўлди.

Хусусан, чўл ҳудудларида фаолият юритаётган қорақўлчилик ширкат хўжаликлари негизида фермер хўжаликлари ва масъулияти чекланган жамиятлари ташкил этилди. Бундан кўзланган мақсад, аввало, ёзнинг иссиқ чилласию қаҳратон қишнинг совуғида оиласи билан меҳнат қилаётган чўпон-чўлиқларнинг меҳнатига яраша ҳақ тўлаш, ижтимоий муҳофазалаш ва чорвачиликни янада ривожлантириш, сифатли ва бежирим қорақўл тери етиштиришдир.

Туман марказидан 100 километр узоқликда жойлашган собиқ "Сарибел" наслчилик ширкат хўжалиги таркибида 2 та масъулияти чекланган жамият ташкил этилгани янги иш ўринлари яратиш, чорва мол бош сонини оширишда кўл келмоқда.

Жумладан, "Сарибел-Сур-Қорақўл" масъулияти чекланган жамияти жорий йилнинг 5 майидан ўз фаолиятини бошлади. Айни пайтда мазкур хўжаликда 21 минг бош майда шохли мол, 84 бош туя, 50 бош йилқи боқилмоқда.

— Президентимиз қарори асосида ташкил этилган қорақўлчилик хўжаликларидаги бошқарувнинг янги шакли яйловлардан самарали фойдаланиш, сифатли чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда чўл шароитида ҳам янги иш ўринларини ташкил этишга ҳисса қўшмоқда, — дейди "Сарибел-Сур-Қорақўл" МЧЖ раиси Шамсиддин Рустамов. — Янгидан иш бошлаган жамият маъмурий биносини 130 миллион сўм миқдоридаги маблағ эвазига туман марказидан 180 километр узоқликдаги "Фидокор" овулида барпо этдик. Натижада 100 дан зиёд иш ўринлари яратилиб, овулда яшайдиган фуқаролар

иш билан таъминланди. Бундан ташқари, бу ерда яшайдиган аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 2 та артезиан қудугини қисқа муддатларда фойдаланишга топширишга эришдик.

Тумандаги "Холмурод Қазғон чорвадорлар макони" МЧЖда ҳам 5 минг бош майда шохли мол, 120 бош йилқи, 120 бош туя бор.

— Бошқарув шакли ўзгарганлиги туфайли ҳар бир мутахассис ва чорвадорлар маҳсулот олишда сон эмас, сифат муҳимлигини яхши англаб етмоқда, — дейди МЧЖ раиси Бўлисбек Боймуродов. — 28 нафар чўпон ва мутахассис ишлаётган хўжалигимизда айни пайтда куз-қиш мавсумига пухта таёргарлик кўрилмоқда. 750 тонна дағал ҳашак жамғарилиб, отар ва кашарларга етказиб берилди.

Ҳа, Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган ислохотлар мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани Конимехнинг олис овулларида ҳам бўй кўрсатаётганидан аҳолининг кўнгли тўқ. Чунки, туман марказидан юзлаб қақирим узоқликда жойлашган овулларда ҳам ижтимоий соҳа объеклари, жамоатчилик тузилмалари ишлаб турибди. Буни "Элтой-Кумуш-Сур" МЧЖ мисолида ҳам кўриш мумкин. Айни пайтда хўжаликда 20 минг 827 бош майда шохли мол, 196 бош йилқи ва туя боқилмоқда.

— Мустақиллик яратган имкониятлар туфайли овулимизда яшайдиган аҳолининг турмуш тарзи кундан-кунга яхшиланиб бормоқда, — дейди жамият иш бошқарувчиси Ибройим Бобонов. — Бир пайтлар вилоятимиз маркази Навоий шаҳрига бориб-келиш учун кунлаб автобус кутишга тўғри келарди. Ҳозир деярли ҳар бир хонадонда ўзимизда ишлаб чиқарилган машина мавжуд. Бунинг ҳаммаси аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар самарасидир. Қолаверса, чўл шароитида яшайдиган аҳолининг моли тўқ бўлса, кўнгли тўқ бўлади. Давлатимиз томонидан чорвачиликни ривожлантириш учун кўплаб имтиёзлар яратиб берилаётганлиги туфайли чорва моллари бош сони ортиб, аҳоли турмуш шароитлари тобора яхшиланиб бормоқда. Сўзимнинг охирида барча қишлоқ хўжалиги ходимларини касб байрамлари билан қутлайман.

Б.ТОШНАЗАРОВ.

ДЕХҚОНДАН ТАДБИРКОРГА АЙЛАНДИМ

Ўтган йил ҳаётимизда улкан муваффақиятларга йўл очди. 2018 йилдан эса умидимиз яна катта, олдимизга қўйган юксак мақсадларимизни амалга ошириш учун меҳнат қиламиз. Ўтган даврлар мобайнида давлат, жамият ва инсон манфаатларини ифодаловчи ва тараққиётни белгиловчи қонунлар яратилиб, ҳаётга татбиқ этилди. Тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантириш, қишлоқ ва шаҳарлар ҳаётини тубдан яхшилашга жиддий эътибор берилди. Шунга жавобан биз ҳам бир жойда қотиб, ё тўхтаб қолмадик. Меҳнат қилган эъзоз топадиган элда туғилганлигимиз эса бизнинг саодатимиздир.

Мен 2000 йилда 2 гектар ер олиб ипакчиликка асосланган "Чортоқ ипаги" фермер хўжалиғини ташкил қилган эдим. 2006 йилда тендерда ютиб, фаолиятимни яна кенгайттирдим. Хўжалигимиз наслчиликка ихтисослашган катта фермерлик жамоасига айланди. Дастлаб 120 бош қорамол боқилаётган бўлса, 2013 йилда АТ "Алоқабанк"дан ажратилган 1 млрд. сўм кредитга Германиядан



Хўжалигимизда 60 нафар ишчи меҳнат қилади, ўз вақтида ойлик маоши ва керакли ёрдам билан таъминланиб келинаётган бу оилаларнинг тўй-маракаларида доимо биргамиз. Шу аҳил жамоа билан чорва озукаси мўл-кўллигини таъминлаш мақсадида 100 гектар ерга чорва экинлари экамиз. Озуқа етиштириш учун керакли техника базасига эгамиз. Лизинг асосида юқори унум билан ишлайдиган техникалар, яъни маккажўхори ўрувчи "КЛАСС Ягуар", ғалла ўрувчи "КЛАСС Доминатор", ер ҳайдовчи "КЛАСС Арион" тракторларини сотиб олдик. Ҳабибулло Каримов, Аҳмад Хўжаев, Акмал Ҳошимовлар бу уловларни моҳирона бошқариб, иш унумига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Ёшларни меҳнатга жалб қилишга бўлган эътибор бизни ҳам четлаб ўтмади. Ҳозир хўжаликни ўғлим Валихон Ҳамидовга топширдим. У бир гектар жойда иссиқхона ташкил қилди. Бодринг, помидор, кўкатлар қишин-ёзин етиштирилиб бозор расталарига чиқарилмоқда.

Энди гўшт ва сутни қайта ишлаш корхонаси қурмоқчиман. Қишлоқ аёлларини иш билан таъминлаш мақсади-



"Швецбраун" зотли 155 бош насли қорамоллар олиб келдик. Бугун улар бизнинг шароитимизга тўла мослашиб, наслдорликни оширишда ва мўл сут ва гўшт маҳсулоти етказишимизда қўл келмоқда. Ҳозирда 400 бош қорамолнинг 160 боши соғин сигирлар, 140 бошли насли ғунажинлар, 100 боши насли новвослардир. Хўжалигимизда кунига 1 тонна 200 кг сут соғиб олинади. Ўзимиздаги "Нестле" ва Андижондаги "РашМИЛК" компаниялари билан тузилган шартномага мувофиқ белгиланган нархда сут маҳсулотини қайта ишлаш учун топширамыз.

да тикувчилик цехи қуриш ишларини бошлаб юбордик. Буларнинг ҳаммаси давлатимиз эътибори ва кўмаги ёрдамида амалга ошириладиган ишлар, албатта. Тўғри, бир қанча муаммоларга ҳам дуч келган пайтларимиз бўлди, аммо иш камчиликсиз бўлмаганидек, ҳаёт муаммоларсиз бўлмайди. Бугунги кун билан қадам ташлаш эса ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Абдувоҳид САМАТОВ,

"Чортоқ ипаги" фермер хўжалиғи раҳбари.

Суратларда: хўжалик ҳаётидан лавҳалар.

САФАР СУРНАЙЧИНИНГ НАБИРАСИ

Бир вақтлар Янгиариқ туманида қишлоқ хўжалиги бригадаси бошлиғи бўлиб ишлаш билан бирга, тўй-ҳашамларда сурнай чалиб, халқ олқишини олган Сафар сурнайчи бугун невараси қилаётган ишларни кўрса, нима қиларди? Балки ўз қувончини яшира олмай "Сурнай лазги" сига рақсга тушармиди?

Янгиариқ туманидаги "Сафар сурнайчи" фермер хўжалиги 2014 йилда ташкил этилган бўлиб, қисқа фурсатда нафақат туманда, балки вилоятда ҳам илгор кўп тармоқли хўжалик сифатида танилди.

Хўжалик раҳбари Бозорбой Саидов туманнинг "Севган" маҳалласида зиёли ўқитувчилар оиласида тарбия топди. Дастлаб ҳайдовчилик курсида ўқиди. Қишлоқда катта бўлгани учунми, ёки томирида бобосининг қони оқаётганиданми, ота-она касбини эмас, деҳқончиликни танлади. Уни ёзининг иссиқ қуёнлари ҳам, қиш ё кузнинг изғиринли кунлари ҳам чўчитмади. 42,3 гектар ерда иш бошлаган ёш фермер бугун ўз ишларидан мамнун.

2017 йил фермер учун баракали йил бўлди. 17 гектар ерга экилган ғалладан режадаги 26 центнер ўрнига 30 центнер ҳосил олди, жами 57 центнерлик хирмон уйди. 17 гектар ерга экилган пахтадан эса режадаги 30 центнер ўрнига 35 центнердан ҳосил етиштирди. Давлатга пахта сотиш режасини қисқа кунлар-

да туманда биринчилардан бўлиб бажарди.

— Хўжалигимиз ерларининг бал бонитети паст бўлиб, тўқайлардан иборат, — дейди Бозорбой. — Шу боис юқори ҳосил олиш учун кўп меҳнат талаб қилади. Ерни чуқур шудгорлаш билан бирга, йилига уч марталаб шўри ювилади. Ҳар йили эрта баҳорда етарлича фосфорли ўғит билан экиш ишларини бошлаймиз.

Ғалладан бўшаган майдонларга тез ва ўз вақтида сабзавот, полиз экинлари экиб, 20-25 миллион сўм даромад олинмоқда. Хўжалик режаларининг ўз вақтида, ошириб удаланишига тракторчи Жалол Давлатов, сувчилар Ўктам Отажонов, Баҳром Собировларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлаяпти.

Бугунги кунда хўжаликда 30 бош насли қорамол, 40 бош курка, 100 бош товук, 50 бош индаутка ёпиқ шароитда боқилмоқда.

Фермер кейинги йиллардаги соф даромадига "Дамас" автомашинаси сотиб олди. Аъзоларнинг тўй-ҳашамлари, марака ва тадбирларига бош бўлиб, ёрдамга муҳтож оилаларга ҳолисона кўмак бериб келётган Бозорбойнинг орзулари катта. Келгусида лизинг асосида юқори унумли техника сотиб олмоқчи, ҳосилдорлик ва самарадорликни ошириш, янги иш ўринлари очиш каби муҳим вазифаларни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Сафар сурнайчининг набирасига бу йўлда омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.



ХОРАЗМЛИК ОШИН

Гулсоранинг болалиги Янгиариқ туманининг мўъжазгина Таган қишлоғида ўтди. Шу қишлоқнинг чангли кўчаларидан мактабга қатнади, пахта далаларида дугоналари билан пахта йиғим-теримида иштирок этди. Хуллас, у қишлоқда яшаб, деҳқонлар ичида вояга етди.

Дугоналари қатори тикувчиликка ҳам ихлос қўйди, аммо унда мулкдор бўлиш орзуси устунлик қилди. Бугун бу но-зиккина қишлоқ аёли "Улуғбек Гулсора" кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари. Биз далага чиқиб, хўжаликни, унинг раҳбарини сўраб-суриштирдик.

— Ошинни сўрапсизми, ҳозиргина уйига кетди, — деди бир қишлоқдоши.

Япон қизи Ошинга ўхшаб тиниб-тинчимаслиги, қийинчиликлардан чўчимаслиги, тадбиркор ва удабурунлиги, фидойилиги учун қишлоқдошлари уни шундай аташар экан. Шинам қишлоқ уйи остонасида бизни гўзал чехрали, содда ва озода, табассуми ўзига ярашган, далалар ҳавосида тобланган, меҳнат ишқига ёнган жувон кутиб олди.

— Аёл киши учун фермерлик оғир иш эмасми? — дедим ёшгина бувижонининг этагига осилган болакайларни кўриб. — Ахир, болаларга, невараларга қараш, уларни ичириб, кийинтириш каби масъулиятли вазифалар оналар зиммасида-ку.

— Қишлоқда ҳам шароитлар етарли, майда-чуйда муаммоларни ўзимиз ҳал қиламиз. Турмуш ўртоғим Улуғбек Абдуллаев, уч ўғил, бир қизим, 2 нафар келиним менинг яқин ёрдамчиларим. Шунча ёрдамчим бўлгач қийинчилик сезаманми? — дейди Гулсора опа кулиб.

2017 йилда 14,6 гектар ерга бугдой экиб, режадаги 25

центнер ўрнига 65-70 центнердан ҳосил олган хўжаликда ғалладан бўшаган майдонларнинг 3 гектарига мош, 1,5 гектарига сабзавот, 5 гектарига шоли экилди. Даромад ҳам шунга яраша бўлди.

13,2 гектар ерга экилган пахтадан режадаги 39,6 центнер ўрнига 42 центнердан ошириб "оқ олтин" хирмони уюлди.

Тракторчи Ҳамза Рўзметов техниканинг етарли эканлигидан, хўжаликда тутган ўрнидан хурсанд. Сувчилар Қодирберган ва Иброҳим Раззоқовлар эса доимо, ҳатто қишда ҳам дала ишларидан қарчамайди.

Йилига 2 кути ипак курти боқиб, 110 килограммдан ошириб ипак тола олаётган хўжалик аъзолари бугун янги, улкан режаларни кўзлаб турибди.

— Паррандаларимиз, 25 бош соғин сигиримиз, 15 бош бузоқ, 4 бош ҳўкизимиз бор. Чорвачиликни ривожлантириб, келгусида сутни қайта ишловчи мини-технология сотиб олишни ният қилганмиз, — дейди бу тиниб-тинчимас фидойи фермер ўз режалари билан ўртоқлашар экан.

Қишнинг қировли кунларида режалар тузиб, эрта баҳордан далаларда барака уругини қадаб, ҳалол меҳнатидан роҳат топаётган Гулсора опа раҳбарлигидаги жамоага янги йилда янги зафарлар ёр бўлишини тилаймиз. Зеро, "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" деб ном олган 2018 йил ҳар биримиз учун зафарли, саодатли, иқболли ва завқли кунларга тўла бўлсин!

Ш.СОДИҚОВА,
ўз мухбиримиз.





*Бунёдкор халқимизни, яшиллик олами
фридойилари аталмиш қишлоқ хўжалиги
ходимларини, уларга илмий салоҳияти
билан камарбаста бўлаётган
олимларимизни Янги – Фаол
тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва
технологияларни қўллаб-қувватлаш йили
билан муборакбод этамиз! Ватанимиз
равнақи, ободлиги йўлида амалга
ошираётган ишларида зафарлар ёр
бўлишини тилаймиз.*

**“Агробанк” Жиззах вилояти
бўлими жамоаси**

КЎП ТАРМОҚ — КЎП ТОПМОҚ

Денов Сурхон воҳасининг илғор туманларидан бири. Зироатчилиги ўзига хос нуфузга эга бўлган ғўшада ерга олдин озуқа бериб, кейин ундан ҳосил сўрайдиган, танти заминимизнинг имкониятидан йил давомида унумли фойдаланадиган, истиқлол шарофати билан эл-юрт тўкинлигига муносиб ҳисса қўшаётган фермерлар кўплаб топилади.

Абдуманнон Ҳайитов “Тўхта Ҳайитов” кўп тармоқли фермер хўжалиги бошлиғи, “Ташаббус” кўрик-танловининг бир неча бор туман, вилоят босқичлари совриндори бўлган, “Меҳнат шўхрати” ордени соҳиби. Ҳаётдаги шиори “Ерни қадрлаганни — эл қадрлайди”.

— Падари бузрукворим Тўхта ота узоқ йиллар қишлоқ хўжалиги соҳасида турли вазифаларда ишлади, маҳалла фуқаролар йиғини раиси бўлди, онам Улғўзи ая билан бизлар — 10 фарзандни жамиятга нафи тегадиган қилиб вояга етказди. Мен меҳнат фаолиятимни тракторчиликдан бошлаганман. Бир неча йил кичик жамоага етакчи бўлдим. Ҳар доим йилнинг қандай келишидан қатъи назар, илғорлар сафидан жой олишга ҳаракат қилдим. 1992 йили биринчилардан бўлиб фермер хўжалиги ташкил этдим, — дейди Абдуманнон ака. — Ерга бўлган меҳр, ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам мўл, сифатли ҳосил етиштириш ишқи мени доим олға ундади. Жорий йилда пилла тайёрлаш режасини 115 фоизга, ғалла тайёрлаш режасини 120 фоизга уддалаб, ҳосилдорликни 65 центнерга етказдик. Давлатга пахта сотиш режасини эса 110 фоиз этиб бажардик. Мавжуд 100 бош зотдор қорамол ҳамда 300 бошдан зиёд қўй-қўзидан талаблар даражасида маҳсулдорликка эришяпмиз.



2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини янада қўллаб-қувватлаш, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш, пиловард натижада ер эгаларининг даромадларини кўпайтиришга бўлган муносабатларини тубдан ўзгартириш мақсадида Президентимизнинг “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

— 2017 йилнинг 9 октябридаги мазкур Фармон жойларда яратилган имкониятлардан етарлича фойдаланмаётган деҳқон, фермер ва томорқа эгаларига улкан масъулият юклайди. Қолаверса, бизни янада кўпроқ, асосийси самаралироқ меҳнат қилишга, фан-техника ютуқларидан, хориж тажрибаларидан кенгроқ фойдаланишга ундайди, — дейди Абдуманнон ака. — Биз шундагина давр талабидаги мулкдорга айланамиз. Фурсатдан фойдаланиб, юртимизнинг барча қишлоқ хўжалиги ходимларини ва халқимизни янги йил байрами билан қутлайман.

ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДАГИ ОДИМЛАР

Бахмал — тоғ, қир-адирлар бағридаги гўзал ғўша. Истиқлол йилларида туман агросаноат тизимида эътиборга молик ишлар амалга оширилди. Боғлар, айниқса интенсив мевazorлар майдони кенгайиб, ҳосил салмоғи ортди. Чорвачиликнинг баракали тармоғи — паррандачиликда ҳам қувончли натижаларга эришилмоқда. Кўп тармоқли фермер хўжаликлари кўпайиб, уларнинг эл-юрт тўкинлигига қўшаётган ҳиссаси юксалмоқда.

Кўп тармоқлилик сари дадил одимлаётган “Арслон Ёриев” фермер хўжалигида боғдорчилик, қорамолчилик ва паррандачилик барқарор тармоққа айланиб бормоқда. Қисқа вақт оралиғида хўжаликдаги “Ломан” зотли товуқлар сони 7000 бошдан ошди.

— Хўжаликда паррандачиликни замонавий технологиялар асосида янада ривожлантириш, узлуксиз ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш учун шароитлар яратиш, истиқболда наслчиликни жорий этиш йўлида тинимсиз изланишлар олиб бораяпмиз, — дейди хўжалик раҳбари Арслон Ёриев. — Келгусида туманда паррандачилик хўжаликлари ветеринария

хизматлари кўрсатиш бўйича марказ ташкил этиш ниятидамиз.

Паррандачилик маҳсулотларини халқаро андозаларга тўла жавоб берадиган ҳолда етиштириш ҳисоби-га саноат усулида қайта ишлаш ва қадоқлашнинг замонавий усулларини кенг жорий қилиш бўйича амалий ишларни бошлаб юборганмиз.

Мустақиллик туфайли юртимизда паррандачиликка бўлган эътибор кучайди. Ҳукуматимизнинг бевосита ғамхўрлиги билан тармоққа бир қатор имтиёзлар берилиб, саноат паррандачилиги ва соҳага ихтисослашган фермер хўжаликларини қиш даврида биринчи даражадаги истеъмолчилар сифатида етарли миқдорда электр энергияси, кўмир ва табиий газ билан таъминлаш йўлга қўйилди.

Биз бир дунё орзулар билан яшаётган, касбий салоҳиятини ошира бориб, шижоат кўрсатиб меҳнат қилаётган Арслон Ёриев мисолида ўзбек паррандачилигининг эртанги тимсолини кўрдик. Зеро, меҳнат қилган элда азиздир.

Ф. МИРЗО.



ХОРАЗМНИНГ АЛП ЎҒЛОНЛАРИ

Қишининг қорбўрони, баҳорнинг изғиринлари, ёзнинг жазирамасидан чўчимаган Хоразм воҳаси деҳқонлари ҳар йили баракали хирмонлар бунёд этишади. Улар бу йил ҳам налла, пахта ва бошқа экинлар йиғим-теримини ўз вақтида урдалашди. Яқинда вилоятда бўлиб, деҳқонларнинг ибратли ва хайрли ишлари билан танишдик.

ДАЛА ФАРЗАНДИ

Боғот туманида 7100 гектар пахта майдонидан режадаги 20100 тонна пахта илк кунларданоқ давлат хирмонига тўкилди. “Меҳнат шўхрати” ордени соҳиби Пўлат Матниязов раҳбарлик қилаётган “Яқуббобо ўғли Омон” фермер хўжалиги тумандаги илғор хўжаликлардан бири. У 2004 йилда ташкил қилинган. Ўша пайтда 34,5 гектар ерга эга бўлган хўжаликда 8 нафар ишчи меҳнат қиларди. Бугунга келиб ишчилар сони кўпайди, тармоқлар сони кенгайди. Ҳар йили уруғлик пахта ва галла етиштиришда юқори кўрсаткичларга эришмоқда.

Туманнинг Қулонқорабоғ қишлоғида зиёли оилада туғилган Пўлат Матниязов асл дала фарзанди. Қишдан то кеч кузгача далалар тилини ўрганади, янгиликлардан боҳабар бўлиб иш олиб боради.



Суратда: Пўлат Матниязов.

Хўжалик кўптармоқли. 4,1 гектар боғдан чиққан маҳсулот ўртача 32 тоннани ташкил қилади. Меваларнинг бир қисми бозорда сотилади, бир қисми эса “Боғотшарбат” МЧЖ га топширилади. Хўжалик пиллакори Жамила Искандарова ҳар йили пилла мавсумида 3 қути ипак қуртидан 225-250 кг дан пилла олиб, барчага ўрناق бўлмоқда.

— Ҳар бир ишда тракторчилар Жўрабек Сафаев, Наримон Матниязов, сувчилар Баҳром Аминов, Боғбек Сафоев, Қодир Бобоевлар менинг энг яқин қўмақчиларим, — дейди фермер. — Вақтида берилган ишлов, агротехник тадбирлар мўл ҳосил гаровидир. Ўтган 2017 йил пахта йиғим-теримида фаоллик кўрсатган Туйма Оллова, Гуласал Исмолова, Дилдора Аҳмедоваларнинг ҳар бири кунига 120-150 кг дан пахта териб етакчилик қилдилар. Натижада биринчи ўн кунликда режани бажардик.

Хўжалик деҳқонлари 31,9 гектар ерга экилган уруғлик пахтадан режадаги 102 тонна ўрнига 141 тонна ҳосил етиштирди. Ҳар гектар ердан олинган ҳосилдорлик 44 центнерни ташкил этди. Хўжалик раҳбарининг айтишича, 2017 йил пахтанинг ўзидан 330 млн. сўм даромад олади.

2015 йилги соф фойдага “Дамас” машинаси сотиб олган хўжалик, 2016 йилда лизинг асосида ҳайдов трактори харид қилиш учун дастлабки маблағни тўлаб қўйди.

Янги йил байрамини хуш кайфият билан қаршилаётган хўжалик аъзолари ва унинг раҳбари ҳосилдорликни янада ошириш, даромад манбаини кўпайтириш, янги иш ўринлари очиш каби муштарак мақсадлар билан яшамоқда.

Боғотдаги “Холмурод ўғли Мансур” фермер хўжалигини ташкил қилган Холмурод Назаров ҳар бир ишга жиддий ёндашувчи, удабурон инсон. Энг муҳими, у пахтачиликда, умуман деҳқончиликда 43 йиллик тажрибага эга. Холмурод ака шу йил нафақага чиқиб, хўжалик бошқарувини ўғли Мансурга топширди. Шундай бўлса-да, у доимо далада. Биз билан суҳбатда Холмурод ака хўжаликдаги бугунги ишлар ҳақида гапирди.

— 2017 йилги пахта йиғим-терими жуда уюшқоқлик билан олиб борилди, маҳалла аҳли ҳам ёрдамини аямади, — дейди фермер бобо. — Аъзоларимиздан Зулфия Эгамова, Зухро Яқубова, Гулнора Эрназарова, Дилфуза Бобо-жоноваларнинг ҳар бири кунига 130-150 кг дан ошириб “оқ олтин” териб, мунтазам совға ва мукофотлар билан рағбатлантириб борилди. Хўжаликда асосий 15 нафар, мавсумда эса 50 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади.

ТАЖРИБАДА ГАП КЎП



Суратда: Холмурод Назаров.

Шунингдек, фақат пахтанинг ўзидан 450 млн. сўм даромад олишни кўзлаяпмиз. 2017 йилги соф фойдамиз ҳам 140 млн. сўмни ташкил этди. Биз фойданинг бир қисмига “Дамас” машинаси сотиб олдик. Қолганини хўжалик эҳтиёжига сарфладик, аъзоларимизнинг тўймоша, маъракаларига ёрдам бердик. Шу кунларда лизинг асосида “КЛАСС Доминатор” комбайни олиш учун дастлабки тўловларни амалга оширганмиз.

Хўжаликнинг 100 ўринли дала шийпони атрофида 6 сотихли боғ бўлиб, гужум ва тераклар билан ўраб олинган. Шунингдек, хўжаликнинг 0,8 гектарлик тут плантацияси ҳам мавжуд. Фермер хўжалигида ҳар йили 105 грамм ипак қурти боқилиб, давлатга 300-320 кг пилла топширилади. Яқинда чорвачиликка ҳам қўл урилди. Айни пайтда бу ерда 20 бош насли қорамол боқилмоқда.

Хўжаликда қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлаш хизмати йўлга қўйилган бўлиб, бу ерда икки нафар уста иш билан банд.

Отахон фермер бугунги ишлари ҳақида тўлқинланиб гапирар экан, юртимизда кексаларга яратилаётган имкониятлардан мамнун эканлигини ҳам алоҳида айтиб ўтди. Шу дорилон кунлар, ўғил қизлари, невараларининг бахту саодатидан мамнун эканлигини билдирди.

Ўз мухбиримиз.

*Барча юртдошларимизни, жумладан,
пахтачилик соҳасида фаолият юритаётган
тажрибали
мутахассислар, миришкор деҳқонлару
серғайрат пахтакорларни 2018 йил – Фаол
тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва
технологияларни қўллаб-қувватлаш йили билан
самимий табриклаймиз.*

*Ўзбек пахтасининг доврўғини янада ошириш
йўлида фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётган
заҳматкаш пахтакорларимизнинг бунёд
этажак ҳосили мўл, хирмони сарбаланд,
даромади баракали, турмуши янада фаровон
бўлишини тилаймиз.*



Зарбдор туман пахта тозалаш заводи жамоаси



КИЧИК ЕРНИНГ КАТТА ФОЙДАСИ

Лимон, мандарин, киви ва апельсин каби цитрус мевалар етиштириш ҳамда улардан мўл ҳосил олиш сир-синаотларини ўзлаштириш халқимиз орасида жадаллик билан ривож топмоқда. Сабаби, ушбу мевалар инсон организми учун фойдали бўлиши билан бирга, яхшигина даромад манбаи ҳамдир. Шунинг учун томорқаларда иссиқхоналар қуриш ишлари аҳоли ўртасида оммалашиб бормоқда.

— Томорқада иссиқхона ташкил этиш кони фойда, — дейди Наманган вилояти Поп туманидаги Тепақўрғон қишлоғида истиқомат қилувчи Тўхтаҳон опа Юлчиева. — Тақдир тақозоси билан бир неча йил Фа-



рғона вилоятининг Учкўприк туманида ҳаёт кечирдик. У ердаги шифохонада ҳамшира бўлиб ишлаб нафақага чиқдим. Биз яшаган Қўқонбой қишлоғи аҳолисининг асосий даромадларидан бири иссиқхона ҳисоби-

дан бўларди. Улар бу иссиқхоналарда ҳар хил кўкатлар ва лимон меваларини етиштиришарди. Иссиқхонага қизиқиш менга ҳам шу қишлоқ аҳолисидан ўтган. 2000 йилларда ҳозирги яшаётган қишлоғимиздан ҳовли-жой олиб кўчиб келдик. Биринчи навбатда 2 сотих жойда иссиқхона қуриш ишларини бошладик. Натижаси ёмон бўлмади. Ўғлим Муҳаммаджон менга суянч бўляпти.

Мўъжазгина ҳовлига кириб борар эканмиз, эшиги қия очиқ иссиқхонадан лимоннинг муаттар ҳиди димоғимизга урилди. Иссиқхонада кўчатларни кўздан кечиравётган Муҳаммаджонни кўриб, уни ҳам суҳбатга тортдик.

— Болалигимдан иссиқхонада меҳнат қилишни ёқтираман. Шунинг учун бўлса керак, ҳар куни лимонлар аҳволидан хабар олишни канда қилмайман, — деб сўз бошлади Муҳаммаджон. — Аввало, ҳар бир инсон меҳнат билан ҳамоҳанг яшаши керак. Меҳр билан меҳнат қилинса, натижа ҳам шунга яраша бўлади. Жорий йилда лимон кўчатларимизнинг ҳосили мўл бўлди. Ўтган йилларда ҳам бир йилда ўртача 1 тонна атрофида ҳосил олганмиз. Бу йил янада кўпроқ берса керак. Албатта, олинган даромад оиламизнинг иқтисодиётига муносиб ҳисса бўлади. Мана, бир неча йилдирки, тикувчилик касбини ҳам мукамал эгаллаб келяпман. Кўплаб ёшларимиз бозорга бориб ўзларига мос ўлчамдаги либосни танлашга қийналишади. Шунинг учун уйга келишиб, менга мурожаат қилишади. Худога шукур, ҳозирга қадар тиккан костюм ва шимларим ўз эгаларига манзур бўлмоқда.

Сурата: Муҳаммаджон Бектўраев ва Тўхтаҳон Юлчиева лимон дарахти меваларини кўздан кечирмоқда.

БАРАКА — ҲАРАКАТДА

Ўзи яшаётган хонадони олдида гуллару зироатлар экиб, кичик гулшан яратган, ҳар қарич ердан унумли фойдаланиб, оиласи эҳтиёжини қондиравётган элдошларимиз жуда

Хонқа туманидаги Дурвадик қишлоғида истиқомат қилувчи Мавлон ака Жабборов 12 сотих томорқа ерга эга бўлиб, оила бошлигининг айтишига кўра, улар истеъмол қилинадиган барча маҳсулотларни шу ерда етиштириб олмақдалар.

— Ҳатто ун ҳам сотиб олмаймиз, буғдойни ҳам томорқада етиштираяпмиз, йиғиштириб олгач, яна экин экамиз, ахир бу бизнинг кичик фермер хўжалигимиз, — дейди табассум билан оила бекаси Саодат Сатторова.

Саодат опа жуда гулсевар аёл. У айниқса инсон соғлиғига даво бўлгучи гул ва гиёҳларни хуш кўради. Топинамбур, бахмал, хино ва райхонгуллар биз борган пайтда, яъни куз охирида ҳам бўй таратиб анвойи рангларда очилиб турган эди.

Оила аъзолари томорқанинг ўзидан йилига 16-20 млн. сўмдан зиёд даромад олишади.



Ҳозир айна қиш палласида ҳам 0,5 сотих жойдаги иссиқхонада кўкатлар, бодринг, помидор қаторида лимон кўчатлари яшнаб турибди.

— Дастурхонимиз тўкинлиги, даромадимиз мўллиги шу кичик хўжалигимизга берган эътиборимиз ва ҳаракатларимиз туфайли. Ўзимизни ва яқинларимизни ҳам соф ва фойдали маслаҳатлар билан таъминлаймиз — дейди Мавлон ака хурсандлик билан.

Янги йилда эзгу ниятларни дилига жо қилган хонқаликлар билан самимий хайрлашдик. Ўз мухбиримиз.

БОҒЛАР — НЕЪМАТ БУЛОҒИ

Китоб туманининг ҳар бир қишлоғи аҳолиси зироатчилик ёки чорвачиликнинг қайсидир йўналиши ҳадисини олган. Бошқача айтганда, ҳар бир қишлоқда, маҳаллада бирор соҳага ихтисослашув шаклланган.

Толзор қишлоғилик Исмоил ака Сулаймоновнинг асли касби ўқитувчилик. Меҳнат фаолиятининг асосий қисмини билим масканида раҳбарлик қилиб ўтказган бўлса-да, бараканинг булоғи саналмиш томорқачиликка меҳри бўлакча. Шу боис, анчадан буён соҳибкорлик билан шуғулланиб келмоқда.

— Соҳибкорлик менга ота мерос, қолаверса, боларимизнинг севимли касби бўлган. Падари бузрукворим Сулаймон отадан боғдорчилик, узумчилик сирларини ўрганганман ва буни ўз навбатида фарзандларимга ўргатганман. Серҳосил, талаблар даражасидаги боғ яратиш учун экилатган кўчатнинг навини танлашга алоҳида эътибор бериш лозим. Мен республикамизда ва хорижда кўп истеъмол қилинадиган, бозорда нархи юқори, ҳосили мўл мева навларини экман. Яна бир муҳим томони, экадиган мева кўчатимнинг, албатта эртаги ҳамда сақланиш муддати узоқ-

ланд танали боғларда бир гектарга 250-300 туп дарахт кўчати жойлаштирилади.

Исмоил аканинг айтишича, паст бўйли дарахтлар учун майдон танлаш, кўчат ўтқазиш ва парваришлаш учун алоҳида талаблар бор. Уларнинг илдиз тизими нисбатан кам ривожланган бўлгани ва ҳар гектарга кўп миқдорда ўтқазилиши боис тупроқнинг сув-оziқ режимини кўпроқ танлайди. Шу сабабли боғлар барпо қилиш учун ажратиладиган майдонларнинг тупроғи унумдор, физикавий хоссалари яхши бўлиши керак, янаям аниқроқ айтадиган бўлсак, тупроғи қумоқ ёки енгил қумоқ бўлгани маъқул. Секин ўсадиган пайвандтагларга уланган дарахтларнинг илдиз тизими жуда юзада жойлашган сизот сувларидан кам зарарланади.

Бўйи 70 см. дан паст бўлмаган, илдизи яхши ривожланган, яхши тутиши учун кўпинча бир ёшлигида кўчириб ўтказилган паст бўйли дарахтлар майдонларининг атрофига шамол кучини камайтирадиган бақувват ҳимоя дарахтлари экилиши керак.

Исмоил аканинг мева кўчатзориди ҳозирда олманинг "Жарамин", "Кремсон", "Муцу", "Фуза", "Розмарин", маҳаллий навлардан "Оқсой", "Оқшакар", эртапишар "Искана" каби, шунингдек, шафтоли, ўрик, гилос, олхўри ва ёнғоқнинг асосан пакана сара навлари парваришланмоқда.

Бешқозоқ қишлоғилик Низомиддин Эшпўлатовни туманда табдиркор-деҳқон сифатида яхши билишади. Тажрибали томорқачи 15 сотих жойдан 2-3 марта ҳосил олади. Деҳқончилиكنинг илмий асосларига таяниб, мунтазам мўл ҳосил



лигига эътибор қаратаман. Ниҳолларни соғлом, биологик тўқ, илдизларини бақувват қилиб етиштириш бош мақсадим, — дейди тажрибали соҳибкор.

— Юртимизда интенсив мевачиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда, — дея гапида давом этади Исмоил ака. — Ҳозирда мевачиликда паст бўйли пайвандтагларда ўстирилган ва айниқса, кучсиз ва кучли ўсадиган пайвандтагларда шох-шаббаси ясси (елпиғичсимон) шаклда ўстирилган боғлар энг истиқболли ҳисобланади. Интенсив боғлар илғор агротехника усулларини (сув-оziқ режими, мевали дарахтларга махсус шакл бериш ва буташни) ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштиришни талаб этади.

Таъкидлаш жоизки, бу боғларда қўлланиладиган парваришлаш табдирлари оддий боғлардагидан фарқ қилади. Интенсив боғларда дарахт кўчатлари қатор оралари 3,0-3,5 м, туп ораси эса 0,9 м қилиб экилиб, бир гектардаги туп сони 2800 тагача бўлади, эски ба-

етиштиради. Бундан ташқари, хонадонда чорвачилик ҳам кенг йўлга қўйилган. 4 та соғин сигирининг ҳар бири йил давомида ҳар куни 15-20 литрдан сут беришини ҳисоблаб кўринг. Даромад шунга яраша бўлмоқда.

— Ягона мақсадим, — дейди томорқачи-табдиркор, — бозорларимиз тўкинлигига хизмат қилиш, жаннатмонанд юртимиз ноз-неъматларининг ўзга ўлкаларга экспортини йўлга қўйишдан иборат.

Томорқачиларга, қолаверса, деҳқон-фермерларимизга уруғ етиштиришдаги 40 йиллик тажрибаларимга таяниб, маҳаллий сабзавот навларини экишни тавсия қиламан. Мазкур навларнинг ҳосилдорлиги хорижникидан қолишмагани ҳолда лаззатли, тез пишади ва тез ҳазм бўлади, таркиби фойдали элементларга бой. Қишлоқ ҳўжалиги, хусусан, деҳқончиликка эътибор, имкониятлардан янада кўпроқ фойдаланишимиз лозим. Зеро, бу давр талабидир.

Ўз мухбиримиз.

ҲАМ ХЎЖАЛИК, ҲАМ МАҲАЛЛА РАҲБАРИ

Ибодат Йўлдошева Асака туманидаги "Кўҳна дала сардори" кўп тармоқли фермер хўжалиги бошлиғи, Файзобод маҳалла фуқаролар йиғини раиси. 2010-2014 йилларда Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутати бўлган, "Фидокорона меҳнатлари учун" ордени ҳамда "Шуҳрат" медали соҳибаси.

— Қишлоқ хўжалигида самарали меҳнат қилиб, донгдор деҳқон бўлган падари бузрукворим Зоҳиджон ота "Сен менинг йўлимни давом эттирасан, қишлоқ хўжалигида ишлайсан", дер эди. Отамнинг истак ва орзуси мени Андижон пахтачилик институтига етаклади. Олий ўқув юртини тугатиб агроном бўлдим. Дастлаб хўжаликда турли вазифаларда ишлаб, истиқлол туфайли фермер хўжалиги ташкил этдим.



— Бугун қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ва сифатли ҳосил кўтариб, режаларни ортиғи билан уддалаётган пешқадимлар сафидаман, — дейди Ибодат Йўлдошева.

— Фермер хўжалиги ташкил қилган дастлабки кунлардан бошлаб отамнинг ўғитлари, олийгоҳда олган сабоқларим, деҳқончиликка бўлган меҳр ҳамда илғор тажрибаларга таяндим. Асосий эътиборимни хўжаликнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, ерларнинг тупроқ унумдорлигини оширишга қаратдим, — дея сўзида давом этди фермер. — Богимизга шафтоли, олча, бодом ва гилоснинг энг сара, маҳаллий шароитга мос, пакана, ярим пакана навларини эккан эдик. Бугун уларнинг бари мева бера бошлади. 2012 йилда 2 гектар майдонга японлар таърифи бўйича "Олтин дарахт" — хандон писта эдик. Кўриб турганингиздек, бугун кўкка бўй чўзди, ўтган ҳосил нишонлари кўринди. 2017 йилда ҳар гектар ердан 70 центнердан галла хирмони уйдик.

Суҳбатдошимизнинг фикрича, қишлоқ хўжалигида юксак кўрсаткичларга эришиш учун бошқа соҳалардаги каби фан ютуқларидан кенг фойдаланиш талаб этилади. Ҳозир бугун дунёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам иқлимнинг иссиқ тенденцияси кузатилаётган. Айниқса, сўнгги ўн йилликда иқлим ўзгариши билан боғлиқ салбий ҳодисалар туфайли ер юзиде сув ресурслари

танқислиги кузатилаётган. Шу сабаб, хусусан деҳқон-фермерлар олдида ресурстежамкор технологиялардан кенг фойдаланиш бош вазифа бўлиб турибди.

Мақоламиз қаҳрамони Ибодат Йўлдошева раислик қиладиган Файзобод маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 52 гектарлик майдонда 920 та хонадон бўлиб, 4923 нафар киши истиқомат қилади. Уларнинг томорқалари 23 гектарни ташкил этади. Эндиликда, қатор хонадонларда, жумладан, Муҳаммадjon Сиддиқов, Маликаxон Пўлатова, Гулсиной Жумабоева ва Ҳамидулла Усмонов эгалигидаги томорқаларда ҳар сотих ердан 5-8 млн. сўмдан даромад олинмоқда. Мазкур хонадонларда ишчи ўринлари яратиш мақсадида оилавий корхоналар ташкил этилган.

— Маҳалла аҳли, хўжалик ишчилари фаровонлиги кўп жиҳатдан бизнинг ҳаракатимиз билан баҳоланади, — дейди маҳалла раисаси. — Улар билан ҳамдард, ҳамнафас бўлиб яшаш бош мақсадимиз ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳам фермерликни, ҳам маҳалла фуқаролар йиғинини моҳирона бошқариб келаётган, ҳалол ва шижоатли меҳнати билан эл олқишини олаётган Ибодат Йўлдошева каби ташаббускор тadbиркорлар бор экан, юртимиз гуллаб-яшнайдеради, халқимиз дастурхони тўкин-сочин бўлаверади.

ИЗЛАНГАНГА ТОЛЕ ЁР

Юртимизда илм-фан ютуқларига таяниб, илғорлар тажрибаларидан фойдаланиб томорқасидан яхшигина даромад олаётган хонадонлар сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Тойлоқ туманининг Сочак қишлоғида яшовчи Тамара опа Ҳамроқулова ана шундай хонадон соҳибаларидан бири.

Ўрта мактабни тугатгандан сўнг оилада қишлоқ хўжалигига, тўғрироғи томорқага бўлган эътибор Тамара опани Мичурин номидаги Самарқанд қишлоқ хўжалик техникумига етаклади. Ўқув юртини тугатгач, бир неча йил хўжаликда ҳисобчилик қилди. 2006 йилда эса "Акмал Ёрқин келажоғи" фермер хўжалигини ташкил этди.

— Аввал томорқамизда амалга оширган ишларимиз ҳақида икки оғиз гапириб ўтсам, — дейди изланувчан томорқачи. — Томорқамиз 6 сотихдан иборат. У ерда мева кўчатчилиги, сабзавот, полиз экинлари уруғчилиги билан шуғулланамиз. Яқинда 3 сотих жойда иссиқхона бунёд этиб, цитрус мевалар кўчатчилигини йўлга қўйдик.

Табиатан тиришқоқ, янгиликка интилувчан қаҳрамонимизнинг мўъжазгина мева кўчатзориде мевали да-

рахтлар ва узумнинг бозорбоп, экспортбоп навлари агро илм асосида парвариш қилинмоқда.

— Бугун ҳар ким деҳқончиликдан, томорқа илмидан хабардор бўлгани яхши. Айниқса, уйда ўтирган хотин-қизларимиз бу илмни эгалласа, рўзғори фаровон бўлади, — гапида давом этди Тамара опа. — Масалан, ота-онамдан мевали дарахтлар ва токка шакл беришни, пайвандлашни, сабзавот, полиз экинлари уруғчилигини, шунингдек, зироатчилик сирларини ўрганганим бугун менга асқотаяпти. Асосийси, доимо ўз билим ва тажрибамни ошириб бораман. Бир пайтлар ерларимнинг катта қисми тоқзорлар бўлишини орзу қилардим. Бугун хўжалигимиздаги мавжуд 9 гектар ерга узумнинг кишмиш нави экилган. Жорий йилда ундан 270 тонна ҳосил олдик. Тайёрланган майизни 100 фоиз экспорт қиламиз.

Тамара Ҳамроқулова каби фидокор томорқачилар, фермерлар бор экан, юртимизда тўкинлик, фаровонлик ҳукм сураверади.

Ўз мухбиримиз





ИСМАЛОҚ (ШПИНАТ)

Исмалоқ шўрадошлар оиласига мансуб, бир ёки икки йиллик ўт - ўсимлик. Ўзбекистонда кенг истеъмол қилинади ҳамда халқ табобатида исмалоқнинг "Полиз" ва "Туркистон исмалоғи" турларидан фойдаланилади.

Овқатга исмалоқнинг барги ишлатилади. Қайнатиб пиширилган ҳолда ҳамда янги узилган баргидан салат тайёрланиб бошқа сабзавотлар билан бирга овқатга қўшиб истеъмол қилинади.

"Полиз исмалоғи" таркибида қандлар, органик кислоталар, флавоноидлар, кўп миқдорда йод, калий, натрий, темир, кальций, магний, фосфор ва бошқа тузлар ҳамда бирикмалар бор. Унинг қиммати яна шундаки, таркибида алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталарни сақловчи оксил ва поливитаминлар, мойлар, углеводлар мавжуд. Шунингдек таркибида кўп миқдорда С, Е, К, Р, РР, В гуруҳи витаминлари, провитамин А бор. Исмалоқ таркибидаги хлорофилл кимёвий таркиби бўйича қондаги гемоглобинга яқин. Секретин эса ошқозон шарбатининг ажралишига мойиллик қилади. Шунинг учун ушбу экин диетик ва болалар овқатида парҳез таом сифатида тавсия қилинган.

Халқ табобатида исмалоқ ўпка сили, гипертония, қон касалликларида, қандли-диабет, болаларнинг рахит касаллигида шифобахш парҳез таом сифатида истеъмол қилиш тавсия қилинади. Унинг барги осон ҳазм бўладиган темир бирикмаларга бой. Шунинг учун ҳам камқонликда, сурункали қабзиятда ва газ йиғилиб, корин дам бўлганда жуда фойдалидир.

Исмалоқдан витамин концентрациялари олинади. Унинг барги оксалат кислотасига бой бўлиб, барги таркибидаги оксалат кислотанинг миқдори картошкага қараганда 8 маротаба, помидорга қараганда 64 марта кўп. Подагра, жигар ва

буйрак касалликлари билан оғриган беморларга уни истеъмол қилиш тавсия этилмайди.

Биологик хусусиятлари ва яшаш шароитига талабчанлиги.

Илдиз тизими кучсиз ривожланган бўлиб, тупроқ қатламининг 20-25 см чуқурлигида жойлашган. Техник етилган босқичда ўтсимон поя ва 8-10 дона йирик узунчоқ — овал — тухумсимон ёки думалоқ гўштдор барглари шаклланади.

Эркак ўсимликда барглари кам бўлиб, олдин гуллайди ва гуллагандан сўнг нобуд бўлади. Ургочи ўсимликнинг барглари йирик. Ундан ташқари, унда кулранг мева — ёнғоқча пайдо бўлади.

Исмалоқ совуққа чидамли экин ва 8°C совуққа чидайди. Унинг ўсиши ва ривожланиши учун қулай ҳарорат 15-18°C ҳисобланади. Ҳарорат 20°C дан ошганда ўсимлик тезда гулдор поя ҳосил қилади. Тупроқда намлик етишмаса ва ҳаво қуруқ бўлса, ўсимликда тез кунда қаришга мойиллик пайдо бўлади.

Узун кунда исмалоқ туббарг пайдо қилмасдан биратўла поя ҳосил қилади. Лекин ёруғлик энергияси етишмаса, унинг ўсиши секинлашади ва баргларида витаминлар кам йиғилади. Механик таркиби энгил, органик моддаларга бой тупроқ улар учун афзал ҳисобланади.

У жуда тезпишар ўсимлик. Ниҳоллар пайдо бўлгандан сўнг техник етилиши учун 25-30 кун керак бўлади, уруғи 80-100 кунда пишиб етилади.

Нави битта, у ҳам бўлса "Нафис" 2001 йилда бутун республика бўйича районлаштирилган.

Парваришlash. Исмалоқ очик ва химоя қилинган ерларда етиштирилади. Улар учун помидор, бодринг, кўкат, сабзавотлар яхши ўтмишдош экин ҳисобланади. Кўп

ҳолларда унга алоҳида ер участкаси ажратилмайди. Эрта баҳорда ҳовлининг бир чекасига 4-5 м² ерга экиб қўйилади ёки эрта экинлардан бўшаган ерларга ҳам экса бўлади.

Уни эрта баҳордан бир неча маротаба ҳар 25-30 кунда экса бўлади. Август ўрталаридан то 10 декабргача тўқсонбости муддатда қайта экиш мумкин. Ерни чопишдан олдин 1 м² ерга 5-6 кг чириган гўнг, 200 г кул ва 50-60 г минерал ўғит солинади. Баҳорда экилгани ёзда истеъмол қилинади. Августдагиси кузда, кеч куздагиси қишда ҳарорат 12°C дан юқори бўлса, қиш давомида ундан фойдаланилади.

Экиш учун сараланган йирик уруғлар танлаб олинади. Ниҳолларнинг униб чиқишини тезлаштириш учун уруғи 1-2 сутка ивителиди. Суви бир неча марта алмаштирилади. Енгил тупроқларда исмалоқ кўпқаторли лентасимон усулда, ленталар ораси 70 см, қаторлар ораси 20 см. (70-20-20 см.) ёки икки қаторли (50-20 см.) ёки пушта устига сочма усулда ҳам экилади. Уруғни экиш чуқурлиги енгил тупроқларда 4 см, оғир тупроқда 2-3 см. Уруғ сарфи 1 м² ерга 2,5-4 г. Уруғ экилгандан 8-10 кундан кейин ниҳоллар пайдо бўлади.

Исмалоқни парваришlashда қатор ораларини доимо саёз юмшатиб туриш, бегона ўтлардан тозалаш, суғоришдан иборат. Битта чин барг пайдо бўлган босқичда ўсимликда 8-10 см. оралик қолдириб яғана қилинади. 3-4 суткадан кейин 10 л. сувга 5-10 г. мочеина ва 15-20 г. хлористий калий тузи билан озиқлантирилади.

Ҳосили танлаб йиғиштирилади, олдиниға тупбаргида 6-10 та барглари бўлганда 1-барг остидан эркак ўсимликлар йиғиштирилади. Уни эралаб ўсимлик барги яхши тараф бўлган пайтда йиғиштирган маъқул. Уруғи ёппасига экилганда ўсимликда 4-5 чин барг пайдо бўлганда ўроқ билан ўриб олса ҳам бўлади. Ҳосилдорлиги 1 м² ердан 1,5-2,5 кг. бўлади.

Паст -2-3°C ҳароратда ва ҳавонинг нисбий намлиги 95% бўлганда исмалоқ барги 5-7 сутка ичида яхши сақланади, пакетга солиб - 10°C соvuтилганда 3 ойгача сақланади. Кеч кузда йиғиштириб олинган ўсимликлар боғлам қилиб сақланади. Истеъмол қилишдан олдин кўкат совуқ сувга солинади, бунда биринчи ҳолатдаги кўриниши тикланади.

Б.АЗИМОВ,
Профессор СПЭВАКТИИ.

**Деҳқонобод калийли
ўғитлар заводи унитар корхонаси
жамоаси**



**Диёримиз аҳлини меҳр-саховат
рамзи бўлиб кириб келган
2018 йил — Фаол тадбиркорлик,
инновацион ғоялар ва технологияларни
қўллаб-қувватлаш йили билан чин дилдан
табриклайди. Мамлакатимиз
фаровонлиги йўлида меҳнат қилаётган
аграр соҳа вакиллари, бободехқон ва
фермерларнинг хайрли ишлари бароридан
келишини тилайди!**

ИЛМ ВА АМАЛ МУШТАРАК

Бу таълим муассасаси 1955 йилда механизация билим юрти, кейинчалик қишлоқ хўжалиги хунар-техника билим юрти, 1995 йилда хунар-техника лицейи, 1999 йилдан Булунғур қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи сифатида фаолият кўрсатиб келади. Коллеж истиқлол йилларида Республика ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда Япония мамлакати кредити, Швейцария ҳукуматининг бегараз ёрдами ҳамда қатор мутасадди идоралар кўмагида таълим стандартлари талабларига жавоб берадиган замонавий ўқув масканига айланди.



Коллежда 10936 китоб фонди, замонавий мультимедия, электрон, видео дарслик ва қўлланмаларга эга бўлган, "ZiyoNet" интернет тармоғига уланган Ахборот-ресурс маркази фаолият кўрсатмоқда.

Таълим муассасаси коллеж мақомига эришгандан то бугунга қадар уни 6000 нафардан зиёд ёшлар тамомлаб, ҳозирги кунда уларнинг барчаси халқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият олиб боришмоқда.

Коллежда айни пайтда 12 касб бўйича кичик мутахассислар тайёрланяпти.

— Юртимизда Янги йил - барчамиз учун муборақ байрам шуқуҳи кезиб юрибди. Шукроналикнинг меваси сифатида яратилган имкониятларга таяниб, таълим сифатини янада яхшилаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди илм маскани раҳбари Муроджон Намозов. — "Дўстлик" ордени нишондори Райимқул Хўжамуродов "Ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш лойиҳаси" доирасида Япония ҳамкорлик банкнинг UZB-P6 имтиёзли кредити асосида кунчиқар юртда малака ошириб келди.

Коллеж ўқувчилари вилоят ва республикада ўтказилаётган танловларда фаол иштирок этиб кел-

Каримов каби ўқувчилар спорт турлари бўйича ўтказилган республика, вилоят, туман мусобақаларида фахрли ўринларни эгалладилар.

Коллежда 2017-2018 ўқув йилида 921 нафар ўқувчига 52 нафар ўқитувчи, шундан 30 нафари умумтаълим, 22 нафари махсус фан ўқитувчилари, шу жумладан, 19 нафари ишлаб чиқариш таълими усталари таълим-тарбия бериб келмоқда. Қувонарлиси, 2017 йилда Президентимизнинг Фармони билан коллежнинг гидромелиоратив машина-жихозлар тузилиши бўйича махсус фан ўқитувчиси, 2012 йил "Шуҳрат" медали билан мукофотланган Турғун Холжигитов "Меҳнат шуҳрати" ордени билан тақдирланди.

Ўқувчилар амалиёт ўтишлари ва келгусида ишга жойлашишлари учун "корхона-коллеж" ҳамкорлиги доирасида "Булунғур МТП" АЖ, "Булунғурсув-махсуспудрат" ДУК, Булунғур қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими, "Афросиёбмева" қўшма корхонаси, "Булунғурнинг меваси" мева қуритиш корхонаси, "Мирза-Пай ирригация тизими" бошқармаси, Булунғур сув истеъмолчилари уюшмаси, "Булунғур мега-шоу автотўловчи ташиш" хусусий корхонаси каби 40 дан ортиқ корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорлик шартномалари имзоланган.

Тажрибали мураббий Турғун Холжигитовнинг ташаббуси билан "Гидроиншоотлар ва насос станцияларидан фойдаланиш" йўналиши бўйича коллежларда ўқитиладиган намунавий ўқув дарстури ишлаб чиқилган. Касб-хунар коллежларида иккинчи мутахассислик бўйича таълим олувчилар учун махсус "Гидроиншоотлар ва насос станцияларидан фойдаланиш" йўналиши бўйича намунавий ўқув режасини тайёрлашда ҳам Турғун аканинг муносиб ҳиссаси бор.

Шу кунларда ўқув масканида умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини ислоҳ қилиш бўйича халқимизнинг хохиш-истагидан келиб чиқиб кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Коллеж жамоаси ўқув-тажриба хўжалигида ўқувчиларнинг касбий маҳоратини ошириш билан бирга, мавжуд майдонлардаги қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил етиштириб, эл дастурхони тўқинлигига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Тажриба хўжалигида ўтказилаётган илмий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган тавсиялар ҳудуддаги деҳқон-фермер, томорқа хўжаликларида жорий этилиб, эл-юрт тўқинлигига хизмат қиляпти.

Ўз муҳбиримиз.

Суратда: коллеж ҳаётидан лавҳа.




моқда. Жумладан, "Касб маҳорати" танловида Дилшод Саъдуллаев, Азизбек Норбоев, Жасур Усмонов, "Ишбилармон ўқувчи" стипендияси кўрик-танловида Ойбек Иноятлов, Зебо Саттарова, "Баркамол, соғлом авлод – Ўзбекистон тараққиёти пойдевори" танловида Муножат Жуманова, Моҳигул Абсаломова, шунингдек, Ўғилой Баҳриева Дилмурод Абдуллаев, Алимардон Одилов, Шерзод Ташанов, Бекназар Турдибеков, Бегзод Шукуров, Азамат Мелиқулов, Жаҳонгир Баҳриддинов, Ислон

РАПС — ДАРОМАД МАНБАИ

Рапс универсал экин бўлиб, дунё бўйича экиладиган мойли экинлар умумий майдонининг 9-12% эгаллайди. Ҳозирги кунда рапс 30 млн. гектар атрофида экилмоқда, шунингдек жаҳон бозорларида ўсимлик мойига бўлган талаб ҳам кескин ортган. Бунинг сабабларидан бири ўсимлик мойининг биодизель сифатида ишлатилишидир.

Унинг мойи ишлаб чиқарилиши пальма ва соя мойидан кейинги учинчи ўринда туради. Кўп мамлакатларда асосан мой учун экилади. Хитой, Ҳиндистон, Канада, Франция, Дания, Буюк Британия мамлакатларида рапсдан юқори ҳосил олинади. Ҳозирги кунда энг кўп рапс етиштирувчи давлатлар бу — Хитой, Канада ва Ҳиндистон. Ушбу учта мамлакат дунё бўйича умумий ҳосилнинг 57% етиштирилади.



Рапс мойи озиқ-овқатда ва техникада қўлланилади. Рапс мойи салатларга қўшилади, ундан маргарин, майонез, кондитер мойи ишлаб чиқарилади. Таъмининг сифати бўйича зайтун мойига тенг бўлиб, узоқ муддат ўзининг тиниқлигини сақлайди, ҳавонинг таъсирида ёқимсиз ҳидли бўлиб қолмайди. Чорвачиликда кунжарасидан омукта ем сифатида фойдаланилади. Рапс мойи таркибида кўп тўйинмаган мой кислоталари бўлиб, холестериннинг миқдорини камайтиргани ҳолда организмдаги ёғ алмашилишини тартибга солади, қонда тромб ҳосил бўлишининг, ўсмаларнинг олдини олади.

Мойи пўлатларни тоблашда, сунъий каучук, лак-бўёқлар ишлаб чиқаришда, совун пиши-

ришда ишлатилади. Енгил саноатда сунъий толалар тайёрлашда фойдаланилади. Рапс мойи тери ва жунга ишлов беришда ҳамда туш тайёрлашда қўлланилади. Пояси ва қўзоқчаларидан фурфурол ва целлюлоза олишда ишлатилади. Рапс поясидан (2 дан 6 т/га ча) қоғоз, целлюлоза, картон ва бошқалар тайёрланади. 1 га майдондаги рапсдан 2 тоннагача қоғоз тайёрлаш мумкин. Бундай технология

Буюк Британия ва Венгрия давлатларида қўлланилади.

Йилдан-йилга дунёда рапс мойи озиқ-овқатда ишлатиш учун кенг қўлланилмоқда. Кузги рапснинг уруғи таркибида 38-50% мой, 16-29% оқсил, 6-7% тўқима, 24-26% азотсиз экстрактив моддалар бўлади. Мойи суст қурийдиган, йод сони 94-112. Баҳорги рапснинг уруғида 35-40% мой, 21% оқсил ва 17-18% углевод бўлади. Мойи суст қурийдиган, йод сони 101.

Рапс қишлоқ хўжалик ҳайвонлари учун тўйимли озуқа бўлиб, кўк массаси оқсилга ва кўплаб витаминлар, кальций, фосфор, олтингургурт ва бошқа минерал моддаларга бойдир. Озуқавий қиммати жиҳатидан бедадан қолишмайди, таркибидаги тўқималарнинг мавжудлиги

ва серсувлиги учун топинамбур, кунгабоқар ва маккажўхори силослари каби тўйимлидир. 100 кг уруғидан қайта ишланиб 38-41 кг мойдан ташқари 55-57 кг кунжара олинади, кунжараси таркибида 45% гача оқсил бўлади.

Рапсдан яшил конвейер тизимида эрта баҳордан жуда кеч кузгача фойдаланиш мумкин. У кўк нўхат, жавдар ва сули билан аралаш экилганда оқсил ва углеводларга бой кўк масса тайёрланади. 80% намликдаги 100 килограмм бундай кўк масса таркибида уч килограммгача ҳазм бўладиган протеин мавжуд бўлади. Шоналаш ва гуллаш даври бошида ўрилган кўк массасидан тайёрланган ўт уни қимматли озуқа ҳисобланади. Лекин рапснинг кунжараси ва шротини ҳар доим молларга бериш тавсия қилинмайди, чунки молларда қалқонсимон безни ўстириб юбориши мумкин. Унинг таркибида ҳайвонлар организмга салбий таъсир этадиган глюкозинолатлар ва нитриллар мавжудлиги аниқланган. Нитриллар ҳайвонларнинг ўсишига салбий таъсир кўрсатади. Уни зарарсизлантириш учун кўплаб технологик қайта ишлаш талаб қилинади.

Уруғ ҳосили 1,5-2,5 т/га, кўкат ҳосили 15-25 т/га. 100 кг кўкатида 4 кг оқсил ва озуқа бирлиги бўлади. Бир озуқа бирлигига 180-190 г оқсил тўғри келади. Бир гектар майдонга рапс экилганда 10 центнер мой, 5-6 центнер озуқа оқсил ва 1 центнергача асал олинади.

Ўзбекистонда рапс оралиқ экин сифатида кўк масса олиш учун экилади. Ўсув даврининг давомийлиги бўйича рапс икки хил бўлади: бир йиллик ёки баҳорги ва икки йиллик ёки кузги шакли деб ҳисобланади. Кузги рапс ташқи муҳитга талабчан. Кузги рапс қор кўп ёққан, жуда совуқ бўлмайдиган шароитда яхши қишлаб чиқади. Баҳорги рапс кенг тарқалиши мумкин. Унинг ҳосилдорлиги ва мойлилик даражаси кузгига нисбатан паст. Рапс узун кунли ўсимлик. Баҳорги рапс (кольза) - бир йиллик ўсимлик. Ўсув даври 95-110 кун. Уруғи 1-3°C да униб чиқади, 9-12°C да 5-7 кунда униб чиқади. Биринчи 20-30 кунда секин ўсади. Ўсиши учун 18-20°C, гуллаши ва уруғи етилиши учун 23-25°C иссиқлик талаб қилинади.

Ўсув даврида талаб қилинадиган фойдали ҳарорат йиғиндиси 1700-



2100°C ни ташкил қилади. Баҳорги рапс совуққа чидамли: майса -3-5°C, етилган ўсимлик эса -8°C гача совуққа бардош беради. Баҳорги рапс намсевар. Сувни шоналаш даврида кўп талаб қилади. Бу даврдаги қурғоқчилик ҳосилга салбий таъсир кўрсатади. Баҳорги рапс тупроққа талабчан эмас, яъни нордон тупроқларда етиштириш ҳам мумкин.

Кузги рапс яровизация қилинса, (30-40 кунда 2°C ҳароратда) яхши ҳосил беради. Кузги рапснинг ўсув даври 280-300 кун. Майса 5-7 кундан кейин кўринади. 5-10 кундан кейин ҳақиқий барг ривожланади.

Баҳорги рапс эрта ўса бошлайди, баҳорда ўсиш бошланишидан 10-20 кундан кейин шоналаш даври бошланади. Шоналаш даври 20-25 кун давом этади, кейин гуллаш даври бошланади. Гуллаш даври ҳам 20-25 кун давом этади. Гуллашдан 20-25 кундан кейин ҳосил пишиши қайи қилинади.

Рапс табиий шароитда кузги чиниқиш жараёнини ўтгач, ўсимлик қишда 1,5-2,0 см чуқурликда -12-14°C совуққа чидайди. Қор тагида (5-6 см) кузги рапс -23-25°C совуққа бардошли. Кузги рапс баҳорда 3-4°C да ўсишни бошлайди. Кузги рапс сувга талабчан. Сувга талабчан даври — шоналаш, гуллаш, уруғнинг тўлишиши вақтидадир. Транспирация коэффиценти — 330-600. Тупроққа чидамли. Унумдор, говак туп-

роқларда яхши ҳосил етилади. Рапс озуқага талабчан: 1 т. уруғ етиштириш учун 50-60 кг азот, 23-35 кг фосфор, 40-68 кг калий, 40-70 кг кальций, 14-22 кг магний, 40 кг олтингугурт талаб қилади.

Касаллик ва зараркунандалари: Оқ доғ — халқали доғ, цилиндропориоз, ботридиоз, склеротиниоз, Фомоз.

Альтернариоз ёки қора доғ касаллиги ўсимликнинг пояларида ва кўзоқчаларида учрайди. Касаллик аввал доғ шаклида бўлади. Касалликни замбуруғлар чақиради. Бу замбуруғ фақат карамгуллар оиласига мансуб ўсимликларда учрайди. Уруғларда ўсимлик қолдиқларида ва тупроқда замбуруғ қиш-лаб қолади ҳамда тарқалади.

Етиштириш агротехнологияси.

Рапс учун ўтмишдош: тоза ва банд шудгор, бир йиллик ўтлар, силосбоп экинлар, дон экинлари ҳисобланади. Рапсни хантал, мойли шолғом, карам ва бошқа карамдошлар оиласига мансуб ўсимликлардан кейин экиш тавсия қилинмайди. Бир марта экилган ерга 3-4 йилдан кейингина қайта экилиши мумкин. Рапсни қанд лавлагига билан алмашлаб экиш мумкин эмас, чунки нематода кўпаяди.

Экиш усули: — ёппасига қаторлаб ёки кенг қаторлаб, қатор ораси 30, 45, 60 см схемада етиштирилади. Кузда бир гектарга 1,1-1,5 млн

дона уруғ экилади, энг мақбул туп сони - бир квадрат метрда 80-120 та ўсимлик бўлса мақсадга мувофиқдир, баҳорда эса 60-100 та, экиш чуқурлиги 2-3 см, кузги дон экинларидан бир ҳафта олдин экилади.

Экилгандан кейин мола бостирилади. Ўсимликда 4-5 та чинбарг ривожланганда боронланади. Кенг қаторлаб экилганда биринчи культивация иккита чинбарг ривожланганда ўтказилади. Совуқ бошлангунча яна бир культивация ўтказилади. Баҳорда ёппасига қаторлаб экилган экинзорда борона қилинади, кенг қаторлаб экилганда культивация қилинади.

Бегона ўтларга қарши майсаланниш даврида борона қилинади. Кенг қаторлаб экилганда қатор ораси культивация қилинади. Касаллик ва ҳашаротларга қарши кузги рапс экинида қўлланадиган кимёвий воситалар, шунингдек, машина ва комбайнлар баҳорги рапсда ҳам ишлатилади.

Рапснинг етилиши ҳар хил вақтда кузатилади. Ҳосил бир ёки икки босқичли усулда дон комбайни ёрдамида йиғилади. Етилганда меваси оч жигар ранг, уруғи тўқ жигар ранг ёки қора рангли бўлади. Сақланадиган уруғнинг намлиги 8% дан ошмаслиги талаб қилинади.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази олимлари томонидан тайёрланди.



Халқимизни, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларини ва аграр фани фидойиларини

Янги – 2018 йил

билан самимий муборакбод этамиз.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази жамоаси



«AnGuzal Agroservis» ХК

Халқимизни, мамлакатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшаётган деҳқону фермерларимизни, Янги — Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили билан самимий қутлаймиз! Оилаларга бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик тилаймиз.



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЭКИНЛАРИНИ ЗАРАРЛИ ҲАШАРОТЛАРДАН ВА КАСАЛЛИКЛАРДАН ҲИМОЯЛАШ УЧУН МИКРОБИОЛОГИК ПРЕПАРАТЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
(очиқ ва ҳимояланган тупроқда қўлланиш учун)



СПОРАГИН

Тизимли микробиологик фунгицид

Ўсимликларни замбуруғли ва бактериал касалликлардан, шунингдек, пахта, буғдой, сабзавот-мева ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини қуйидаги барг ва илдиз касалликлари мажмуасидан ҳимоя қилиш учун қўлланилади: илдиз чириши; фузариоз; вертицилл; фитофтороз; альтернариоз; церкоспороз; унсимон шудринг; пероноспороз; парша; монилиоз; кулранг чириш; занг; бактериоз-бактериал куйиш; бактериал саратон; некрозлар.

ПРЕТИЖ

Микробиологик инсектицид

Ҳашаротга ва унинг ичагига таъсир этувчи препарат

Экинларни: оқлашша, барг қурти, қўсақ қурти капалаги, куя, ялтироқ қурт, ўрмаловчи қурт (шу жумладан, узумбошга тушувчи), мевахўр, одимчи қурт, ипак қурти, ўсимлик бити, ўргимчаксимон кана каби ҳашаротлардан ҳимоя қилиш учун қўлланилади.

ПЛАНТАСТИМ Фунгицид хусусиятли микробиологик биокучайтирувчи препарат

Ўсимликларнинг ривожланиши ва озикланишини,

барча қишлоқ хўжалик экинларини вегетация бошидан охиригача яхшилаш учун махсус ишлаб чиқилган. Уруғларнинг униб чиқиши ва ўсимликлар ўсишини тезлаштириш учун самаралидир. Ўсимликларнинг илдиздан озикланишини кучайтиради, ўсишнинг бошланғич босқичларида бақувват илдиз тизими ривожланишини таъминлайди, илдиз патогенларидан ҳимоя қилади.

Тупроқни ва ўсимликларни касалликка микробиологик анализ қилиш.

Тупроқни микроэлементларга ва Ph га текшириш.

ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ВА ЭКОЛОГИК ТОЗА ҲОСИЛ!

ПРЕПАРАТЛАРИМИЗ ҲОСИЛДОРЛИКНИНГ 20-40% ОШИШИГА ҚЎМАКЛАШАДИ.

Тел.: (+998 90) 906-72-99, 977-27-16, (+99893) 580-71-71;

E-mail: anguzal@mail.ru

Маҳсулот сертификатланган

Хизматлар лицензияланган

ЧОРВАДОР ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ВА ШАХСИЙ ХЎЖАЛИКЛАР УЧУН ОЗУҚАЛАРНИ МАЙДАЛАШ ҚУРИЛМАСИ

This article is given machine name called UIK 1 which grinding of forage for livestock farms and its advices for use.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти олимлари томонидан чорвадор, фермер, деҳқон ва шахсий хўжаликлар учун зоотехник талабларга қўра чорва моллари турларига қараб мос равишда озуқаларни керакли ўлчамда майдалаб берадиган ихчам қурилма ишлаб чиқилди.

Синовлардан олинган натижалар жадвалда келтирилган.

Озуқаларни майдалаш қурилмаси 2016 ва 2017 йилларда Ўзэкспомарказда ўтказилган "Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар" IX ва X республика ярмаркаларида фаол иштироки учун Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фахрий



Озуқа майдалаш қурилмаси кўриниши

Жадвал
Озуқаларни майдалаш қурилмасининг дастлабки давлат синовлари натижалари

№	Кўрсаткичлар номи	Кўрсаткичлар қиймати	
		АТТ бўйича	Тажриба кўрсаткичлари сомон
	Сана		14.05.2017 й
	Иш режими:		
	Қирқувчи пичоқлар сони, дон		9
	Шу жумладан:		
	- Бирламчи майдалаш		Майдаловчи шнек ва қарама-қарши қирқиш пластинаси
	- Қайта майдалашда:		
	- қўзғалувчан;		7
	- қўзғалмас		7
	Иш сифат кўрсаткичлари:		
	Майдаланган массанинг фракция таркиби — силос учун %.		
	8,0 см гача	80	75
	8—15 см	5-15	5-20
	15 см дан катта	5 дан кам	5 дан кам

Қурилма юклаш бункери, ишчи камера, корпус, винтли бирламчи қирқиш аппарати, иккиламчи майдалаш аппарати, тўкиш нови ва юритмадан тузилган.

2016 йили МКБ "Трактор" Унитар корхонасида озуқаларни майдалаш учун қурилманинг тажриба нусхаси ишлаб чиқилди ва Тошкент вилояти Бўка тумани "Саркор" фермер хўжалигида кенгайтирилган хўжалик синовлари ҳамда 2017 йилда Ўзбекистон қишлоқ хўжалик техника ва технологияларни сертификациялаш ва синаш давлат маркази (ЎзҚТТСДМ)да дастлабки давлат синовларидан ўтказилди.

ёрлиғи ва Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар агентлиги сертификати билан тақдирланган.

Озуқаларни майдалаш қурилмасининг агротехник кўрсаткичларини баҳолаш ЎзҚТТСДМ да сомонни майдалашда баҳолаш ўтказилди. Тажрибалар атроф-муҳит ҳарорати +27°C да, нисбий намлик 78% да ўтказилди. Сомоннинг бошланғич фракцион таркиби, ўлчамлари 10-30 см - 40%, 5-10 см - 45% ва 30 см дан юқори - 15% ни ташкил этди. Озуқаларни майдалаш қурилмасида майдалан-

ган сомон фракцияларининг асосий қисми 80%—8 см. гачани ташкил этди.

Озуқаларни майдалаш қурилмасини чорвачилик билан шуғулланувчи кичик фермер, деҳқон ва шахсий хўжаликларда қўллаш мумкин. Нисбий энергия сарфи кам, чорва молларининг турига қараб озуқаларни майдалаш узунлигини ростлашни иккиламчи майдалаш аппаратида қўзғалувчан пичоқларнинг қўйилиш бурчагини ўзгартириб ростлаш имкони мавжуд ҳамда пояли ва илдиз-мевали озуқаларни, ўсимликлар қолдиқларини, озиқ-овқат қолдиқларини майдалашларда қўллаш мумкин. Ушбу озуқа майдалогич Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг FAP № 00558 "Озуқаларни майдалаш учун қурилма" номили фойдали моделга патент билан ҳимояланган.

Д.АЛИЖОНОВ,

т.ф.н., доцент, ТИҚХММИ,

Б.ШАЙМАРДОНОВ,

т.ф.д., профессор, ЎзҚТТСДМ бош директори,

Я.ЖУМАТОВ,

ассистент ТИҚХММИ.

АДАБИЁТЛАР

1. Отчёт №2-2017 по определению функциональных показателей измельчителя кормов УИК-1 по договору № 296-2016 (ИС) от 22.11.2016 г.// Уз ГЦИТТ- Тошкент: Гульбахар, 2017. -13 стр.
2. Алижанов Д. ва бошқ. FAP № 00558 "Озуқаларни майдалаш учун қурилма" //Ўзбекистон Республикаси фойдали моделлар давлат реестрида 10.06.2010 йилда Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтказилган.

КОМБИНИРОВАННОЕ ОРУДИЕ ДЛЯ ПОСАДКИ СЕЯНЦЕВ ФИТОМЕЛИОРАНТОВ

In this article, the state and the main factors leading to the degradation of pastures of Uzbekistan are considered. To solve this problem, the technology and planting scheme are proposed, and a constructive scheme of combined soil-processing and landing gear for its implementation is developed.

Аридные пастбища Узбекистана, занимающие свыше 80% сельскохозяйственных угодий, имеют низкую продуктивность и отличаются большой амплитудой колебания урожая кормов по годам и сезонам. Здесь ежегодно содержатся десятки миллионов овец, крупного рогатого скота и других сельскохозяйственных животных. Однако эти угодья используются экстенсивно: преимущественно как естественные пастбища с нестабильным и малопродуктивным растительным покровом. Попытки интенсификации пастбищного землепользования без применения соответствующих мелиоративных мероп-

ков или посадка их семян (саженцев). Однако, улучшение пастбищ с помощью посева семян фитомелиорантов требует значительно долгое время для включения ее к использованию. Кроме того, посев семян фитомелиорантов в основном осуществляется вручную, частично практикуется использование зернотравяных сеялок, которые не приспособлены для посева семян фитомелиорантов.

Существует комбинированное орудие для посева семян фитомелиорантов в аридных зонах Узбекистана, который состоит из двух функциональных частей. Орудие испытано в условиях аридной зоны расположенного в Нуратинском районе. Однако, орудие до сегодняшнего времени не внедрено в производство.

Анализ результатов отечественных и зарубежных исследований свидетельствует, что наиболее приемлемым методом улучшения пастбищ является узкополосная обработка почвы с применением комбинированных агрегатов и посадка семян фитомелиоративных растений в эти полосы.

Исходя из этого, авторами предлагается ресурсосберегающая, природоохранная технология на основе полосной обработки почвы и посадки семян (саженцев) фитомелиорантов, а также разработан и проведен лабораторные исследования комбинированного почвообработавше-посадочного орудия для ее осуществления. В качестве посадочного материала используются сеянцы (рассады фитомелиоративных растений, полученные путем посева семян и предназначенные для их последующей посадки в улучшаемых участках пастбищ) фитомелиоративных растений.

Секция комбинированного почвообработавше-посадочного орудия (рис.) содержит раму 1, прикрепленную к ней рыхлителя 2, полкой для семян 3, сиденье для оператора 4, зажима 5, цепной передачи 6, уплотняющего катка 7, лекала 8, сошника 9, бороздочек 10. Секция крепится к несущей раме агрегата параллелограмной навеской 11.

Секция работает следующим образом. При движении агрегата бороздочек 10 прорезает задерненный слой почвы и оборачивает ее в стороны, образуя бороздку, за ним рыхлитель 2 обрабатывает почву на требуемую глубину, в результате чего образуется обработанная полоса почвы для посадки семян. Сошник 9, двигаясь по обработанной почве, образует открытую бороздку. Зажимы 5 закрепленные на цепной передаче 6, движение которой приводится через промежуточные передачи от опорных колес орудия, приближается к узкому проёму лекала 8. Оператор, сидя на сиденье 4, берет сеянца из полки 3 и устанавливает на зажим 5 и удерживает до полного смыкания. Зафиксированный сеянец в зажиме 5 опускается в образованную сошником 9 бороздку и удерживается в вертикальном положении до заделки и уплотнения прикатывающими катками 7 для связки между корневой системой и почвой. После уплотнения зажим 5 освобождает сеянец от захвата путём плавного расширения проёма лекала 8.

Применение предлагаемого орудия позволяет за один проход выполнить полосную обработку, образование бороздки, посадки семян и их заделку. Обработанная часть почвы при ширине междурядья 60-90 см и ширине полосы 15 см составляет 15-25%, пастбища между полосами сохраняется 75-85%. Посаженные фитомелиоративные растения способствуют повышению урожайности пастбищ, предотвращает от ветровой и водной эрозии почвы.

Предлагаемая технология и комбинированное орудие защищена патентом на изобретение. В настоящее время проводятся лабораторные и полевые испытания данного комбинированного почвообработавше-посадочного орудия.

И.ЭРГАШЕВ,
д.т.н., профессор,
Б.ТАШТЕМИРОВ,
соискатель,
Х.ПАРДАЕВ,
соискатель,
Ф.КОДИРОВ,
магистр, СамСХИ.




Рис. Конструктивная схема комбинированного почвообработавше-посадочного агрегата

приятий в этой зоне приводят к деградации.

Вместе с тем, накопленный наукой и практикой опыт по улучшению пастбищ свидетельствует о том, что интенсивное использование с применением эффективных технологий улучшения предотвращает деградацию пастбищ, способствует восстановлению экологического и биологического потенциала деградированных ландшафтов, повышает продуктивность кормовых угодий в 1,5-2 раза, улучшает условия содержания и кормления животных.

Одним из эффективных приёмов улучшения пастбищ в аридных зонах является фитомелиорация, т.е. посев семян некоторых пустынных растений из трав, полукустарников и кустарни-

ЛИТЕРАТУРА

1. Эргашев И.Т., Махмудов М.М., Исломов Ё.И. Научные основы природоохранной ресурсосберегающей технологии фитомелиорации аридных пастбищ Узбекистана. - Ташкент: Фан, 2006. - 128 с.
2. Научная программа действий по борьбе с опустыниванием в Республике Узбекистан. - Ташкент, 1999 г.

ЎЗНИНГ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ, ҲОСИЛДОРЛИГИГА КАЛИЙЛИ ЎГИТЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

As a result of the investigations, under the conditions of meadow-serozem soils, the Samarkand Oblast (potassium in soil 0-200 mg / kg) was found to have a yield of cotton from a hectare of 32.7-34.8 centners when using local potassium fertilizers at a rate of 120-150 kg / ha. Due to potassium fertilizer, the additional crop is 12.2-14.9 centner / ha

Мамлакатимизда етиштирилаётган пахта толасининг ички ва ташқи бозор талабларини инобатга олган ҳолда ўза навлари ҳосилдорлиги ва унинг сифатини ошириш, ҳудудлар мисолида навлар парваришини ишлаб чиқариш ҳамда амалиётга жорий этиш жуда муҳимдир. Бу каби масалаларни ҳал этишда экилаётган янги районлаштирилган ва истиқболли ўза навларининг биологик, индивидуал хусусиятларига кўра вилоятлар мисолида маълум тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб ўрганилиши зарур. Шунингдек, экилаётган ёки экиш учун тавсия этилган янги ўза навларининг сув-ўғит меъёрлари ва сугориш тартибини ўрганилган ҳолда уларни сув танқислигига — қурғоқчиликка, озикага талабини аниқлаш айниқса сув танқислиги кузатилаётган кейинги йилларда амалий аҳамиятга эгадир.

Қишлоқ ҳўжалик экинлари, жумладан, ўзадан юқори ва сифатли тола етиштиришда калийли ўғитларнинг аҳамияти жуда катта. Тупроқда калий етишмаслиги нафақат пахта ҳосили ва тола сифатини пасайтириб юборади, шу билан бир қаторда қўлланилган азотли ва фосфорли ўғитлар самарадорлигини ҳам кескин пасайтиради. Қишлоқ ҳўжалик экинларини етиштиришда юқори меъёрада азотли-фосфорли ўғитларни ҳам жадал агротехнологияларни қўллаш натижасида экинлар ҳосилдорлиги, айниқса пахта ҳосилдорлиги ортади. Бу эса тупроқлар таркибига қўллаб калийнинг ўзлаштирилишига сабаб бўлади. Буни пахта ҳосили билан калий элементининг азот билан тенг миқдорда, баъзан ундан ҳам кўпроқ миқдорда ўзлаштирилиши билан изоҳлаш мумкин. Бу эса, тупроқда калий етишмовчилигига олиб келади, оқибатда ўзанинг ўсишини сусайтиради ва унда асосий ривожланиш даврларининг ўтиш муддатларини кечиктиради, пировардида пахта ҳосили кескин камайиб кетишига олиб келади.

Мамлакатимизда тупроқ унумдорлигини ошириш ва уни сақлаш, пахта етиштиришда қўлланиладиган минерал ўғитлар, айниқса калийли ўғитлар самарадорлигини ошириш, қишлоқ ҳўжалиги ва ишлаб чиқаришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Бир валентли катион сифатида калий, плазма коллоидларининг физик-кимёвий ҳолатини ўзгартирилади, уларнинг гидрофиллигини оширади, плазмаларни сув ушлаб туриш қобилиятини кўтарди, ўсимлик сувни тежаб сарфлайди ва транспирация бирмунча камаяди. Шунингдек калий, ҳўжайра шираси осмотик босимини оширади ва бу ўз навбатида ўсимликларнинг совуққа, қурғоқчиликка ва турли касалликларга чидамлилигини оширади. Бироқ бугунги кунда фермер ҳўжаликларида калийли ўғитлардан фойдаланишга етарлича эътибор берилмаяпти.

Пахтачиликда қўлланиладиган калийли ўғитлар самарадорлигини ошириш усулларини ўрганиш ва шу асосда илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш республика-мизда деҳқончилик маданиятининг ортиши билан янада долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ушбу муаммоларнинг ечимини топиш мақсадида ЎзПТИ Самарқанд тармоғининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида калийли ўғитларнинг ҳар хил меъёр ва нисбатларини ўзанинг “Омад” нави ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш мақсадида дала тажрибаларини ўтказдик.

Тажриба даласининг тупроғи механик таркибига кўра ўртача қумоқ, ерости сувларининг сатҳи 7-8 метр, ўтмишдош экин ўза бўлган агрофон шароитида ўтказилди. Тажриба даласида экишдан олдин тупроқнинг ҳажм оғирлиги 0-70 см қатламда 1,28 гр/см³, 0-100 см қатламда эса 1,30 гр/см³ ни, тупроқнинг дала нам сифими 0-70 см да 19,6 %, 0-100 см қатламда эса 20,0%ни ташкил этди.

АДАБИЁТЛАР

1. Ёўлдошев С.Х. и др. Факторы урожайности хлопчатника. Изд-во Фан. Ташкент. 1982. - С.165
2. Авлиёқулов А.Э. "Истиқболли ўза навлари ва уларни етиштириш технологиясининг аҳволи ва ривожланиш истиқболлари". ЎзҚСХВ, ЎзПТИ, Фарғона ш, 20-22 август, 1996, 30-33-бет.
3. Пирахунов Т.П., Трофимова Р.К. "Минеральные питания растений" Энциклопедия хлопководства (1том), 1985.

Тажриба даласида тупроқнинг агрокимёвий ҳолати баҳор фаслида қуйидагича бўлди: ҳаракатчан азот 0-30 см қатламда 9,4 мг/кг, фосфор 24,6 мг/кг. Тупроқнинг 30-50 см қатламида эса, нитрат шаклидаги миқдори 8,6 мг/кг, фосфор миқдори 12,2 мг/кг бўлганлиги аниқланди.

Азот элементининг умумий формасининг миқдори тупроқнинг ҳайдов (0-30 см) қатламида 0,105%, умумий фосфор 0,158%, 30-50 см қатламда эса, умумий азот 0,075 % ни, умумий фосфор 0,130% ни ташкил этди.

Пахта етиштиришда қўлланилган минерал ўғитларнинг самарадорлигини белгилловчи асосий кўрсаткич қўлланилган ўғит ҳисобига етиштирилган пахта ҳосили ҳисобланади. Олиб борилган тажрибаларимизда ўғитсиз назорат вариантларида етиштирилган пахта ҳосили ўртача 20,3 ц/га ни ташкил этди. Тадқиқотларимизда N- 250, P-150 кг/га фонида ҳосилдорлик салмоғи 28,2 ц/га тенг бўлди. Калийли ўғитларнинг самарадорлиги уни NP фонида қўллаганда янада юқори натижа берди. Бу ҳолат ерга солинадиган калийли ўғитларнинг самарадорлигини тупроқнинг алмашинадиган К₂O билан қанчалик таъминланганлигига боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, Самарқанд вилоятининг алмашинувчан калий билан кам (0-200 мг/кг К₂O тупроқда) таъминланган ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида маҳаллий калий ўғитларини N-250, P-150 кг/га фонида 120-150 кг/га ёки NPK ни 1:0,7:0,5; 1:0,7:0,6 нисбатларда қўллаш ҳисобига гектаридан тегишлича 32,7-34,8 центнер, калий ҳисобига эса ўртача 12,2-14,9 центнердан қўшимча пахта ҳосили етиштириш имкониятлари мавжудлиги тадқиқот асосида аниқланди.

М.ЭШМУРОВА.

Самарқанд қишлоқ ҳўжалиги институти.



*Ўзининг баракали меҳнат ютуқлари билан
истиқболи порлоқ юртимизнинг гуллаб-
яшнашига ҳисса қўшаётган қишлоқ
хўжалиги меҳнаткашларини, халқимизни
Янги — Фаол тадбиркорлик, инновацион
гоялар ва технологияларни қўллаб-
қувватлаш йили билан самимий
табриклаймиз. Янги йилда ҳосилимиз мўл,
хирмонларимиз янада сарбаланд бўлсин!*

**Наманган вилояти
Қишлоқ ва сув хўжалиги
бошқармаси жамоаси**

ЗАМОНАВИЙ ИНТЕНСИВ ОЛМА БОҒЛАРИНИ ТАТУРА УСУЛИДА ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

The formation of intensive type gardens in Bega has its advantages. There is a possibility of landing in the gardens of the type of tatura from small areas to obtain a high yield.

Боғдорчиликдаги асосий вазифа - ҳар йили мўл ҳосил берадиган боғларни яратишдан иборат. Бунда эса илм-фаннинг ўрни бекиёс. Чунки, бу вазиятда фақатгина агротехник табдилларнинггина эмас, балки уларнинг агрофитоценозда биологик хусусиятларининг намоён бўлиши ҳам ҳисобга олинади лозим. Биологик хусусиятларига экиш схемаларининг ҳам бевосита таъсири бор. Ўсимликлар мажмуасини ўсиш ва ривожланишига таъсир қилувчи, асосан, иккита омил фарқланади. Мажмуа омили ва ўсимликлар зичлиги омили. Ўсимлик зичлашган сари уларнинг ўсиш муҳити яхшиланади, ҳар бир мажмуадаги барча ўсимликларнинг ташқи муҳит ва об-ҳавонинг экстремал ҳолатига чидамлиги ортиб боради.

Боғдорчилик шакллани бошланган даврдан бошлаб, уни жадаллаштириш усуллари ва турлари шаклланиб келмоқда. Ҳозирда интенсив боғларнинг кўпгина турлари ва уларни шакллантириш усуллари ишлаб чиқилган. Мевали боғларни жадаллаштиришда асосан маълум майдонда дарахт сонини ошириб, уларнинг ўсиб ривожланишига ва ҳосилдорлик юқори бўлишига илҳом бериш энг мақбул шароит яратишга катта эътибор берилди. Татура русумидаги, яъни V шаклидаги симбағазларга мева дарахтларини ўстириш анча самарали натижа бермоқда. Татура усулининг бир неча хили мавжуд. Масалан: ёпиқ татура, очик татура, Т шаклидаги татура (Т русум асосан данаклилар ва узум учун) ва ҳ.з. Татура шакли ҳам бир-биридан дарахтнинг экилиш усули, қалинлиги (зичлиги) ва шаклланиши билан фарқ қилади. Бу боғларда дарахтларга шакл бериш ва уни парваришлаш ўзига хослиги билан ажралиб туради. Ўзбекистон Республикаси тупроқ-иқлим шароитига мос технологияларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш боғдорчилик олдида қўйилган энг долзарб вазифалардан биридир.

2015-2017 йилларда академик Маҳмуд Мирзаев номли боғдорчилик,

узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг марказий тажриба майдонида интенсив олма боғларида дарахтларнинг самарадор экиш зичлигини, уларга шакл бериш усуллари ва самарадор, мақбул олма навларини танлаш юзасидан олиб борилган илмий тадқиқотларда ёпиқ ва очик татура шаклида маҳаллий ва интродукция қилинган олма навлари М9 пайвандтагига ўстирилиб ўрганилди. 40 тадан ортиқ маҳаллий ва интродукция олма навлари очик татура, яъни ва ёпиқ татура 4,5х0,5 м экиш схемасида илмий ишлар олиб борилди. Татура усулида шакллантирилган боғдаги дастлабки 3 йиллик кузатувларга кўра татура бошқа экиш схемалари (4,0х2,5 м (назорат), 4,0х2,0м, 4,0х1,5 м ва 4,5х1,0 м)) дан айрим устунлик жиҳатларини намоён қилди. Дарахтларнинг умумий ҳолатини ва гуллаш даражасини баҳолашда юқори кўрсаткич татурада экилган олма навларида аниқланди. Куртакларнинг бўртиши татура шаклида экилган боғда кўпгина навларда анча олдин бошланди. Масалан: "Фуджи" навида 5-10 кун олдин (10.03), "Нафис" навида 5 кун олдин, "Либерти Зимний" 6-8 кун (13.03) олдин, "Ред Делишес" 5-8 кун олдин, "Гондраш" навида 6-13 кун олдин бошқа схемаларга нисбатан олдин куртак бўртиши бошланган бўлса, кеч ҳосилга кирувчи "Кандиль Синап" нави фақат татура шаклида экилган боғда шу йили нишона берди. Бу эса жуда яхши натижа ҳисобланиб, олмадан эртароқ мева олиш режалаштирилса, айнан татура шаклида боғ барпо қилиш мақсадга мувофиқдир. Дарахтларнинг зич экилиши қишқи ва эрта баҳорги совуқлардан ўзини ҳимоя қилиш вазифасини ҳам ўтайди. Чунки зич экилган боғ совуқнинг дарахтга зарарини кескин камайтиради.

Татура усулида экилган боғда ҳосилдорлик ҳам юқори бўлади. Бу бир жиҳатдан дарахт сонининг кўплиги билан изоҳланса, иккинчи томони ҳар бир дарахтда ҳосилнинг мўллиги ҳисобланади. Зич экилган татура усулида шакл бериш ва симбағазларга тараш ҳам

ўзига хосликка эга. V шаклда ўрнатилган симбағазларга дарахт шохларини икки тарафга тараб боғлаш қуёш нуруни бир текисда пастки қисмларга ҳам етиб боришини таъминлайди. Бу ҳолат дарахтда фотосинтез жараёнини яхши кечишига олиб келади. Татура усулида симбағазларга тараш дарахтлар танасида фотосинтез жараёни тўлиқ ва сифатли ўтиши учун яхши муҳит яратилади. Дарахтларни симбағазда ўстиришда уларнинг новдалари эгилиб бойланади. 60-70 градусга эгиб боғланганда улар, асосан, майда шохлар билан қопланади ва келажакда улар шохларга айланади. Симбағазда ўсувчи боғларда ҳамма пайвандтагларда эркин ўсувчи боғга нисбатан барг сатҳи кўпроқ бўлади. Ҳосил мўл бўлишини дарахтдаги барглarning сатҳи ва уларда кечадиган фотосинтез жараёнининг жадаллиги белгилаб беради.

Бундан ташқари ресурстежамкор усулларнинг қўлланилиши, яъни сугоришда сув меъёри ва исрофининг камайиши, гектар бирлиги ҳисобига кўп ҳосил олиш, йўл харажатларининг камайиши каби ишларда татура шаклидаги боғнинг қулайликлари мавжуд.

Татура усулида симбағазларга тараш дарахтлар танасида фотосинтез жараёни тўлиқ ва сифатли ўтиши учун яхши муҳит яратилади. Замонавий интенсив олма боғларини очик ва ёпиқ татура усулида шакллантиришнинг интенсив боғдорчиликда ресурстежамкорлиги юқори. Бу шаклдаги боғда ердан ҳамда сувдан унумли фойдаланиб, юқори сифатли, стандарт мева ва мўл ҳосил олиш имконияти мавжуд.

Д.НАЗАРОВА, Ҳ.БОБОЕВА,

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти илмий ходимлари.

АДАБИЁТЛАР

1. А.У.Арипов, А.А.Арипов "Уруғли интенсив мева боғлари". Тошкент "Шарқ" 2013.
2. <http://ej.kubagro.ru>

АНОР ЕТИШТИРИШ ВА РЕСУРСТЕЖАМКОР АГРОТАДБИРЛАР

Кейинги йилларда дунёнинг барча мамлакатларида озиқ-овқат маҳсулотлари рационалида субтропик меваларга, хусусан шифобахш мева ҳисобланган анорга бўлган талаб ниҳоятда ошиб бормоқда.

Фарғона ва Сирдарё вилоятлари ҳудудидаги унумдорлиги паст бўлган, қумлоқли-қумли ерлар ҳамда қийин мелиорацияланувчи шўрланган тупроқларнинг аксари ят қисми доимий равишда агроме-лиоратив тадбирлар ўтказилишини талаб этади.

Бундай кам даромадли мелиоратив ноқулай тупроқлардан самарали ва оқилона фойдаланиш мақсадида шахсан Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг ташаббуси ва кўрсатмалари бўйича Фарғона ва Сирдарё вилоятлари ҳудудларида ҳам юқори иқтисодий самара берувчи экинларни (ёнғоқ, унаби, ток, бошқа мевали дарахтлар, шоли, полиз ва сабзавот каби экинларни) жойлаштириш билан бирга, экологик тоза маҳсулот, шифобахш — анорзорлар ҳам барпо этилмоқда.

Мамлакатимиз миқёсида, хусусан, Фарғона ва Сирдарё вилоятларида асосан томорқа хўжаликларида етиштириладиган анор кўчатларини экишга тайёрлаш ва уни экиш агротехникаси каби тадбирларни қўллашда ҳар бир ҳудуд тупроқ-иқлим шароитларини инобатга олиш лозим. Одатда, йилнинг келишига қараб, мамлакатимиз жанубий вилоятларига нисбатан шимолӣ минтақаларида анор кўчатларини экиш муддати 10-15 кун кечикиб амалга оширилади.

Фарғона ва Сирдарё вилоятлари ҳудудидаги турли ётқизиклардаги механик таркиби қумли, қумлоқли, энгил, ўрта ва оғир қумоқли бўлган гидроморф ва яримгидроморф тупроқларда анор кўчатларини экиш учун ер тайёрлаш ва уни етиштириш агротадбирларини қуйидагича амалга ошириш мумкин.

Ерости сувлари яқин, гидроморф ва яримгидроморф сув режимига мансуб бўлган, энгил, ўрта ва оғир қумоқли механик таркибли ўтлоқ, ўтлоқ-аллювиал ва бўз-ўтлоқ тупроқлар шароитида томорқа, ёхуд анорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари дала майдони да-

ставвал яхши текисланиши ҳамда ер юзасига гектар ҳисобида 20-30 тоннадан гўнг сепиб, чуқур ағдариб ҳайдаш мақсадга мувофиқ.

Илмий манбалардан маълумки, анор кўчатларини экиш муддати март ойида амалга оширилади, уни 4x2-3 м схемада экиш энг мақбул усул ҳисобланади. Анор кўчатларини экишда чуқурлиги, эни ва бўйи 50x50 см бўлган чуқурчалар қовла-ниб, тупроқ устки 20-25 см лик қисми ўранинг бир томонига, қолган қисми эса иккинчи томонга олиб қўйилади. Кўчатни экишдан олдин тайёрлаб қўйилган қорамол янги гўнгини 1:1 нисбатда тупроқ билан аралаштириб, бўтана - шарбатга ботириб олинади, сўнгра экилади. Экиш жараёнида кўчат ўрага тик қўйилиб, унинг илдизи атрофида олдин олинган 20-25 см лик тупроқ солиниб қўмилади. Кўчат экилгандан сўнг ҳар бир чуқурга сув қўйилади. Бунда тупроқ зичланиб, кўчат яхши кўкаради. Кўчатлар тупроқ намлигига қараб суғорилади.

Бутасимон субтропик экин турига мансуб бўлган анорни гидроморф ва яримгидроморф тупроқлар шароитида парваришlashда қиш мавсумида кўмиш муҳим тадбир ҳисобланади. Бунда асосий 3-4 та йирик шох қолдирилади ва йирик шохлар ерга нисбатан 45 градуса шакллантирилиб, шоли похили билан ўраб қўмилади.

Кейинги йилларда анорнинг асосий новдаларидан ташқари, пастки қисмидан қўллаб чиқадиган новдаларини қисқартириб туриш талаб этилади. Ҳар бир анор тупига 250-300 г азотли, 200-220 г фосфорли ва 180-200 г калийли ўғитлар соф ҳолда солинади. Азот ўғити иккига бўлиб, 30-40 фоизи кузда, қолгани апрель ва июль ойларида тенг миқдорда солинади. Ҳар 2-3 йилда ўртача 50-60 кг чириган маҳаллий гўнг солиш ҳосилдорликни оширади.

Умуман олганда, анор кўчати уч ёшидан бошлаб ҳосилга кира бошлайди, ҳар бир тупидан ўртача 20-30 кг гача ҳосил беради. Анор парваришланган шароитда жуда узок, 200 (300) йилгача умр кўриши мумкин. Уни ҳар 20 йилда бир маротаба кесиб, янгилаб туриш мақсадга мувофиқ. Анор уруғидан (селекция қилишда) ва қаламчадан кўпайти-

рилади (Усманов, 1979; Хайдаров, Хожиматов, 1979; Юсупов, 1981; Ходжиматов, 1993).

Бўз тупроқларда анор ўсув даври мобайнида 6-10 марта, шағалли ерларда 10-12 маротаба суғорилади. Шу боисдан, суғориш сувларини танқислиги ҳисобга олган ҳолда, гидроморф ва яримгидроморф тупроқлар шароитида анорни суғоришда ресурстежамкор технологияларни қўллаш лозим.

Масалан, қумли ва қумлоқли механик таркибли ерларда анор етиштиришда хўжалик атрофидаги дала йўллари четига ариқ (зовур)ларни тозалаш пайтида чиқариб ташланган лойқа ва чиқинди маҳсулотларини гектарига 300 тоннадан қўлланганда (уч марта суғоришдан олдин):

1. Дала йўлларидаги ва дала атрофидаги ариқ (зовур)ларни тозалаш пайтида чиқариб ташланган лойқа ва чиқиндилардан тозаланади;
2. Тупроқнинг физик-механик хоссалари яхшиланади, структура-лилик ва дондорлик хусусияти ошади;
3. Дастлабки йилларда оғдармай ҳайдалган далаларда тупроқнинг эрозия жараёнлари камаяди;
4. Тупроқнинг агрокимёвий хусусиятлари барқарорлашади;
5. Тупроқнинг биологик ва экологик ҳолати яхшиланади;
6. Тупроқнинг унумдорлиги ошади;
7. Суғориш сувлари камида 1-2 мартага (2000-3000 м³/га) иқтисод қилинади;
8. Келгусида унумдор воҳа тупроқларининг шаклланишига замин яратилади;
9. Мамлакат миқёсида озиқ-овқат хавфсизлиги доирасида бошқа унумдор тупроқлар қатори соф, экологик тоза, экспортбоп маҳсулотлар етиштиришга эришилади.
10. Фермер ва томорқа хўжаликлари таркибида маҳсулот етиштириш, уни қайта ишлаш ва сотиш бўйича қўшимча иш ўринлари яратилади, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти янада ошиди.

Г.ПАРПИЕВ, к.х.ф.н.,

А.АХМЕДОВ, к.х.ф.н.,

Ж.ТУРДАЛИЕВ, к.и.х., ТАИТИ,
Х.НАМОЗОВ, б.ф.н., ТошДАУ.

АДАБИЁТЛАР

1. Набиев М. Наботот ажойиботлари. - Т.: "Меҳнат", 1992. 256- б.
2. Останақулов Т.А., Нарзиева М.С., Фуломов Б.Х. Мевачилик асослари. - Т., 2010. 133-б.
3. Усманов А.У. Ёввойи мева дарахтлари. - Т.: "Ўзбекистон", 1979. 29- б.

СОЯНИНГ АСОСИЙ ЭКИН СИФАТИДА ЭКИШГА МОС "УСТОЗ ММ-60" НАВИНИНГ БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Мамлакатимиз деҳқончилиги тарихига 2017 йил соячиликка асос солингани билан алоҳида аҳамият-ли бўлди. Чунки 2017 йилнинг 14 март санасидаги Президентимизнинг ПҚ-2832 қарорида "2017-2021 йилларда республикада соя экини майдонларини ва соя дони етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 24 июлдаги ПҚ-3144 қарорлари эса, мамлакатимизда соя экиннинг янги навларини яратиш, унинг уруғчилигини ривожлантириш чора-тадбирлари белгилаб берилганлигини биз сояшуносликда оламшумул воқеа сифатида қабул қилдик.

Бугун сояга, соячиликка эътибор тубдан ўзгарди, энди соянинг донини етиштириш ҳам давлат буюртмаси асосида амалга ошириладиган бўлди.

Президентимиз қарорлари бизнинг олиб бораётган изланишларимизга бўлган ишончимизни янада оширди ва яратган навларимизни халқимизга дадил туриб тортиқ қилишликка ундапти, чунки юртимизга керакли бўлган қатор соя навларимиз ҳозирда ўзимизда мавжуд.

Четдан хорижий навларни олиб келишга ҳолат қолмайди, ўзимизнинг имкониятимиз ҳам, илмий салоҳиятимиз ҳам етарли. Халқимизнинг "Бировдан олганинг кўргулик, ўзингники тўйгулик" деган ибратли мақоли бор.

Ҳар бир ишни қойиллатиб удасидан чиқа оладиган, танти, меҳнаткаш ва мард халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига яқин келажакда юртимиз соячи мамлакатга айлана олади, ўз эҳтиёжини қондирибгина қолмасдан, дунёга соя экспорт қилувчи давлатлар қаторидан жой олишига ишонамиз. Сабаби Ўзбекистонимизнинг соячилик соҳасига дастлабки тамал тошини қўйиш 1933-1934 йиллардан бошланган бўлса, ҳозирга келиб соянинг 10 дан ортиқ маҳаллий навлари Давлат Реестридан жой олган, улар орасида "Олтин тож", "Генетик-1", "Орзу", "Тўмарис", "МАН-60", соя навлари каби

Республикаимизнинг барча минтақасида такрорий экишга мос, эртапишар навлари: "Ойжамол", "Нафис", "Сочилмас", "Устоз" каби ўртапишар, "Барака", "Парвоз", "Ўзбекская-2", "Ўзбекская-6" сингари мамлакатимизнинг барча тупроқлари шароитида баҳорда асосий экин сифатида дон олиш учун экишга мос, ўртаки кечпишар, кечпишар навларимиз мавжуд.

Ана шундай маҳаллий соя навларидан бири серҳосил, ўртапишар, баҳорда асосий экин сифатида ўстиришга мос "Устоз ММ-60" нави билан танишинг.

Соянинг "Устоз ММ-60" нави



Нав Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтида яратилиб, 2015 йилда Давлат Реестрига киритилган. Келиб чиқиши: Молдованинг К-8602 коллекцияси намунасида 2 марта якка танлаш асосида яратилган.

Муаллифлар: Маннопова М; Мирзаахмедов Б; Қодирова О.

Нав ўртапишар, ўсув даври 119-122 кун. Поясининг баландлиги 85-115,5 см, поянинг пастки қисмида битта-иккита ёншоҳлар ҳосил қилади. Поянинг уруғ-барг ости тирсагида оч-бинафша ранг, атоцион доғи бор. Поя, барг ва дуккакларининг тўқ кулранг, қумранг, қалин тук қоплаган. Барги мураккаббарг бўлиб, барглари йи-

рик, тухумсимон шаклда, тўқ яшил рангли, ҳосили етилганда барглари тўла тўкиб юборади. Тўп гули 5-16 тагача гулли шингил, гуллари майда, тожибарги оч-бинафша рангли. Мевалари йирик, эгилган, кенг, ясси, учи тўмтоқ дуккак, бир тўп ўсимликда ўртача 52-73 тагача дуккаклар шаклланади, энг кўпи 326 донагача боради, дастлабки дуккакларининг пояда жойлашган ўрни, ўртача 18-19,5 см баландликда бўлиб, дон ҳосили комбайнларда ўришга мос, пастки қисмида донлар ўрилмай қолиб кетмайди, дуккаклар пишиб ўтиб кетса чатнайди. Уруғи сариқ, оч-сариқ тусли, йирик, уруғ паллалари тўқ-сариқ, рангли, чўзиқ тухумсимон буйраксимон шакли дон, 1000 дона вазни 190-225 грамм.

Уруғ қопчиғи ингичка тук, кулранг, тўқ-қўнғир, узун-ингичка чизиқчали, қопчиқ изи сезилмайди. Доннинг таркибида 41-42% оқсил ва 24,1-24,7% ўсимлик мойи сақлайди. Ҳосилдорлиги институтнинг рақобатли нав синов йилларида (2005-2009 йиллар) гектардан, ўртача 37,3-39,2 центнердан ташкил қилади. Навнинг ҳосилдорлик имконияти гектаридан 44,2-44,9 центнергача. Синов йилларида касалликка чалинмади. Аммо, турли хил зараркундалардан (ўргимчаккана, битлар, уруғхўрлар, парвоналар, тунламлар, кўсак қурти) вақтида биологик воситалар билан ёки кимёвий препаратлар билан ишлов берилиши (бир неча марта) шарт.

Нав Республикаимизнинг барча суғориладиган тупроқларида асосий экин қилиб ўстиришга мос. Апрельнинг биринчи ярмида экилса, сентябр бошида, баъзан августнинг учинчи декадасида пишиб етилади.

М.МАННОПОВА,
қ.х.ф.н.,

У.САРИМСОКОВ,
Кичик илмий ходим, ДДЭИТИ,

О.МЎЙДИНОВ,
ТошДАУ магистранти.

ЭКИНЛАРНИНГ ПАРАЗИТ БЕГОНА ЎТИ

In the article morphological indicators of parasite plant of Orobanche including height, bloom, stalk are informed. Moreover there is some information about its danger to agricultural plants.

Республикаимизда паразит ўсимлик шумғия (илонўти) жуда кўп экинларга катта зарар етказиши. У қовун, тарвуз, помидор, картошка, тамаки, кунгабоқар, ерёнгоқ, кунжут ва бошқа экинларни зарарлайди.

Ўзбекистонда шумғиянинг миср шумғияси, сершоҳ шумғия ва карам шумғияси кенг тарқалган. Улардан миср шумғияси (*Orobanche aegyptiaca Pers.*) кўп тарқалган бўлиб, турли оиладаги 100 турдан ортиқ ўсимликларни зарарлайди.

Шумғиянинг зарари полиз, сабзавот ва техник экинларда турлича бўлиши мумкин. Сабзавот экинларини миср шумғияси ўртача 50-60% зарарлаб, ҳосилнинг 20-25%, ундан зиёд миқдори нобуд бўлиши аниқланган.

Шумғия паразити маълум бир ўсимликнинг ҳосили ва сифатига келтирадиган зарари ҳақидаги маълумотлар жуда кам. Айниқса, кейинги йилларда шумғия паразити қишлоқ хўжалик экинларида жиддий зарар келтирмоқда.

Шумғия ташқи муҳитга юқори мослашиш катта кўпайиш даражаси коэффициентига (1 ўсимлик 150-200 минг дона уруғ ҳосил қилади) эга, уруғлари тупроқда узоқ вақт сақланиши (10-12 йил), қулай шароит пайдо бўлганда хўжайин ўсимлик илдиз тизимига ўрнашиб униб чиқиши каби биологик хусусиятга эга.

Кўп йиллик ўсимликларда яшаб келаётган шумғия турлари кўп йиллик паразит сифатида ҳаёт кечирилади. Унинг айрим турлари вегетатив кўпаяди.

Шумғиянинг бир йиллик ўсимликлар паразитлик қилувчи турлари хўжайин ўсимлик билан бирга яшайди ёки кўп йиллик ўсимликларга кўчиб ўтиш ҳоллари ҳам учрайди.

Миср шумғияси асосан бир йиллик ўсимликларда паразитлик қилади ва одатда, хўжайин-ўсимлик билан бирга вегетациясини тугатади. Айрим ҳолатларда паразит эфемер бегона ўтларда ҳам яшаши мумкин (2). Паразитнинг бу хусусиятлари-

дан унга қарши курашда фойдаланиш мумкин.

Паразит-ўсимлик шумғияда мослашувчанлик ва полиморфизм ҳамда морфологик ўзгарувчанлик кучли ривожланган.

Миср шумғияси паразити тупроқда хўжайин-ўсимлик илдиз тизимига жойлашганларидан ер юзасига чиқиб поя ҳосил қилганлари қовунда 40,5%, тарвузда 10,7% ва помидорда эса 13,9% ни ташкил қилади. Қолган паразитлар илдизни тупроқни чуқурроқ қисмида жойлашади ва улар хўжайин-ўсимликни бутун ўсув даври мобайнида униб чиқа бошлайди, шу билан ўсимликка бутун ўсув даври давомида зиён етказиши. Паразит уч марта юлиб ташланганда ҳам яна униб чиқиш қобилиятига эга.

Миср шумғияси хўжайин-ўсимликларда яширин ҳолатда тупроқ тагидаги илдиз қисмида ер юзига чиқмасдан паразитлик қилади. Унинг хўжайин-ўсимликка асосий зарари тупроқнинг паразит жойлашган қисмида содир бўлади, унинг ер устига униб чиқиши охириги босқич бўлиб, гуллашдан кейин у қурий бошлайди.

Шумғиянинг гуллари ҳашаротлар орқали, асосан фитомиза пашшаси орқали чангланади. Лекин, И.Г.Бейлин (1947) маълумотларига кўра, шумғиянинг уруғи изоляторда ҳам ҳосил бўлганлиги баён этилган.

Шумғия поясининг бўйи ва эни, гулининг сони ва катталиги, кўсакча сони ва ундаги уруғ сони паразитнинг турига, хўжайин-ўсимлик ўсаётган табиий ва агротехник шароитларга ҳамда хўжайин-ўсимлик илдизиди ўсаётган паразитларнинг сонига боғлиқ.

Тамакида миср шумғияси кучли шохланган пояга эга бўлиб, сентябрь-октябрь ойларига келиб битта поя ҳосил қилади. Ушбу пояга фитомиза пашшаси уруғ қўяди. Тамаки миср шумғияси билан кучли зарарланганда ҳар бир ўсимлик илдизиди 15-20 тадан турли ривожланиш давларидаги паразит бўлиб,

уларнинг бўйи 10 см дан 40 см гача бўлиши аниқланди.

Тамаки майдонларидаги шумғия одатда турли ривожланиш давларида териб ташланганда, тамакининг илдизи жароҳатланади, паразитнинг илдизга ёпишиб турган қисми қолади ва қулай шароитда қисқа давр мобайнида ундан янги поя ўсиб чиқади ва 15-20 кунда гуллаб кўсакча (уруғ) ҳосил қилади.

Миср шумғиясининг ривожланиш давларининг давомийлиги одатда хўжайин-ўсимликнинг вегетациясига боғлиқ. Айрим эфемер ўсимликларда шумғиянинг ривожланиш даври 20 кунгача бўлса, тамакида эса 40-45 кунгача ривожланиб, поясида жуда кўплаб шохлар ҳосил қилиши билан тавсифланади. Тамаки ўсимлигида паразит ўсимтаси пайдо бўлганидан кейин 12-14 кундан сўнг гуллаш бошлайди ва қийғос гуллаш даври 16-18 кундан сўнг кузатилади. Гуллаш даври тугаши билан кўсакчалар ҳосил қилиш даври бир ҳафтагача давом этади. Шумғия паразитининг кимёвий таркибиди бир қатор заҳарли моддалар - глюкозид ва алколоидлар (ринантин, аробанхолин) бўлганлиги сабабли чорва моллари уни емайди.

Хулоса. Шумғияда, хусусан миср шумғиясида шароитга мослашиш ва полиморфизм хусусиятлари кучли ривожланган бўлиб, наслий бўлмаган ва ўзгарувчан морфологик хусусиятларга эга. Паразитнинг хўжайин-ўсимликларда узоқ вақтлар паразитлик ҳаёт тарзи унда жуда кўп уруғ ҳосил қилиш ва уларда бир неча йиллар (10-15 йил) унвчанлигини сақлаб қолиши хусусиятлари шаклланган. Паразитнинг уруғлари асосан тупроқнинг 20-30 см чуқурлигида жойлашганлигини инобатга олиб, паразитга қарши курашда шудгорни чуқур ўтказишни (30-35 см) қўллаш мумкин.

Э.УМУРЗОҚОВ,
қ.х.ф.д., профессор.

С.АҲМЕДОВ,
Самарқанд қишлоқ хўжалик институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Кабулов Д.Т. Биология видов паразитов. Труды Самаркандского госуниверситета. Вып. 187. 1970.
2. Бейлин И.Г. Борьба с повилками и паразитами. Москва., 1967.
3. Грушевой С.Е., Матвиенко Т.М. Цветковые растения-паразиты. Москва, Колос. 1950.
4. Загоровский А.В. Паразита и меры борьбы с ними. Фрунзе, 1956.

ДВУРЯДНИК ТОНКОЛИСТНЫЙ И ИНДАУ ПОСЕВНОЙ — ЦЕННЫЕ ОВОЩНЫЕ КУЛЬТУРЫ

Одной из наиболее актуальных проблем современного овощеводства является расширение ассортимента выращиваемых культур. При этом акцент делается на возможность их использования в диетическом и оздоровительном питании. В связи с этим в последние годы идет активная интродукция новых для нашей страны, но довольно популярных за рубежом, овощных культур.

Сотрудниками Сурхандарьинской научно-опытной станции НИИ овоще-бахчевых культур и картофеля были интродуцированы ряд овощных культур, такие как дайкон (сорт "Содик"), репа салатная (сорт "Муяссар"), фенхель (сорт "Шифо"), шпинат (сорт "Нафис") и др. Все они отличаются хорошими питательными и известными целебными свойствами (В.Ф.Пивоваров, 2006). Одними из наиболее перспективных овощных культур для интродукции являются двурядник тонколистный и индау посевной, издавна широко культивируемые в южных регионах Европы, особенно во Франции и Италии. При этом они прижились в местах достаточно суровых по сравнению со Средиземноморским климатом, например, в Северной Европе и Северной Америке. Еще в 90-х годах прошлого века эти культуры под общим названием "рукколо" в некоторых ресторанах предподносились как некая изысканная "заморская" зелень. В последние годы их стали значительно шире выращивать во многих странах. Следует отметить, что большой вклад в изучение и популяризацию этих культур внесли исследования Лудилова В.А., Куршевой Ж. В., Папанова А.Н., Бербекова К.З., Ширикина В.Н. На основе своих исследований Куршева Ж.В. выделила рукколы на два вида: двурядник тонколистный

(*Diplotaxistenuifolia*) и индау посевной (*Erucasativa* Mill.). Двурядник тонколистный произошёл из Южной и Центральной Европы, Малой Азии. Как сорное растение распространилось во многих тёплых и умеренно климатических зонах. Индау посевной произошёл из Западного Средиземноморья, Марокко, Португалии, Алжира, Южной Испании.

Как видно из таблицы наиболь-

Содержание йода, селена в зелени индау посевного и двурядника тонколистного, мкг/кг сухой массы (по Куршевой Ж. В., 2009)

Культура, сорт	Год	Йод	Селен
Индау посевной	2007	700	128
Сорт Покер	2008	835	132
Двурядник тонколистный	2007	282	78
Сорт Эйфория	2008	131	75

шим содержанием биогенного йода и селена отмечается индау посевной.

Индау посевной может стать важным источником биогенного йода, отвечающего за нормальное функционирование щитовидной железы, поддерживающего гормональный баланс, необходимой для работы мозга и для поддержания иммунитета человека, что особенно важно для йододефицитных регионов, к которым относятся и Средняя Азия. Недостаточное количество этого минерального вещества приводит к болезням зоба, замедлению у детей умственной активности, избыточному весу, потере жизненной энергии. Норма потребления йода (согласно реко-

мендациям Всемирной организации здравоохранения) составляет для детей от 50 до 120 мкг; для подростков старше 12 лет — 150 мкг; беременных и кормящих женщин — 200 мкг. В листьях индау посевного его содержание составляет 700—835 мкг/кг, в двуряднике тонколистном — 131—282 мкг/кг сухой массы. Наиболее важным в качестве источника биогенного йода является индау посевной.

Кроме того эти культуры могут служить ценным источником такого важного антиоксиданта как селен. Содержание этого вещества у индау посевного составляет 128—132 мкг/кг, что на 69,2—70,6% больше, чем у двурядника тонколистного. По данному показателю также предпочтение отдается индау посевному.

В последние годы двурядник тонколистный и индау посевной (под общим названием руккола) стали выращивать в Ташкентской области на приусадебных участках, теплицах и на небольших площадях, а также в производственных условиях для экспорта в Россию и Европейские страны. Начиная с 2017 года их стали выращивать и на юге страны, в частности в Сурхандарьинской области. Наши наблюдения за посевами этой культуры показали, что технология возделывания семеноводства, способы выращивания и особенно уборки и другие вопросы требуют дополнительного изучения. Это и является целью наших дальнейших исследований.

М. АРАМОВ,
профессор,

Б. МУКИМОВ,
преподаватель,

Термезский филиал ТашГАУ.

ЛИТЕРАТУРА

1. Пивоваров В.Ф. Овощи. — России, 2006. — С. 155—157.
2. Папонов А. Н. Новое салатное растение семейства Крестоцветные // Новые и нетрадиционные растения и перспективы их использования. — М., 2003. — №2. — С. 113—116.
3. Лудилов В.А. Сборник научных трудов. — Раменское: ГНУВНИИО Россельхозакадемия, 2011. — С. 401—405.
4. Куршева Ж. Б. Биологические особенности и основные приёмы возделывания индау, двурядника и кресс-салата в условиях Московской области. Автореф. Дисс. канд. с/х наук. — М., 2009. — 28 с.

ЭРТАГИ КАРТОШКАНИ СУҒОРИШ ТАРТИБИ ВА ЎҒИТЛАШ МЕЪЁРЛАРИНИ БИРГАЛИКДА ҚўЛЛАШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

In the article results of researches on economic efficiency of joint application of various ways of watering and norms of fertilizers at cultivation of medium ripe sorts of potato Sante and Yaroqli-2010 at early culture are resulted.

Сурхондарё вилояти шароитида эртаги картошка ҳосилдорлигини ошириш, ҳар бир центнер ҳосилга сув сарфини камайтириш кўп жихатдан мазкур шароит ноқулайликларига мослашган экин навларини танлаб, кенг татбиқ этишга, сувтежамкор суғориш тартиби ва технологиясини ҳамда мақбул ўғит меъёрларини ишлаб чиқишга боғлиқ.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, 2012-2015 йиллар мобайнида картошканинг ўртагезпишар Sante ва Яроқли-2010 навларини турли суғориш сони, тартиби ва ўғитлаш меъёрларида ўстиришнинг самарадорлигини ўргандик.

Дала тажрибалари Жарқўрғон тумани Сурхон фермерлар уюшмаси қадимдан суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида олиб борилди.

Тадқиқотларда 3 та ўғит меъёрлари ($N_{150}P_{120}K_{75}$ кг/га (назорат); 20 т/га гўнг + $N_{150}P_{120}K_{75}$ кг/га ва 20 т/га гўнг + $N_{200}P_{160}K_{100}$ кг/га) 3 та суғориш сони ва тартибларида (7 марта 1-1-5, 8 марта 1-2-5 ва 9 марта 1-2-6) синалди. Экин 3-8 февралда 70х20 см схемада 6-8 см чуқурликда амалга оширилди.

Маълумотларимизнинг кўрсатишича, тажриба ўтказилган йилларда тупроқнинг 0-50 см қатламида чекланган дала нам сифими 20,20-20,84%, ҳажм массаси 1,30-1,36 г/см³, ҳажм массага нисбатан чекланган дала нам сифими 27,09-27,47%, 0-70 см қатламда, мос равишда 20,61-21,19, 1,31-1,37 г/см³ ва 27,00-28,63%, 0-100 см қатламда эса 19,70-20,20%, 1,32-1,39 г/см³ ва 26,49-27,38% ни ташкил этганлиги қайд этилди.

Турли суғориш сони ва тартибда суғориш оралиқларининг давомийлиги фарқланиб, суғориш 7 марта 1-1-5 тартибда суғориш оралиқлари давомийлиги 1-суғоришда 15-16 кунни, 2-суғоришда 14 кунни, 3-суғоришда 9-10 кунни, 4-7- суғоришларда эса 8-10 кунни ташкил қилди.

Суғориш 8 марта 1-2-5 тартибда, 1-суғориш оралиғи 15-16 кунни, 2-суғориш 11-12 кунни, 3-суғориш 9-10 кунни, 4-8-суғоришлар оралиғи 8-9 кунни; 9 марта 1-2-6 тартибда эса 1-суғориш 15-16 кун оралиқда, 2-суғориш 11-12 кун, 3-

суғориш 9-10 кун, 4-9 суғоришларда 7-9 кунни ташкил этди.

Ўрганилган суғориш сони ва тартибда ҳақиқий суғориш ва мавсумий суғориш меъёрлари ҳамда тупроқнинг чекланган дала нам сифими нисбатан намлиги сезиларли даражада ўзгарди. Суғориш 7 марта 1-1-5 тартибда ўтказилганда "униб чиқиш-шоналаш" даврида (0-50 см қатлам бўйича) суғориш меъёри 1050-1200 м³/га, "шоналаш-гуллаш" даврида (0-70 см бўйича) 780-850 м³/га, "гуллаш-палак сарғайиш" даврида (0-100 см бўйича) 750-820 м³/га, мавсумий суғориш меъёри 5580-6150 м³/га, тупроқнинг чекланган дала нам сифими нисбатан намлиги даврлар бўйича 65-75-75% ни ташкил этди. Унинг фарқланиши 2-3% бўлиб, тавсия этилган чегарадан ошмади.

Суғориш 9 марта 1-2-6 тартибда ўтказилганда эса фазаларо даврлар бўйича суғориш меъёрлари "униб чиқиш-шоналаш" даврида (0-50 см) 1010-1130 м³/га, "шоналаш-гуллаш" даврида (0-70 см) 450-550 м³/га, "гуллаш-палак сарғайиш" даврида (0-100 см) 420-530 м³/га, мавсумий суғориш меъёри 4430-5410 м³/га, тупроқнинг чекланган дала нам сифими нисбатан намлиги 65-85-85% ни ташкил қилди.

Картошка пайкалларида тупроқ ҳажм массасининг ўзгаришига суғориш сони ва тартиби ҳамда ўғитлаш меъёрлари кескин таъсир кўрсатиши аниқланди. Суғориш 7 марта 1-1-5 тартибда берилганда иккала ўрганилган навда ҳам $N_{150}P_{120}K_{75}$ кг/га солинган вариантда суғоришгача тупроқнинг ҳажм массаси 1,32 г/см³ бўлган бўлса, 0-10 см қатламда 1-суғоришдан сўнг 1,34; барча суғоришлардан сўнг 1,37 г/см³, 10-20 см қатламда 1,36 ва 1,40, 20-30 см қатламда 1,39 ва 1,45 г/см³, 0-30 см қатламда эса 1,36 ва 1,40 г/см³ бўлиб, 0,04-0,08 г/см³ га зичлашиб, ҳажм массаси ошгани ва унинг тупроқ 10-20 ва 20-30 см қатламларида сезиларли бўлгани кузатилди.

Агар тупроқнинг ҳажм массаси 0-30 см қатламда иккала ўрганилган картошка навлар пайкалида 1 - суғоришдан сўнг 7 ва 9 марта суғоришларда бир хил 1,36-1,38 г/см³

ни, барча суғоришлардан сўнг камайиш тенденцияси кузатилиб, 1,39-1,41 г/см³ ни ташкил этди. Бундай тупроқ ҳажм массаси шароитида картошка ўсимлигининг ўсиши ва ривожланиши, ҳосил шаклланиши учун қулай имкон яратилади.

Картошқачиликда картошка етиштириш иқтисодий самарадорлигини тўғри ҳисобланиши энг аввало бир гектарга қилинган жами харажатлар суммасини тўғри аниқлашга боғлиқ.

Ҳисоблашларимизнинг кўрсатишича, навлар ва ўғитлаш вариантлари бўйича суғориш 7 марта 1-1-5 тартибда ўтказилганда 1 центнер картошка таннари 79,1-102,2 минг сўмни, соф даромад 3,9-12,2 млн. сўмни, рентабеллик даражаси 17,4-51,8% ни, 9 марта 1-2-6 тартибда суғорилганда эса мос равишда 66,3-87,6 минг сўм, 8,5-19,2 млн. сўм ва 37,0-81,0% ни ташкил этди.

Навлар бўйича энг арзон таннархли (66,3-72,2 минг сўм), энг юқори соф даромад (15,6-19,2 млн. сўм) ва рентабеллик даражаси (66,3-81,0%) суғориш 9 марта 1-2-6 тартибда олиб борилиб, 20 т/га гўнг + $N_{200}P_{160}K_{100}$ кг/га меъёрида ўғитлар солинганда олинди. Нисбатан (навлар бўйича) арзон таннарх (68,9-76,1 минг сўм), юқори соф даромад (13,4-17,3 млн. сўм) ва рентабеллик даражаси (57,7-74,1%) 9 марта 1-2-6 тартибда 20 т/га гўнг + $N_{150}P_{120}K_{75}$ кг/га минерал ўғитлар солинган вариантда қайд этилди.

Демак, эртаги картошканинг Sante ва Яроқли-2010 навларини 9 марта 1-2-6 тартибда суғориб, гектарига 20 т/га гўнг + $N_{200}P_{160}K_{100}$ кг/га ўғит қўллаш энг юқори ҳосилдорлик (32,7-35,7 т/га) ва иқтисодий самарадорликни (66,3-81,0% рентабеллик даражасини) таъминлар экан.

**И.АМОНТУРДИЕВ,
Т.ОСТАНАКУЛОВ**
СамҚХИ.

АДАБИЁТЛАР:

1. Д.Т.Абдукаримов - Ранний картофель Т., 1987, 22-101 с.
2. Т.Э.Астанакулов - Технология возделывания в семеноводстве картофеля в Зарафшанской долине. - Т., Мехнат 1991, 16-39 с.

**Жонажон диёримиз равнақи йўлида
меҳнат қилаётган барча
юртдошларимизни, жумладан, аграр
соҳа ходимларини, миришкор
бободехқонларимизни 2018 йил билан
қизгин муборакбод этамиз.**

**Хонадонларимиз
қут-баракали,
дастурхонларимиз
ноз-неъматларга тўла,
юртимиз доимо тинч,
осмонимиз мусаффо бўлсин!**

**«Агрокимёҳимоя» АЖ
Жиззах вилояти бўлими жамоаси**

ИПАК ҚУРТИ "МАРВАРИД" ВА "ЛИНИЯ - 27" ЗОТЛАРИ УРҒОЧИ КАПАЛАКЛАРИНИНГ ГРАДАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БИОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

In this article, silkworm breeding, especially hybrid conducting an advent age today revealed further aspects of the scientists and their importance in the preparation of clean pure hybrid seeds achieve a higher yield and quality of sericulture can grove were given.

Ўзбекистон Республикаси пилла етиштириш бўйича жаҳонда олдинги ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг тезкор маълумотларига кўра, мамлакатимизда охириги йиллар давомида 26000 тоннадан зиёд пилла хомашёси тайёрланмоқда. Сифатли ва мўл пилла ҳосили етиштиришда ипак қуртининг серхосил, ипакчанлиги ва технологик хусусиятлари юқори зот ва дурагайларнинг аҳамияти катта. Агар ҳар бир ҳудудга мос зотлар ва саноатбоп дурагайлар яратилиб, жорий этилса, сифатли пилла ҳосили етиштиришга замин бўлади.

Тут ипак қурти селекцияси ва наслчилик ишининг турли йуналиш-

ўзгарувчанлиги ва етакчи хўжалик киймати белгилари билан ўзаро алоқадорлиги муаммолари етарлича тадқиқ этилмаган.

Тут ипак қурти селекцияси ва наслчилик ишида ҳар қандай танлаш услуби илмий асосга эга бўлиши лозим. Биз тадқиқ этаётган урғочи капалакларнинг ҳаёт давомийлиги ва етакчи селекция белгилари ўртасида ўзаро боғлиқлик аниқланса, муайян хўжалик қийматли белгиларни оширишга йўналтирилган селекция дастурига урғочи капалакларнинг ҳаёти давомийлиги бўйича танлаш усулини киритиш мумкин бўлади ва натижада селекция ишининг самардорлиги ошишига эришилади.

Жадвал

“Марварид” ва “Линия-27” зотларининг градациялар бўйича тухумлар жонланиши ва қуртлар ҳаётчанлиги

Зотлар	Градациялар	Тухумлар жонланиши $\bar{X} \pm S \bar{x}, \%$	Қуртлар ҳаётчанлиги $\bar{X} \pm S \bar{x}, \%$	Касаллик кўрсаткичи $\bar{X} \pm S \bar{x}, \%$
“Марварид”	I. градация	95,0 ± 0,81	84,4 ± 4,03	9,5 ± 2,49
	II. градация	96,7 ± 1,02	86,2 ± 2,32	6,8 ± 1,02
	III. градация	98,3 ± 0,76	89,3 ± 2,02	6,4 ± 2,25
Линия-27	I. градация	94,2 ± 0,91	83,5 ± 1,57	9,7 ± 0,65
	II. градация	95,0 ± 1,10	84,1 ± 0,79	6,8 ± 1,98
	III. градация	96,6 ± 1,20	87,6 ± 1,71	6,5 ± 0,82

ларида бир қатор олимлар чуқур ва кенг қамровли изланишлар олиб борганлар (А.М.Сафонова, У.Н.Насириллаев, Б.У.Насириллаев, С.Н.Наврозов). Ушбу олимлар ипак қуртининг пилла маҳсулдорлиги, ҳаётчанлиги ва технологик белгиларининг ўзгарувчанлиги, ўзаро боғлиқлик даражаси ҳамда ирсийланишини ҳар хил зот ва селекцион тизимлар популяцияларида чуқур тадқиқ этганлар. Хусусан, ипак қурти капалакларининг экстерьер ва тана ўлчамлари ҳамда ҳаётчанлик, пушторлик, пилла маҳсулдорлиги белгилари билан коррелятив боғлиқлиги даражаси С.Н.Наврозов томонидан атрофлича ўрганилган ва тегишли хулосалар қилинган. Аммо, она капалакларнинг ҳаёти давомийлиги

2016 йил баҳорги қурт боқиш мавсумида “Марварид” ва “Линия-27” зотларининг градациялар бўйича тухум қўймаларидан 3 қайтарилишда 100 донадан тухум қўймалари олинди. Намуналар инкубация қилиниб, қуртлар жонланиб чиққандан сўнг 3-куни намунадаги жонланмаган тухумлар саналди. Жонланган тухумлар сони орқали тухумлар жонланиши ҳисобланди.

Градациялар бўйича жонланиб чиққан қуртлар парваришlash учун кўтариб олинди ва уларни бир хил гигротермик шароитларда ва сифати бир хил тут барглари билан боқиш ташкил этилди. Қуртларнинг II ёшининг 1-куни ҳар бир градациядан 3 қайтарилишда 220 тадан қуртлар санаб олинди ва

қуртлар пилла ўрашгача етказилди. Қуртлар пилла ўраб бўлгач, уларнинг ҳаётчанлигини аниқлаш мақсадида пиллалар соғлом, қўшалок, кар ва қорапачоқ гуруҳларга ажратилди. Қуртлар ҳаётчанлиги умумий пиллалар ичидаги соғлом ғумбакли пиллалар улушини ҳисоблаш орқали аниқланди.

Бундан ташқари қурт боқиш даврида қуртларнинг касалланиш фоизи ҳам аниқланди. I-жадвалдан жонланиш ва ҳаётчанлик кўрсаткичлари жой олган фарқ қилишини кўрсатмоқда.

“Марварид” зотининг I градациядаги тухумлар жонланиши 95,0% ни ташкил этган бўлса, II ва III-градацияларда бу кўрсаткич мос равишда 96,7% ва 98,3% га тенг бўлди. Қуртлар ҳаётчанлиги бўйича ҳам I градациянинг кўрсаткичлари II ва III градацияларникидан пастроқ даража бўлганини кўриш мумкин (84,4%; 86,2%; 89,3%). Касаллик фоизи белгисига тўхталадиган бўлсак, III-градациянинг натижаси I градацияникидан сезиларли даражада паст экани аниқланди (III градация - 6,4%; I градация 9,5%).

“Линия-27” зотининг кўрсаткичларини таҳлил қилар эканмиз, тухумлар жонланиши ва қуртлар ҳаётчанлиги бўйича I градациянинг кўрсаткичлари II, III градацияларникидан пастроқ даражада эканини кўришимиз мумкин (I градация - 94,2%; 89,3% ва III градация - 96,6%; 87,6%). Бу зотнинг градациялари бўйича популяцияларида ҳам касаллик фоизи I градацияда юқорироқ ва III градацияда эса касаллик камроқ аниқланди (I градация - 9,7%; III-градация - 6,5%).

Демак, юқоридаги таҳлиллардан ипак қурти урғочи капалакларининг ҳаёти давомийлиги қанчалик қисқа бўлса, уларнинг тухумлар жонланиши ва қуртлар ҳаётчанлиги кўрсаткичлари юқорироқ бўлганлиги ҳақидаги хулоса келиб чиқди ҳамда қисқа давр яшаган капалаклар популяциясида қуртлар касалликларга камроқ чалингани исботланди.

У.УМАРОВА, докторант, ТошДАУ.

КУЖ АЛИНЖ ЎМОҚДА ЮРТИНИНГ ҒУРУРИ

АЁЗ

Барча истар баҳорни,
Қишни соғинмас кўнгил.
Лек ер ичмаса қорни,
Тупроқда битмагай гул.

Совуқдан безиб қушлар,
Кўкламни излар ҳалак.
Баҳор ҳақида тушлар
Уйғотмоққа қиш керак.

Дунёга кетган донғи
Меваларни кўрган туш,
Қорларга бошқоронғи
Дарахтларга керак қиш.

Ёз бўйи йиғлаб, қақшаб,
Бошларидан учиб хуш,
Муз сандиқ қолган бўшаб -
Тоғларга ҳам керак қиш.

Тўлиб-тоширар кўклам.
Қилади ёзда байрам.
Кузда толиққан тилак
Дарёларга қиш керак.

Баҳор, ёзу куз долзарб,
Ҳосил учун меҳнат зарб.
Олиб борган ҳар бир он
Қишни тилайди деҳқон.

Қиш бой бўлса — юртим бой.
Халқим бўлар фаровон.
Кумуш тан, олмос чирой
Бир пари кезар хандон —
Шодланар Ўзбекистон!

ҚИШ

Сочлари оппоқ тани совуған
Донишманд бир момо ҳаёл суради.
Тушларида эса маъсум ва дилбар,
Жўшқин ва гўзал, гулдан яралган
Ёшлиғи — Баҳорни кўради...

Мунаввара ҚУРБОНБОЕВА.

ҚОР ВА БАҲОР

Келдингми қиш, кир ичкарига,
Сенга эртак айтиб бераман.
Баҳор кутмай ўн саккизимда
Аёзда ҳам гуллайвераман...

Кўнгил тўлган, дунё мукаммал,
Бўм-бўшлиқдан асар йўқ буткул,
Сен устимдан қорлар сочасан,
Мен кўксингга гул отаман, гул.

Нур ёғилар бошимдан, ҳай-ҳай,
Кўзларимда меҳру сеҳрдир.
Юрагимдан сачрайтир чўғ,
Юзларингни яшир декабрь!

Гўзал ЭРГАШЕВА.

ЗАМОН

Гарчанд ҳаёт тўкин, кун кундан дуруст,
Тириклик шартидир битмас каму кўст,
Шукр, кўнглимиз тинч, устимиз ҳам бут
Тўқчилик замонда яшайпмиз, дўст.

Бозорга тушсак гар энг арзони нон,
Очқаб қолгани йўқ бугун бирор жон,
Бу эл дўст кунига ярар ҳар қачон,
Тўқчилик замонда яшайпмиз, дўст.

Омадинг чопмаса кундан нолима,
Азалий бири кам дундан нолима,
Яшамоқ — олий бахт — бундан нолима,
Тўқчилик замонда яшайпмиз, дўст.

Айтинг, қайси халқнинг бугун ғами йўқ,
Элимиз ичида ҳеч авоми йўқ,
Кекса, ёш ардоқда, сира ками йўқ,
Тўқчилик замонда яшайпмиз, дўст.

Оқар дарёларнинг қирғоғида биз,
Жаннатмонанд макон кучоғида биз,
Шукрона айтайлик Ўзига чексиз,
Тўқчилик замонда яшайпмиз, дўст.

Юксалиб фарзандлар онги-шуури,
Кун сайин ўсмоқда юртнинг ғурури,
Дилларда умиднинг тотли сурури.
Тўқчилик замонда яшайпмиз, дўст.

Икром НАРЗУЛЛО.

ЯНГИ ЙИЛ

Қиш зийнати оппоқ қор
Ёғди, завққа тўлди дил.
Қалбларга солиб виқор,
Кириб келди янги йил.
Янги йил, янги шодлик,
Янги орзу, янги бахт.
Эзгу тилак ободлик,
Янги ғайрат, янги шаҳд.
Тўрда безанган арча,
Байрамдан нишона у.
Севинчдан кулди барча,
Дилдан йўқолди қайғу.
Даврада шеърлар бўлиб,
Табриклар тўлиб-тошар.
Янги ҳислар авж олиб,
Ҳаммининг завқи ошар.
Дастурхонда юз неъмат,
Орзу-истак ижобат.
Ҳар бир оилада бахт,
Янги йил, янги омад.

Гўзал ФАЙРАТОВА.

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХОЎЖАЛИГИ

(«Сельское хозяйство
Узбекистана»)

Аграр-иқтисодий,
илмий-оммабоп журнал

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ ва сув хўжалиги
вазирлиги

Бош муҳаррир:

Тоҳир
ДОЛИЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Зойир МИРЗАЕВ
Аброр ВАХАБОВ
Шавкат ХАМРАЕВ
Шухрат ТЕШАЕВ
Баҳром НОРҚОБИЛОВ
Низомиддин БАКИРОВ
Тўлқин ЭШНАЗАРОВ
Баҳодир ЮСУПОВ
Абдушуккур АБДУЛЛАЕВ
Сурат ҲАЙДАРОВ
Ботиржон СУЛАЙМОНОВ
Тоштемир ОСТОНАҚУЛОВ
Шермат НУРМАТОВ
Ўктам УМУРЗОҚОВ
Норкул ХУШМАТОВ
Равшанбек СИДДИҚОВ
Ражаббой ДЎСТМУРОДОВ
Муҳаммаджон ИБРАГИМОВ

2018 йил,
№1. Январь

Журнал 1922 йил
октябрдан чиқа бошлаган.

ОБУНА ИНДЕКСИ:
якка обуначилар учун — 894
ташкilotлар учун — 895

МУНДАРИЖА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг	
Ўзбекистон халқига янги йил табриги	1
А.ВАХАБОВ. Натижадорлик — бош мезон	2
Юрт равнақи, халқ фаровонлигига муносиб ҳисса қўшайлик	4
Ерни қадрлаганни эл қадрлайди	7
К.ЭРГАШЕВ. Касбидан шухрат топиб	10
М.КОМИЛОВ. Соя етиштириш истиқболлари	11
М.ФАЙЗУЛЛО. Қутлугқадам инсон эди	12
Ш.ЖАББАРОВА. Сув таъминотини яхшилаш учун масъулмиз	13
Боғбонга ҳам, деҳқонга ҳам сувчи мададкор	14
Аччиққўлнинг ширин балиқлари	15
М.ҲАСАНОВ. Ютуқлар — жамоамиз ҳамжиҳатлигидан	16
Омилкор фермернинг парвози	17
Б.ТОШНАЗАРОВ. Қорақўлчиликда бошқарувнинг янги тизими	19
А.САМАТОВ. Деҳқондан тадбиркорга айландим	20
Сафар сурнайчининг набираси	21
Ш.СОДИҚОВА. Хоразмлик Ошин	21
Кўп тармоқ — кўп топмоқ	23
Ф.МИРЗО. Юксалиш йўлидаги одимлар	23
Хоразмнинг алп ўғлонлари	24
Кичик ернинг катта фойдаси	26
Барака ҳаракатда	26
Боғлар — неъмат булоғи	27
Ҳам хўжалик, ҳам маҳалла раҳбари	28
Изланганга толе ёр	28
Б.АЗИМОВ. Исмалоқ (шпинат)	29
Илм ва амал муштарақ	31
Рапс — даромад манбаи	32
Д.АЛИЖОНОВ, Б.ШАЙМАРДОНОВ, Я.ЖУМАТОВ.	
Чорвадор фермер, деҳқон ва шахсий хўжаликлар	
учун озуқаларни майдалаш қурилмаси	35
И.ЭРГАШЕВ, Б.ТАШТЕМИРОВ, Х.ПАРДАЕВ, Ф.КОДИРОВ.	
Комбинированное орудие для посадки сеянцев фитомелиорантов	36
М.ЭШМУРОВОВА. Ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши,	
ҳосилдорлигига калийли ўғитларнинг таъсири	37
Д.НАЗАРОВА, Х.БОБОЕВА. Замонавий интенсив олма боғларини	
татура усулида шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари	39
Ғ.ПАРПИЕВ, А.АХМЕДОВ, Ж.ТУРДАЛИЕВ, Х.НАМОЗОВ.	
Анор етиштириш ва ресурстежамкор агротадбирлар	40
М.МАННОПОВА, У.САРИМОКОВ, О.МЎЙДИНОВ.	
Соянинг асосий экин сифатида экишга мос	
"Устоз ММ-60" навининг биологик хусусиятлари	41
Э.УМУРЗОҚОВ, С.АХМЕДОВ. Экинларнинг паразит бегона ўти	42
М.АРАМОВ, Б.МУКИМОВ. Двурядник тонколистный и индау	
посевной — ценные овощные культуры	43
И.АМОНТУРДИЕВ, Т.ОСТОНАҚУЛОВ. Эртаги картошкани суғориш тарти-	
би ва ўғитлаш меъёрларини биргаликда қўллашнинг самарадорлиги	44
У.УМАРОВА. Ипак қурти "Марварид" ва "Линия - 27" зотлари ургочи	
капалакларининг градациялари бўйича биологик кўрсаткичлари	46
Кун сайин ўсмоқда юртнинг ғурури	47

Журнал Ўзбекистон Матбуот
ва ахборот агентлигида 2007 йил
11 январда 0158-рақам билан
рўйхатга олинган.

Манзилимиз: 100004, Тошкент
Шайхонтохур тумани,
А. Навоий кўчаси, 44-уй.
Тел: +998 71 242 13 54,
+998 71 242 13 24.
www.qxjournal.uz
E-mail: qxjournal@qsxv.uz,
uzqx_jurnal@mail.ru

© «O'zbekiston qishloq xo'jaligi»

Босмахонага топширилди: 2018 йил
4 январь. Босишга рухсат этилди:
2018 йил 5 январь. Қоғоз бичими
60х84 1/8. Офсет усулида офсет
қоғозига чоп этилди. Шартли босма
табоғи 4,2. Нашр ҳисоб табағи 5,0.
Буюртма №1 Адади 3800 дона.

«PRINT LINE GROUP» ХК
босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри,
Бунёдкор шоҳкўчаси, 44-уй.

Навбатчи муҳаррир: Б.ЭСОНОВ
Дизайнер: Н.БОЛТАЕВА